

Боту
Ез кунин





Эм тунак, кызы
 Копчак, чып
 Тунак

Эм тунак, кызы тунак
 Копчак, чып тунак.
 Эм сарак-чым сарак
 Копчак-чым сарак!

Боту
ЁЗ КУНИ

(ШЕЪРЛАР, ДОСТОНЛАР,
ҲИКОЯ ВА МАҚОЛАЛАР)

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1980

Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг академиги

Комил Яшин
таҳрири остида

Нашрга тайёрловчилар:
С. Мамажонов ва Н. Қобулов

Рецензент **В. Раҳмонов**

Б 4702057020 — 140 50 — 80
М352(04) — 80

(С) Ғафур Ғулום номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти, 1980 й.

«Боту — замонавий ўзбек шоирларининг энг йириги ва машҳуридир», деб ёзилганди А. В. Луначарский таҳрири остида чиққан «Литературная энциклопедия»да (1929 й.). Боту ўзбек совет адабиётига тамал тошини қўйганлардан биридир. У Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айнийлар билан изма-из ва ёнма-ён бориб, Улуғ Октябрни сидқидил ва эҳтирос билан куйлади, янги ҳаёт қуриш ишида ҳам адабий ижоди, ҳам серқирра ижтимоий фаолияти билан актив қатнашди. Марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаган Боту Ўзбекистонда марксча-ленинча таълимотни тарқатиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган илғор зиёли эди. Ботунинг сиёсий ўткир, партиявий чуқур, ғоявий юксак, кураш ва яратин пафоси, эртанги кунга қаттиқ ишонч руҳи билан тўлиқ жанговар ва сурурли шеърлари, ўткир ва принципиал адабий-танқидий мақолалари ўзбек совет адабиётининг тараққиётига сезиларли таъсир қилди.

Боту асарлари ўша алангали, тўлқинли ва роман-тик йилларнинг ҳамда шу давр кишилари руҳий дунёсининг бадий солномаси сифатида таҳсин ва эътиборга лойиқ. Бу асарлар янги ҳаёт ва ўзбек совет адабиётининг кескин синфий кураш жараёнида бунёдга келганидан далолат беради. Асримиз бошидаги буюк воқеалар ҳам, халқ ҳаёти ва руҳидаги ўзгаришлар ҳам шунингдек бадий ижод, мафкура майдонидаги ғоявий курашлар ҳам Боту ва унинг замондошларининг асарларида ўз ифодасини топди.

Боту ўзининг адабий-танқидий мақолаларида бирор ёзувчи ижодини таҳлил этганда у яшаб ижод этган замон ва маконни донм назарда тутиш ҳамда унинг ижодини яхлит ўрганиб хулоса чиқариш кераклигини

таъкидлайди. Боту «Нафис адабиёт соҳасида ўз-ўзини танқид» мақоласида ўзбек танқидчилигидаги ютуқ-камчиликларини таҳлил этар экан, «Бир адиб, бир шоир текшириларкан, унинг ҳамма нарсалари яхши элақдан ўтказилмайди. Замон ва макон масаласи баъзи чоқлар эздан чиқарилади», дейди. Шу мақоладан бир йил кейин, яъни 1929 йилда нашр этилган Ойбекнинг «Кўнгил найлари» тўпламига ёзган кириш сўзида Боту бундай дейди:

«Ҳар бир шоир, ҳар бир адибнинг озми-кўпми ўзига яраша хусусиятлари бўлади. Бироқ бу хусусиятларни бир-икки шеър, бир-икки адабий парчага қараб кескин белгилаш тўғри бўлмайди. Негаки, бу хусусиятлар эгасининг ўсиш давлари ҳар вақт ўз изларини унинг асарларида қолдирмасдан қўймайдилар. Шунинг учун ҳар бир шоир, ҳар бир адибга баҳо берганда кенг ва чуқур таҳлил қилиш баҳонинг тўғрилигини таъмин этади».

Ботунинг ижодига ҳам мана шу тарзда, шу принципларга суяниб ёндошишимиз керак бўлади.

Маҳмуд Ходиев (Боту унинг тахаллуси) 1904 йилнинг май ойида Тошкентнинг Эски шаҳари билан Янги шаҳари туташган жойда Шайхантовур даҳасининг Қатортерак маҳалласида туғилди. Ундаги рус халқига, рус маданияти ва айниқса рус маданиятига бўлган катта меҳр-муҳаббат шу ёшлигидан пайдо бўла бошлаган эди. Отаси Мақсуд ака ҳалол ва меҳнаткаш, эркинлик ва зулмнинг барча даҳшатларини ўз бошидан кечирган одам эди. Икки ёшида отасидан етим қолган Мақсуд саккиз ёшидан Баландмачитдаги Комил маъсидўзга шогирд бўлади, сўнгра Тошкент бойларидан бири Шамсиддин хожи қўлида ўн саккиз йил қар бўлиб ишлайди. Кейин тўқувчилик билан шугулланади. Шунинг учун ҳам Мақсуд ака Октябрь революциясини жону дил билан хурсанд бўлиб кутиб олди ва янги ҳаёт қуриш ишида фаол қатнашди. Айниқса, у деҳқонлар жамиятини ва тўқувчилар жамиятини тузишда жонбозлик кўрсатди. 1922 йилгача у шу Жамиятнинг секретари, кооператив жамиятининг раиси бўлиб ишлади. Айни вақтда 1919 йилдан то 1921 йилгача ячейка секретари сифатида партиявий иш ҳам олиб борди. 1923 йилнинг кузидан бошлаб «Бирлашув жамияти»да инструктор бўлиб ишлади. Ўз даврининг илғор кишиларидан бўлган Мақсуд ака тўнгич фарзанди Маҳмуднинг ўқимишли, етук шахс бўлиши тўғрисида

жон куйдирди. Шунингдек Маҳмуднинг онаси Тўхта опа ҳам дили очиқ, зеҳни ўткир ва орзули аёллардан эди. Улар Маҳмудни рус-тузем мактабига ўқишга бердилар. Маҳмуд биринчи бор рус адабиёти билан, жумладан Пушкин, Лермонтов, Крылов, Некрасов, Л. Толстой асарлари билан шу жойда танишади. Бу мактаб Маҳмуднинг сиёсий онгининг ўсишида ҳам катта ёрдам берди. Ботунинг дўстларидан бири профессор Акбар Асқаровнинг айтишича, мазкур мактабда Юдин каби «Чор ҳукумати томонидан Россиядан сургун қилинган илғор фикрли муаллимлар дарс берарди ва улар ерли халқларнинг рус адабиёти, рус маданияти билан яқиндан танишишларига ёрдам берардилар». Маҳмуд худди шу ерда Пушкин, Некрасов шеърларини ёд олиб айтиб юрарди. Бу мактабни аъло баҳолар билан битирган Маҳмуд, ўз таржимаи ҳолида ёзишича, Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгунча отасига ёрдам беради. Октябрь бу онлага ҳам қуёш бўлиб киради. Маҳмуд 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб чиқади ва комсомол ишларида актив қатнашади. 1919 йилда комсомол сафига киради, хабар ва шеърини машқлари билан матбуотда ҳам кўрина бошлайди. У ижтимоий ишларда активлиги, принципиаллиги билан эътибор қозона бошлайди. 1920 йилда Бухоро партия комитети ихтиёрига юборилади, у ерда журнал редколлегияси аъзоси сифатида ишлайди. Кўп ўтмай 1921 йилда Фарғона область партия комитетининг органи бўлмиш «Фарғона» газетасининг ташкил этилишида иштирок этади ва унинг биринчи редактори сифатида қизгин иш олиб боради. Бу вақтларда у Боту тахаллуси остида ўз шеърлари, мақолалари билан «Иштирокиюн», «Туркистон», «Фарғона» ва республикада чиқадиган шу каби вақтли матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турарди. Унинг илк ижодидаги айрим шеърларида тажрибасизлиги ва ўша давр адабий жараёнидаги мураккабликлар туфайли учраган умидсизлик руҳи («Ўғул ёзгичлар» хрестоматиясига кирган «Ётар энди!» каби айрим шеърлари) аллақачон барҳам топиб, ижодининг марказини инқилобий пафос, кўтаринкилик ва янгилик романтикаси эгаллайди. Боту шеъриятидаги жанговарлик, партиявий ва сиёсий ўткирлик, ғоявий етуклик айниқса унинг Москвада илм олган йиллари яратган асарларида ёрқин кўринади.

«Ўқиш билан ишни қўшиб олиб бориш менинг учун жуда қийин бўлди, шунинг учун КП(б) ТМК 1922

Йилнинг бошида мени Москва рабфакига жўнатди», деб ёзганди Боту ўз таржимаи ҳолида. Ботунинг турмуш ўртоғи Валентина Петровна Васильеванинг айтишича, Ботуни рус тилини яхши билмагани учун рабфакка қабул қилмаганларида, у Луначарский ҳузурига боради (Луначарский Маориф Халқ комиссари эди). Боту Луначарскийга тезда рус тилини пухта эгаллашга ваъда беради. Маориф халқ комиссари сидқидилдан ёрдам беради. Боту чидам, завқ-шавқ билан ўқиб, рус тилини мукаммал эгаллайди ва рабфакни битиргач, Москва Давлат университетининг иқтисод факультетига ўқишга киради. Боту айни вақтда бадий адабиёт сирларини эҳтирос билан ўргана бошлайди. У университетдаги адабий учрашувларга, айниқса шаҳардаги «Никитин шанбалиги» номи билан машҳур бўлган адабиёт кружокларига актив қатнашарди. Бу ерда Луначарский тез-тез лекциялар ўқирди. Маяковский, С. Есенин, Жаров ва бошқа машҳур шоирлар иштирокида шеърхонлик ва адабиёт ҳақида суҳбатлар бўларди. Москвадаги қизғин адабий ҳаёт Боту учун зўр мактаб бўлди. Москвадаги ўқув йиллари Боту дунёқарашининг шаклланиш, сиёсий онгининг ўсиш ва эстетик оламининг кенгайишида жуда катта роль ўйнади. Энг аввало у марксизм-ленинизмни пухта ўрганди, рус классик адабиёти ҳамда ўша даврнинг донгдор рус совет ёзувчиларидан мадад олди. Боту университетнинг ижтимоий-тарбиявий ишларида ҳам фаол иштирок этади (комсомол ячейкасининг секретари эди). Коммунистик партия сафига ҳам Москвада 1924 йилда Ленин чақириғи кунлари киради. Боту университетда ўқир экан, ўзининг назарий билимларини чуқурлаштириш билан бирга тинмай шеърлар ёзди, рус ёзувчилари, жумладан Чехов ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилади, айниқса В. И. Ленин асарларини, ҳукуматнинг қарор ва декретларини таржима қилади, каникул вақтларида Қўқонга келиб редакцияда ишлайди. Боту Москвада экан, Ўзбекистондан ўқишга ёки тажриба ўрганиш учун борган юртдошларининг ўқишга жойланиши ва илм-ҳунарини ошишига жон-дили билан ёрдам берди. Боту Москвада очилган ўзбек билим юрти ва унинг қошида ташкил қилинган ўзбек драмстудиясига доим бориб туради, у ерда ўқиётганлар билан суҳбатлашади, лекциялар ўқийди. Худди шунингдек Москвадаги Зарайский фабрикасида ўзбек тўқимачилари практика ўтказишар эди. Боту уларга сиёсий раҳбар қилиб тайин-

ларган эди ва ҳафтада икки бор қатнаб, уларга турли мавзуларда лекциялар ўқиб берадди. Тошкентдан борганлар Ботулар яшаётган хонада (Янги Арбатда) тез-тез ҳам бўлишиб, адабиёт ҳақида ва Ўзбекистоннинг порлоқ эртаси ҳақида қуюқ баҳс юритишарди. Боту жуда кўп ёшларнинг ҳаёт йўлини белгилашга яқиндан кўмак берди. У Ойбек, Тамарахоним, Собира Холдороваларнинг Москвада ўқишга жойлашишига ёрдам берди. Боту ўзбек адабиёти, ўзбек маданиятини тез суръатлар билан ўсишини дил-дилидан истайди. Бунинг учун меҳнаткашларнинг, айниқса ёшларнинг маънавий бойлиги зарурлигини уқтиради. Бунда вақтли матбуотнинг роли беқиёс катта эканлигига қаттиқ ишонади. У Москва ёшларининг ўқиш-ўрганиш шавқи билан қайнаётганини кўриб ич-ичидан қувонади ва ҳаваси келади. Тошкентда чиқа бошлаган «Ўзгаришчи ёшлар» журнали редакциясига ёзган мактубида (1924) бундай дейди:

«Ҳар ўқувчининг руҳида аллақандай кўтаринки: унинг кўзлари истиқболга умид билан қараб чақнай-дир, ўйнайдир. Урта, юқори мактаб ўқувчилари моддий таъминот ёғидан жуда яхши ҳолда бўлмасалар ҳам, руҳ, ҳиммат ва ғайрат тарафдан ортиқ юксак, ҳукумат ўқувчиларнинг ҳолларини кундан-кун тузат-моқда».

Шоир «Москванинг ҳаёт тўлқинининг қандай кучли эканини» кўрсатгач, ўзбек ёшларини улардан ўрнак олишга чақиради: тўппадан-тўғри «Туркистон ёшларига ибрат!», дейди. Янги чиқа бошлаган журнал-ни кутиб, унинг «энди кўз очган ёшларимизнинг маънавий тарбиясида буюк аҳамиятга эга бўлаётганини» умид-ишонч билан таъкидлайди.

Боту ўқишни битириб Ўзбекистонга қайтганда, яъни 1927 йилда (уни Москвада қолиб пахта комите-тида ишлашга таклиф этишади, аммо у кўнмайди) ёш-ларни, айниқса ёш ёзувчиларнинг адабиёт даргоҳига кириб келишига фаол ёрдам беради. Боту Ойбекдаги талант уруғини кўра олган ва унинг эртасига умид би-лап боққан эди. Ойбекнинг «Кўнгил найлари» тўпла-мига ёзган кириш сўзида Боту ёш шоирнинг ютуғини қувонч билан айтади, камчиликларини ҳам самимий таъкид қилади. Боту ёзувчилар диққатини «буюк-буюк муваффақиятларни, музаффариятларни, тўлқинли су-юнчиларни ўзлаштириб куйлашга, инқилобий» шеърлар ёзишга даъват этади. У «Ойбек ҳали ёш шоир, унинг

бу парсалари тажриба мевалари, унинг чиройли, ўткир қалами бора-бора ўсади, яхшиланади ва гўзалланади. Бундай дейишга ҳақсиз эмасмиз. Меҳнаткашлар турмушига, яратишига чуқурроқ қараши ва қаламининг жиловини шу томонга тезда буриб юбориши лозим бўлади», дейди.

Комил Яшин ҳам Ботуни зўр ҳурмат билан тилга олади ва уни адабиётдаги раҳнамоларидан бири деб ҳисоблайди. Боту Ҳасан Пулатни адабиёт оламига олиб кириб, сафга қўшган меҳрибон устоздир. Боту Зебунисо интернатида ўқиётган Сора Эшонтўраева ва Турсуной Сандазимовани Москвадаги ўзбек драмстудиясига олиб бориб жойлайди. Сора Эшонтўраева ўз ҳаётини санъатга бағишлаши ва йўлда топган улуг бахтига Боту сабабчи эканлигини айтади. Боту Сора Эшонтўраевага бағишлаб «Севган қиз» деган шеърини ёзади (бу шеър ўша вақтда «Нева» журналида ҳам босилади). Шеър руҳида унинг сўнгги мисралари — «Гўзал қиз, илгарилар, юксал! Илгарилармай, юксалмай яшаш яшаш эмасдир. Кел, «эзгу иш» кетидан кет!» деган чақириғи ётарди шоирнинг. «...Шу шеър менга жуда катта таъсир қилган бўлса керак... — дейди Сора Эшонтўраева. — Шоир ёзганки, санъат бир истиқбол, келгусида ёрқин бир ҳаётдир. Шу туфайли сен учун асосий нарсасанъат бўлиши керак. Буни қарангки, шу киши менга ҳақиқий бахт йўлини очиб берди, десам янглишмаган бўламан. Шу кишининг маслаҳати билан шундай бир санъаткор бўлдим, шундай зўр бир обрўйга эга бўлдим. Мен Боту акадан умрбод миннатдорман».

Боту хотин-қизларни тўрт девор қамалидан озод бўлиб инсоний эркини қўлга киритиши ва янги ҳаёт қуриш ишида актив қатнашиши масаласига ғоят жиддий эътибор берди (айниқса хотин-қизларни озод қилиш Комиссиясининг секретари бўлган пайтларда), Фотима Назированиннг Орехово Зуевога ўқишга боришига кўмаклашади (У Ботунинг дўсти Саидахмад Назированиннг онаси, шоир ўртоғига бағишлаб «Сени кутаман» деган шеър ҳам ёзган). Хайринисо Мажидхон қизи Ботунинг ташвиқоти билан ўз паранжисини ташлаганини ҳикоя қилади. Боту бундан қувониб унга бағишлаб «Қичкина армуғоним» (1922 й.) шеърини ёзади. Шеърда «Қора турмуш чангалидан қутулиб эрк чечаги тақалолган кучли қиз»га мурожаат этиб, «Илгарилар! Йўл сўнггида ёруғлик!», дейди.

Ҳақиқатан ҳам Боту Ўзбекистонга қайтиб келгач,

жўшқин бадий ижодни қизғин ижтимоий ва жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди. 1927 йилнинг бошида Боту Марказий партия мактабининг раҳбари бўлади (Самарқандда), аynи пайтда лекторлик ҳам қилади. Шу январь ойининг ўзида мафкуравий кураш fronti-даги ишларни кучайтириш Комиссиясига аъзо қилинади, март ойида хотин-қизларни озод қилиш Марказий Комиссияси составига киритилади ва шу ойнинг ўзида Ўзбекистон КП(б) МКда матбуот бўлимининг мудирини бўлади. 1927 йил августдан Марказий статистик Бошқарма Коллегиясининг аъзоси бўлади ва 1928 йил январдан Самарқанд обкомида агитация ва пропаганда бўлимини бошқаради. 1929 йил 28 августдан бошлаб Ўзбекистон маориф халқ комиссарининг ўринбосари бўлади. Мана шу даврларда Боту «Янги йўл», «Маориф ва ўқитувчи» журналларининг редколлегия аъзоси, «Худосизлар» жамияти Комиссияси секретари, «Қизил қалам» жамияти ташкилий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССРнинг 5 йиллик тўйини нишонлаш Комиссияси, республика Давлат план Комитети қошидаги кадрлар Советининг аъзоси сифатида тинимсиз ишлади ва республикаимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўша олди. Боту лотинлаштириш Бутуниттифоқ Марказий комитети раисининг ўринбосари сифатида пленумлар ва илмий конференцияларда мунтазам қатнашиб, бу борада республика газети ва журналларида қатор принципиал мақолалар билан чиқди. («Бутуниттифоқ янги алифбе Марказий Қўмитаси иккинчи пленуми якуни ўрнида», «Ўзбекистон янги алифбе Марказий Қўмитаси биринчи пленумининг якуни», «Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз», «Ўзбек адабий тили ҳақида»).

Ботунинг қизғин ва кўп қиррали ижтимоий фаоллиги унинг бадий ижодининг гуркириб ўсишига сабаб бўлди: асарларининг мавзуини ранг-баранг қилди, мазмунини чуқурлаштирди, сиёсий юксак ва ўткир партиявий руҳ бахш этди. Ботунинг ижтимоий жамоат ишлари билан бадий ижоди гўё бир олманинг икки томонидек гап эди: у икки соҳада ҳам бир мақсад ва бир гоё учун интилди, курашди.

Ботунинг адабий мероси «Умид учқунлари» (1925 йил) ва «Тўлқин товушлари» (1929 йил) номли икки шеърини тўплами, «Турсун» (1929 йил) китоби (ҳикоя), «Биринчи хат» поэмаси ҳамда ўнлаб ҳикоя, очерк, шунингдек адабиёт, тил, маданият масалаларига бағиш-

ланган ўнлаб мақолалардан иборатдир. Боту қатор поэмалар бошлаб қўйган ва хотин-қизлар озодлиги, ўзининг ёшлиги, болалиги, Қўқон воқеалари тўғрисида романлар ёзишни ният қилган эди. Хотин-қизлар ҳақидаги «Ҳайит ҳаром бўлди» повестини бошлаганича тугатишга улгурмади. У ўзбек халқининг босиб ўтган катта йўли — ўтмишдаги оғир тақдири ва Октябрдан кейинги пурли йўли тўғрисида «Йўл» номли роман ёзишни ният қилади, асарнинг бир қанча боблари ёзилиб, чала қўлёзма ҳолида қолади. Аммо Ботунинг мавжуд асарларининг ўзиёқ, янада аниқроқ айтганда икки шеърини тўплами ва «Биринчи хат» поэмасининг оташин шоир сифатида ўзбек совет адабиётининг яловбардорлари қаторидан ўрин олишига тўла ҳуқуқ беради.

Боту адабиётга ёниб кирди, у пўртанадек қайноқ яшади ва ижод этди, у даврининг долғали кадамини, юксалиш сурурини эҳтирос билан куйлади. У «ғўзалликни юксалишда, тўққинлар бағрини паришон этишда, тилак аришига гуриллаб этишда» деб билди. Ботуни Октябрь революцияси, коммунизм ғоялари, янги ҳаёт шавқи шундай сурурли шоирга айлантирди:

Олганман

Бу ғуруримни,

Бу суруримни

Шонли вулқондан,

Тенгсиз исёндан,

Эски дунё қақшаган ондан,

Менинг кўнглимда-да

пўртаналар,

Пўртаналар,

Чунки пўртана мендир,

Мен-да пўртанаман!

(«Каспий денгизига»)

Боту адабиётда революция куйчиси, кураш алаңгалари ва тўлқинларида қарор топаётган янги ҳаёт куйчиси, порлоқ эртанги кун жарчиси сифатида майдонга чиқди. Унинг шеърларининг марказида ҳаёт-бахшлик, кўтаринки руҳ, сурур ва ғурур оҳангининг ҳокимлиги шундан. Ботунинг мунгни, турғунлиқни, ло-

қайдлиқни ё... маслиғи ҳам бежиз эмасди. Боту «Эски чолғу, эски кун ёш юракни тирнагай» («Ёшлар учун») деб ёзганда мунглиликни, эрксизлик куйини, пасивликни назарда тутди. Созанда дўстига мурожаат қилиб ёзган «Кел бирга куйлайлик» шеърида Боту:

Зўр созчи, сўзга қулоқ сол!
Сознигни ўзгачароқ чол!
Кўнглиниги нурга кўмиб ол!
Кел эмди сўлга кетмайлик!
Кел эмди бирга куйлайлик!

— деб хитоб қилади. Бошқа ўринда шу созандага қараб тўғридан-тўғри «Борлиқнинг чокини сўкма, оғули кўз ёш тўкма» дейди, Боту янги бахтиёр ҳаётни фақат кураш ва меҳнат орқалигина барпо этиш мумкин, улуғ мақсадга ўз-ўзидан эришилмайди, деган ғояни зўр бериб тарғиб қилади. Шунинг учун «ёшли кўзга қарши» эканлигини очиқ айтгани ҳолда янги ҳаёт, янги турмуш тантанаси, халқнинг зафарли юришидан «ҳар томондан тўлқин урган ўткир товушдан беҳад қувовганини гурўр-ла изҳор этади» («Бизнинг товуш»).

Боту чиндан ҳам кураш, суръат романтиги, зафар ва порлоқ келажак романтиги эди. Унинг бир тўпламининг «Тўлқин товушлари» деб номланиши ёки ўнлаб шеърларига «Бизнинг товуш», «Суюнч куйлари», «Ёш юрак тўлқинлари», «Қўзғалиш», «Исён», «Кураш тўлқинлари», «Қўклам таронаси» деб сарлавҳа қўйишида катта маъно бор эди — давр руҳини, суръатини ва замондошларининг шавқи, жасорати, мақсад-идеалларини ифодалаш нияти турарди. «У кун» шеърида «Бизнинг вақтимиз тезлик, чопқирлик, деб ёзса, «Кичкина армуним» шеърида «Илгарилаш ашуласин айтабер» деб хитоб қилади. Боту «Ёш юрак тўлқинлари» шеърида ёшларни, халқни олға чорлаётган, уларнинг кучига куч, умидига умид қўшаётган нарса порлоқ эртанги кун жанлигини таъкидлайди.

Тилак отли куч
Илгари тортар,
Илгари, илгари, илгарида нур...
Эрк-умид буйруғи: илгарига юр!

Боту «Пролетар адабиёти ҳақида бир неча сўз» мақоласида: «Пролетар нафис адабиёти биринчи галда пролетариатнинг маънавий юзини акс эттиради. У буржуа нафис адабиёти каби фардият ботқоғида ўсмайди, коллективимиз боғчасида яшайди. У умидсизлик кўчаларида сарсон бўлиб югурмайди. У омма ичида, омма билан яшайди, ўсади, гуллайди. У пролетариатнинг инқилобий ҳаракатига куч қўшади», деб ёзганди. Боту пролетар адабиётининг халққа яқин бўлиши, унинг мақсад идеаллари учун актив кўмак бериши тўғрисида жон куйдирди ҳамда бу йўлда уларга тўсқинлик қилган буржуа адабиётининг қолдиқларига қарши кескин кураш олиб борди. Бунда Боту адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги принциpidан келиб чиқади. Ботунинг «Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз» мақоласидаги «Бизнинг маданий инқилобимиз билан буржуазия маданиятчилиги орасида бошлаб синфий мавжум айирмаси бордирким, бу масалани ҳал қилишда асос бўлади... Бироқ ҳали ҳам бунга тушунмай турган шахслар мавжуддир. Буларнинг фикрларини тўлқинлантирган, тушунчаларини янглиш йўлга йўналтирган нарсаси ўсиб турган маданиятнинг мазмун жиҳатидан пролетариат, шакл жиҳатидан миллий маданият» бўлишидир. Ҳеч ким инкор этолмайдиким, бизнинг маданий муассасаларимиз пролетариат мафкурасига хизмат қиладир», — деб ёзган сўзлари унинг тўғри позицияда турганини яна бир бор тасдиқлайди. Боту мафкура майдонидаги кескин курашга бағишланган ўнлаб жанговар шеърлар ҳам ёзди ва буларда пролетар адабиётининг ғоявий-эстетик принципларини эҳтирос билан ҳимоя этди, тарғиб қилди. Боту «Жавобим», «Яна сизга», «Кўзи юмуқ, оғзи очиққа», «Ойдин кечада» ва «Менинг кундузим» каби шеърларида пролетар адабиётининг оташин куйчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. У «Ғоямнинг амри ғоянгни эзмак», «Йўлдан озган бузоқларга омон йўқ» ва «Ғазабимнинг тўфонлари ичига йўқлик суйган ҳар юракни тикаман» дейди. Шоир янги олам кўкидаги озодлик қуёшини тўсишга чиранганларга қарата кескин равишда бундай дейди:

Йиртилингиз, эй ярамас қора қалин пардалар,
Ҳеч ёвуқсиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин!

Йўқолингиз ёруғликни тўсатурган булутлар,
Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилсин!

Ботунинг бундай шеърларида ҳам Йўл, Нур (кундуз) образлари фаол иштирок этади ва шоирнинг ғоявий-эстетик ниятини ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Ботунинг бутун ижодидан қизил индек ўтиб турган ғоя — бу халқнинг озодлик йўли, янги ҳаёт йўли ва коммунистик жамият сари борадиган йўлдир, бу йўл ягона — меҳнаткаш инсонга бахт келтирувчи ёруғ йўлдир. «Оқлик-покликдан зўр илҳом олган» шоир:

Кишилиқ дунёси
Қуёш,
Нур истар:
Кишилиқ
Қўкармақ,
Унмақ истар, — дейди.

Боту «Биринчи хат» поэмасида ҳам «Севаман тонгни, баҳор тонгидек онгни. Тонг улур. У кучли кундузнинг боши», дейдики, ўтмишни, кечани-тунни, муңгни куйловчи шоирларга кескин ва ҳозиржавоблик билан берилган жавобдир булар. Шоирнинг «кундузга мафтунлиги ва уни бутун жисми билан ҳимоя қилишининг боиси мана бу эди:

Мазлум кечанинг муңлари қурсин,
Кундуздаги борлиқ юзи қулсин.
Кундуз... Ҳамма ер нурга кўмилган.
Унг-сўл, ҳаммаёқ ишга берилган,
Инсон кучи тоғларни эзишда,
Инсон қўли жаннат-да тузишда.
Кундуздаги руҳни севаман мен,
Кундуздаги ишда бўламан мен.

Шуни таъкидлаш керакки, Боту ўзининг чуқур партиявий мақолалари ва жанговар шеърлари орқали мафкура майдонидаги курашда фаол иштирок этар экан, ўзининг бош мақсади деб пролетар адабиётининг ғоявий-эстетик принципларини ҳимоя қилиш ва бунга қарши турганларни шафқатсиз фош этиш билан бирга, адашган, катта йўлдан тойган ижодкорларни тўғри

Йўлга — ҳақиқат йўлига тортишни ҳам ният қилади. Унинг «Ҳақиқат», айниқса «Йўлчи сўзи», «Йўл изловчи», «Йўлчи, сенга», «Катта кўча» каби шеърларида «ғўрга ташловчи йўлдан» эмас, балки «мангу сўнмас нурга бошловчи йўлдан» юришга зўр бериб даъват этиши шундан. Боту «Мафкура майдонида галдаги ва-зифаларимиз» номли мақоласида очиқдан-очиқ бундай дейди:

«Зиёлиларни уч бўлакка бўлиб, ўртада бўлган бир тўда зиёлиларни Шўро зиёлиларининг қаторига тортиш ва буларга бизнинг мақсадни англашда кўмак бериб, бизга душман зиёлиларга зарба бериш курашда юқоридагича маъно борлигини кўрсатади. Демак, мафкура курашида ҳам яратиш, тузатиш ишларига зўр аҳамият бериш зарур. Бу ишларнинг муваффақияти учун фойдали ҳаракат ва ташаббусларнинг ҳаммасига йўл бериш, раҳбарлик қилиш ва эгри, бузуқ йўлга бурилишдан сақлаш керак».

Боту тўғри йўл, ҳақиқат йўли, катта йўл деб социализм йўлини, коммунизм йўлини — Ленин йўлини тушунади. Шоир гоҳ Москвани, гоҳ коммунизмни прогрессив инсониятнинг каъбасига ўхшатиб туриб ёзади:

Каъбам узоқ,
Йўллар кўп узоқ!
Бироқ
Қолсам-да тоқ
Шу йўлдан,
Шу йўлдан
Кетаман.
Вақтсиз сўлмасам
Каъбамга
Бир кун албатта
Етаман!

Шоир «Катта кўча» шеърида «Биз илгари борамиз. Қўллар билан улуг тилакка йўл соламиз. Улуг тилак — коммунизм!» деб ҳайқирадики, бу эзгу ният, улуг орзу — коммунизм унинг қалбининг энг тўридан жой олганини, унинг эътиқодига айланиб кетганини кўрсатади.

Ботудаги бу фазилатни унинг улуг доҳиймиз В. И. Ленинга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатидан англаб оли-

шимиз мумкин. Боту Лениннинг асарларини пухта ўрганибгина қолмай, ҳатто гениал асари «Давлат ва революция» китобини ўзбек тилига таржима қилади. Боту 1930 йилда Ленин кунларида доҳиймиз ҳақида қилган катта докладида «Давлат ва революция» китоби тўғрисида ҳам махсус тўхталиб, бунда В. И. Ленин «кураш программасини, давлатнинг назарий асосларини чизиб берган» деб таъкидлайди. Доклад охирида Маяковскийнинг:

Партия ва Ленин

қондош-эгизак

Она тарих учун қай бири қиммат?

Ленинни англаймиз

Партия десак,

Ленин деганимиз—

Партия демак!—

каби машҳур мисраларини келтиргач (доклад рус тилида қилинган ва шеърлар ҳам русча), Жаровнинг Ленин тўғрисидаги шеърини тўлалигича ўқиб беради. Ботунинг синфлар ва синфий кураш, коммунизм, дин, маданий мерос ва пролетар маданияти тўғрисидаги мақола, шеърларида унинг В. И. Ленин асарларини чуқур ўргангани ва ҳаётга, турмушга, воқеликка ҳамда адабий ҳодисаларга ана шу таълимот нуқтан назардан ёндашганлиги ёрқин кўриниб туради. Боту адабиёт синфийдир, партиявийдир деган фикрни жуда қаттиқ ҳимоя қилар экан, бунда у улуг доҳиймизнинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» тарихий мақоласига ҳамда партиямизнинг адабиёт хусусидаги қарорларига суянади. Унинг «Пролетариат адабиёти тўғрисида бир неча сўз» мақоласида Партиямиз Марказий Комитетининг 1924 йилда бадий адабиёт тўғрисида чиқарган қароридаги пролетар адабиётининг «цех адабиёт бўлмасдан ўз кетидан миллион-миллион деҳқонларни олиб боровчи курашчи, улуг синф адабиёти бўлиши керак», деган фикрларга эътиборни тортади. Мақолада В. И. Лениннинг К. Цеткин билан қилган суҳбатидagi ҳар хил «изм»ларга доир мулоҳазаларини келтириб, диққатни Лениннинг халқчил адабиёт яратиш тўғрисидаги чақириғига тортади. Ботунинг «Бизнинг ёш ўзбек адабиётида ҳам мана шундай «изм»ларнинг туғилиши, яшаши мум-

кинми? Керакми? Менимча, меҳнаткашлар оммасининг сезгисини, тушунчасини ва ихтиёрини бирлаштира олмай-диган, оммани юксалтира олмайдиган «изм»ларнинг бори-дан йўғи яхши. Баъзи ёш шоир ва адибларимизнинг асар-ларида кўринадиган қўполликларга, бузуқликларга, юқорида айтилган шаклдаги «изм»ларга интилишларга қарши чиқиш керак» деган сўзларида Лениннинг санъат «омманинг туйғусини, фикрини ва продасини бирлаштириши, оммани кўтариши керак» деган фикри-ни бевосита ишлатиб юборганини кўрамиз. Боту ада-биётнинг партиявийлиги ва синфийлиги масаласини талқин қилганда ҳам Ленин таълимотига тўла амал қилади. Боту «Ўзбек матбуотига бир қараш» (1929 й.) мақоласида миллий буржуазия матбуотининг меҳнат-каш омма манфаатига қарши кескин кураш олиб бор-ганлигини кўрсатиб бундай дейди:

«...Октябрь инқилоби ўзбек миллий буржуазияси-нинг ҳам тилакларини бўшга чиқарди. У суянган «тоғ-ларнинг» тупроғини кўкка совурди. Унинг «хукмрон-лик» қилув замини бузилди. Бироқ ўзбек миллий бур-жуазияси ер юзидан йўқолиб кетмади. У ҳар вақт пролетариат диктатурасига қарши курашини давом этти-риб келди ва ҳозир ҳам курашади, аммо унинг кураши ҳар даврда, ҳар шароитда ҳар хил бўлуви табиийдир. Октябрь инқилобининг биринчи кунлариданоқ, ўзбек миллий буржуазияси матбуоти «ўлим олдида» безов-талигини кўрсатди. Ҳар хил бўҳтонларни пролетариат ҳокимиятига, улуг Октябрь самарасига қарши отди ва турли ёлғонлар билан меҳнаткашлар оммасини алдашга куч сарф қилди.

«Улуг Туркистон» газетасининг ҳар сатри больше-викларга, Шўролар ҳукуматига қарши даҳшатли ҳу-жум билан тўлган бўлиб, Туркистон халқини рус хал-қига (бой, камбағалларга қарамасдан) душманликка чақирди. У газетанинг бир сониди русларнинг 56 йил-дан сўнг Туркистондан жўнашини Яссавий «каромат» қилганини ёзиб, миллий душманликка кенг йўл очишга ва шу йўл билан ўзбек миллий буржуазияси учун фой-дали бир иш қилувга уринади. Босмачилар ҳаракати вақтида ҳам яширин суратда чиққан баъзи бир миллий буржуазия газеталари, чет мамлакатларга қочган оқлар томонидан нашр этилган матбуот босмачилар ҳарака-тини аллақандай юқори даражаларга кўтарди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек миллий буржуазияси

ҳар вақт матбуотни синфий манфаатига хизмат қил-
дирди».

Боту «Аланга» журнаliga редакторлик қилган йил-
лари «Қани, ким бор?» (1928), «Нафис адабиёт соҳа-
сида ўз-ўзини танқид» (1928), «Қуруқ сўз қулоққа
ёқмайди» (1929) каби қатор принципиал мақолалар
ёзиб, шу журналда эълон қилди. Буларда ёзувчиларни
ишчи-деҳқонлар манфаатини, янги замони, янги ту-
зумни, янги ҳаётни актив ҳимоя қилишга чорлайди.
Боту бу борада, шунингдек маданий меросдан фойда-
ланиш, пролетар маданиятини яратиш тўғрисида сўз-
лаганда ҳам ҳар доим ленинча таълимот заминида
турди.

Ботунинг «Албатта, янги маданият — пролетариат
маданиятини қуришда кишилик жамияти томонидан
саноқсиз асрлар бўйича тўпланган маданий бойликлар
бутунлай иргитилмайди. Ҳеч бир синф ўз маданиятини
қурганда жамият кучи билан вужудга келтирилган
маданий бойликларнинг кулини кўкка совуриб юборган
эмас. Пролетариат ҳам «капитализмдан социализмга
кўчиш даврида жамиятдаги маданий бойликларни ўз
қўлига олиб, уларнинг ярамас унсурларини йўқотади
ва яхши унсурларни қўшиб маданиятни юксалтиради»,
деган фикрлари В. И. Лениннинг «Ёшлар союзларининг
вазифалари» ва «Пролеткульт ва пролетар маданияти
тўғрисида»ги нутқ ҳам мақолаларининг бевосита таъ-
сирида айтилганини англаб олиш қийин эмас. Пролетар
маданияти шу даврининг, партия сиёсатининг марказий
масалаларидан бири эди.

Ботунинг деярли барча асарлари шу куннинг дол-
зарб масалаларига, ҳам мамлакатимиздаги, ҳам ер
юзидаги озодлик ҳаракатларига бағишлаб ёзилган. Бо-
ту кўпчилик шеърларига В. Маяковский каби газета
хабарларидан, шунингдек В. И. Лениннинг сўзларидан
эпиграфлар қўяди. У «Тилакларимиз тилаги» шеърига
Лениннинг «Коммунизм—синфсиз янги жамиятнинг
юқори босқичидир», деган ажойиб фикрини келтириб,
жаҳон халқлари тақдирини ўйлайди ва жаҳон револю-
цияси тўғрисида орзу қилади. Бугина эмас. Боту В. И.
Ленинга бағишлаб бир неча шеър ва эсдаликлар ҳам
ёзади. Боту буларда меҳнаткаш инсон «шу чоққача бун-
дай йўловчи кўрмаганини», «Йўқсул эллар дунёсининг
кенг кўкида порлаган нурли ой бўлмиш улуг Ленин
«Келгусида ер юзини жаннат қилиш истаги» билан
яшаганини таъкидлайди. Қонқонигача оптимист бўлган

Боту 1928 йилда ёзган «Қайғули кунлар эсдалиги»да ҳам улуг доҳий иши ва йўлининг ғоя ва мақсадларининг абадийлигига урғу беради: биринчи шеърини «Ул кўтарган шонли байроқ мангу тургай дунёда» мисраси билан, «Ленин учун» номли иккинчи шеърини «Энди Ленин ўлди, лекин ўлмайди, ўлмас унинг дунёда қилган иши» жумлалари билан тугаллайди. «Қайғули кунлар эсдалиги»да ҳам доҳиймизнинг иши ва ғоясига халқнинг улуг садоқатини ифодалайди. Ишчиларнинг «Ленин бошлаган ишни охирига етказмакка сўз берамиз!» «Сўз берамиз» деган хитоб, қасамларини келтиради шоир. У ўтган тўрт йилни назарда тутиб, қуйидагича хулоса чиқаради:

«...Қирқ саккиз ой ўтди, Ленин бошлаган иш бузилмади. Ленин кўрсатган йўлдан ўзга томонга бурилмади. Яна ойлар ўтади. Йиллар ўтади... Ленин йўли билан кетиб пролетариат коммунизмга етади...

— Шубҳа борми?

— Йўқ!

— Йўқ!!

— Йўқ!!!»

Ботунинг Ленинга, унинг ғояларига ва коммунизм идеалларига эътиқод ва ишончи мана шундай эди. У «умидга банди бўлар», «истиқболга сажда қилар» экан, аввало Лениннинг ўлмас ғояларига ва коммунист-тик партиянинг доно раҳбарлигига суянади.

Боту ўзининг қатор шеърлари ва ҳикоя, очеркларидида коммунистлар образини яратишга интилди. «Янги қишлоқ» ҳикоясидаги қаҳрамонлардан бири «Шу коммунистлар фирқасининг тўғри йўлбошчилиги остида мана шунча катта ишлар қилинди», деб қишлоқ халқи ҳаётида юз берган ўзгаришлар, ютуқлар сабабчиси деб партияни билса, иккинчи қаҳрамон «Биз фирқани жуда яхши кўрамиз», деб дилидаги гапни айтади. Боту «Биринчи хат» поэмасини партия ва Ленинни олқишлаш билан тугатади:

Яша эй улуг партия, дейман,

Ленин йўлидан

Озмаганларни

Мен олқишлайман...

Ботунинг коммунизм ҳақидаги қарашлари ва бу борада марксча-ленинча таълимотга мустаҳкам таянган эътиборга лойиқ. Ботунинг «Бизнинг динга қара-

шимиз» (1928 й.) номли катта мақоласи Ўзбекистон Марказий Комитети тошпириғи бўйича ёзилган. Диннинг келиб чиқиш сабабларини ва халқ учун афюн эканлигини, синфий моҳияти — халқни эзиш қуролидани бири эканлигини кўрсатиб бериши ва айни чоқда коммунистик жамият моҳиятини равшан талқин қилиб бериши жиҳатдан мақола ҳозир ҳам ўзининг илмий ва амалий қимматини сира йўқотмаган. Мақола ичидаги «Яшаш учун кураш ва коммунизм», «Коммунизм — дин эмас», «Ҳамма динда табиатдан юқори кучга ишониш бор», «Ислонда табиатдан юқори дунё», «Диннинг синфий роли», «Диннинг ижтимоий илдири» ва ҳоказо бўлимларига диққат қилинса, Ботунинг дин масаласига жуда жиддий ва чуқур ёндашганлигини билиш мумкин. Боту ер юзидаги мавжуд динларнинг ҳаммаси, шу жумладан «ислом, христиан, яҳудий ва будда динлари табиатдан юқори зўр кучга ишониш» асосига қурилганини айтади. Жумладан, ислоннинг «у дунё, дўзах-жаннат ҳақидаги ақидалари, — дейди Боту, — меҳнаткашларни итоатга, хаёлатга ўргатадилар. Булар синфий жамиятда киши кучидан фойдаланувчилар учун зўр хизмат этадилар. Пролетариат синфи билан капиталистлар орасидаги курашда пролетариатнинг кучини камайтиришга ва коммунизм қуришга халал беришга хизмат қиладилар», «марксизм меҳнаткашлар манфаати учун, дин киши кучидан фойдаланувчилар учун хизмат қилади».

Боту дин ҳомийларининг — капиталистлар ва маҳаллий бойларнинг пролетариат синфий курашига зарба бериш учун диндан фойдаланганлигини конкрет мисоллар асосида кўрсатиб беради.

«Ўзбекистонда босмачилик балоси қанот ёзган замонда, — дейди Боту, — мусулмон руҳонийлари босмачиларни ислон дини йўлида урушувчи «қаҳрамонлар» атаб, уларга «ўлсангиз шаҳид, ўлдирсангиз ғозии бўласиз», большевиклар кофирларнинг кофирларидирлар» деган эмасми эдилар?! Большевикларга қарши ўқ отганларга улар «жаннат мандати»ни бермаганми эдилар?! Инқилобни улар худога ва худонинг ер юзидаги тартибига қарши исён демаганми эдилар?! Наманган зилзиласига большевикларнинг ишларини сабабчи қилиб кўрсатиб меҳнаткашларни ғалаёнга келтириш учун ҳаракат қилган Наманган руҳонийлари эмасми?!»

Боту мақолада буржуа вакиллари, руҳонийларнинг пролетариатнинг революцион ҳаракатини сўндириш

мақсадида коммунизм ҳам бир дин, деган сафсаталарининг пучлигини очиб ташлайди. Боту илмий коммунизм фан ва илмга суянади, дейди. Коммунистлардаги эътиқод, ишонч, имонга келганда, улар қандайдир ташқи, илоҳий кучга эмас балки қудратига, коммунизм ғояларига ишонади, эътиқод қўяди. Коммунистик урф-одатлар билан диний маросимлар ўртасида ер билан осмонча фарқ ётади. Октябрь байрамини нишонлаш ёки революционерлар ҳайкалини, расмини тавоб қилиш остида халқ кураши, меҳнатини, ғоя ва орзу-истакларини улуғлаш ётади, деб уқтиради Боту.

Коммунистик жамият тўғрисида зўр меҳр ва ишонч билан сўзлаш учун Боту марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаган бўлиши, мамлакатимизда қарор топаётган янги ҳаётни ва коммунистик эртанги кунни равшан кўриши, тарихнинг зафарли юришини чуқур идрок этиши керак эди. Бу фазилатлар унда мужассам эди. Мана у нима дейди:

«Синфий кураш томон бўлиши синфларнинг йўқолиши демакдан иборат бўлганлиги учун келгусида синфлар бўлмаган бир жамият туғилишига ишониш лозим. Бу жамият коммунизмдан бошқа нарса эмасдир. Коммунизм вужудга чиққанда кишиларнинг яшаш учун кураши тамом бўладики? Албатта, йўқ. У вақтда кишилар бутун кучларини табиат билан курашишга, табиат кучларини енгиб кишилик жамияти фойдаси учун ишлатишга сарф қиладилар. У вақтда, ҳозир ҳам кишилик дунёсига бўлган табиат ҳодисалари ўз юракларини очиб кўрсатишга мажбур бўладилар. У вақтда на дин ва на дин сафсатаси бўлади.

Синфлар бўлмаган бундай жамиятни яратувчи ким? Бу сўроққа пролетариат синфи жавобини беришига тўғри. Маркс ва Энгельснинг илмий назариялари бўйича капитализм ўлими унинг ўз тараққиётида капиталистлар жамиятида синфлар кураши мутлоқо пролетариат ғалабаси билан битади ва ишлаб чиқаришда капитализм усули ўрнига социализм усули жорий бўлади.

Демак пролетариат синфи яшаш, илгарилаши ва коммунизм қуриш учун капиталистлар билан курашишга ва уларни енгишга мажбур. Агар пролетариат синфи динларнинг заҳарларида қоврилиб, «у дунёнинг жаннатидан умидвор бўлса, қарши кучлар билан шу ҳақиқий дунёда курашмаса коммунизм қуриш мумкин бўлмай қолади. Лекин пролетариатнинг турмуш шароити

«у дунё жаннати»га ишонишдан уни қайтариб шу дунёда — ер юзида «жаннат» қуришга етаклайди».

Шундай қилиб, Боту динга қарши курашни коммунистик жамият учун кураш масаласи билан жипс боғлайди. Ленин, партия ва коммунизм Ботунинг севимли мавзуси бўлиб қолганди. Боту бу мавзулар билан ёнма-ён равишда рус халқи мавзусига ҳам қўл урди. Унинг «Биринчи хат» поэмаси (1930) ўзбек совет поэмачилигида рус кишиси образини биринчилардан бўлиб яратишга ҳаракат қилиши жиҳатидан, шунингдек ўша даврдаги бутун ҳаётимизда янгилик тантана қилаётганини фоят кўтаринки пардада тараннум қилиши билан қимматлидир. Боту халқлар дўстлигини меҳр билан куйлади. Ботунинг рус халқига бўлган меҳр-муҳаббатининг чеки йўқ эди. У айниқса, Москвада ўқиган йиллари рус халқининг ажойиб меҳрибонлиги ва самимий дўстлигини чуқур ҳис этди. Рус халқининг буёклигини билишда Ботуга рус адабиёти ва санъати билан бирга садоқати жиҳатидан Некрасовнинг «Рус аёллари»даги образларни эслатувчи турмуш ўртоғи Валентина Петровна Васильеванинг хизмати ҳам катта бўлди. Боту «Йўл» романининг марказий қаҳрамонлари қилиб рус кишиларини танлаган эди. Шоир «Қизил Москвада», «Биринчи хат» каби қатор асарларида рус халқининг улуғлигини кўрсатишга жазм қилади. Поэмада шоир тўппа-тўғри қаҳрамон рус халқининг тимсоли Иванга мурожаат этиб бундай дейди:

Чунки сен «ўз»сан,
Узоқни кўрар кўзсан.
Сендан
Ёзу қишда,
Ҳар улуғ ишда
Кенгаш истайман...

Боту поэмада хат шаклидан фойдаланиб Москва заводида ишлаётган дўстига Ўзбекистоннинг қисқа вақтда эришган улкан ютуқларидан — «ўлка суюнчидан» сўзлаб, «ёв умидига гўр қазимоқчи» бўлганини ният қилади. Иван ясаган тракторни миниб «илгари тез бораётган, эски дунё юрагини ёраётган» халқ номидан сўзлаган Боту поэмада социалистик тузум берган бахтиёр ҳаётни ғурур-ла куйлайди. Агар Боту илж

шеърларида, айниқса, биринчи тўпламида революция-
ни тараппум этишга ва халқни янги ҳаёт сари чорлаш-
га эътибор берган бўлса, кейинги тўплами, ҳикоя,
очерк ва поэмаларида янги ҳаётни, янги инсонлар ва
янги инсоний муносабатларни акс эттиришга ошиқади.
Шоир «Оқ олтин юртининг ўзгариб кетгани»ни ва одам-
лар, боғлар, тоғлар «ҳуснида гуллаш, гурлаш, мавж
ураётгани»ни тасвирлаб туриб шундай дейди:

Гўзал...

Ҳар томон гўзал...

Ҳар томонда ўзгариш

Ўзга кўриниш,

На қуёш,

На ой,

Асрлар кезиб

Қоранғиликни эзиб

Кўролгай бундай уриниш...

Ҳар уринишда гўзал кўриниш...

Боту социалистик тузумдан, халқ эришаётган
улуғвор ғалабалардан, унинг бахтидан чин юрагидан
қувонди. Шунинг учун ҳам «қон билан, жон билан
олинган» бу ҳаётни, бу бахтни кўз қорачиғидек сақ-
лашга даъват қилди. Ўша поэмасида Иванга мурожаат
этиб, «Сен инон, томирда бор экан қизил қон, тисла-
ниш, бижғиб исланиш менда ҳеч бўлмагай, умид сўл-
магай!» — дейди.

Боту ҳаётимиз ва жаҳонда содир бўлаётган йирик
воқеаларни сезгирлик билан кузатиб боради, улар тўғ-
рисида ҳозиржавоблик билан шеър ёзиб, уларнинг ички
мазмунини ва моҳиятини теран ёритади. Октябрь ўн йил-
лиги ёки маориф ишчиларининг байрами, рўза ёки ҳа-
йит, Май байрами, ер ислоҳати ёки хотин-қизлар озод-
лиги, қўшни Шарқ мамлакатлари ёки Болгариядаги
ишчилар билан ҳукумат ўртасидаги қонли тўқнашув-
лар, Наримон Наримонов, Мирмуҳсин Шермухамедов-
ларнинг бевақт вафоти ёки фарзандларининг туғилган
куни — ҳаммаси уни қаттиқ тўлқинлантиради, улар
тўғрисида шеърғина эмас, ҳатто публицистик мақола-
лар ҳам ёзади. Бу воқеалар баҳонасида замонани таҳ-
лил этади, воқеликнинг етакчи тенденцияларини, ўзининг
эзгу ниятларини жуда актив, жанговар руҳда ифода-

лайди. Мана, ўғли Эркили бағиниланган икки шеърдан олинган парчадаги:

Йўлингга нурлар сепди бу икки кўзим,
Чекилма изларингдан, суюкли кўзим,
Яшашга тўғри қараб юр, бузилма сира,
Йўлингга эски бузуқ фикрни қилма кира!

Еки:

Чин эрк кулган ўлкада,
Кўзим, ўсиб турасан.
Янги гўзал дунёни,
Албатта, сен қурасан,—

каби фикр-туйғулар Ботунинг эстетик принципларига айланиб кетган эди. Боту «Янги кун боласи» шеърда яна фарзандларининг эртанги кунига катта ишонч билан боқиб, тоза кунлар унга кўмак этади. Қора кучлар тўсолмайди йўлини, ўсиб, униб у тилакка этади», деб ёзади. Шоирнинг айтганидек ўғли Эркили Маҳмудович Ходиев профессор, машҳур хирург, қизи Наима Маҳмудовна Маҳмудова талантили олима ва йирик давлат арбоби бўлиб етишди.

Хотин-қизлар масаласи Боту яшаган даврнинг (айниқса Ўзбекистон шароитида) катта ва жиддий ижтимоий-сиёсий масала эди. Боту «Паранжи», «Севган қиз», «Тоғ қизи» (туғалланмаган поэма), «Озод қизга», «Олой қизи» каби асарларида хотин-қизларни катта ҳаёт сари чорлайди, «улуғ йўлдан олға югур, кўмакчингдир ўроқ-болға», деб мадад беради.

Боту поэзиясининг мароқли ва ибратли томонларидан бири унинг сиёсий ўткирлигидир. Бу фазилат совет воқелигидан олиб ёзилган жанговар ва чуқур гражданлик туйғулари билан йўғрилган шеърларида ҳам, шунингдек халқаро мавзудаги асарларида ҳам ёрқин кўринади. Боту чуқур интернационал шоир эди. У ўзбек поэзиясига халқаро мавзунини дадил олиб кирган ва сиёсий лириканинг мумтоз намуналарини яратган шоирдир. У «Бояқушлар», «Синфлар кураши» «Қилич», «Исён алангаси», «Кураш учқуни», «Золимлар ўлкаларида», «Капиталистларнинг даҳшатига қарши», «Ўтган кунлар» каби шеърларида жаҳонда синфий курашнинг авж олганини ва ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг озодлик ҳаракати кун сайин кучаятга-

нини кўрсатиб, жаҳон революциясига умид билан қарайди. У «Аланга» шеърида революциянинг — «аланганинг кенгайиб боришини, зулматнинг кўксини аямай ёритаётганини» қувонч билан ифодалайди. Шу шеър босилган «Аланга журналида (1928 й. 1) Боту «Қани, ким бор?» деган публицистик мақола ҳам эълон қилганди, унда ҳам жаҳондаги синфий курашни таҳлил этиб, «Ҳозир жаҳон шундай, замон шундай» деб халқни кураш ва ижодга даъват қилади. У «Қилич» шеърида «Қиличга қарши қиличли исён!» ва «Кураш учқуни» шеърида ҳам «ёвга ёв» бўлиш кераклигини уқтириб, озодлик фақат курашиб олинини мумкинлиги гоёсини ҳимоя қилади. Боту, жаҳоннинг ҳамма меҳнаткашларининг озод ва бахтиёр яшашини орзу қилади, бу эзгу тилагининг келажакда рўёбга чиқишига қаттиқ ишонади:

Зулмлар ништари юракни тилмасин,
Дор нима, ўқ нима... ҳеч киши билмасин.
Кон тўкиш кишининг бошига келмасин...
Бу — бизга куч берган тилаклар тилаги...

Эрка йўл бермаган тўғонлар бузилсин:
Нурга ёв парданинг иллари узилсин.
Қисқаси, дунёда ёш тузум тузилсин!
Бу — бизга йўл очган тилаклар тилаги...

Ботунинг адабий мероси шеър ва поэмалар билан чегараланмайди: у адабий-танқидий мақолалар, публицистик асарлардан ташқари ҳикоялар ҳам ёзди. Боту ҳикояларида ҳам янги ҳаётни, янги турмуш ва янги инсоний муносабатларни жўшқин ҳимоя қилади. У меҳнаткаш халқ онги, руҳи, психологиясидаги ўзгаришларни, янгиликларни тез илғаб олади. «Янги қишлоқ» (1928) ҳикоясида шу руҳ шу пафос устун. Тўғри, суҳбат, диалог асосига қурилган бу асарда ёзувчи диққатни қишлоқдаги янгилик ҳақида хабар бериш билан кифояланади. «Ҳошимжон» (1929) ҳикоясида инсон тақдирини чуқурроқ таҳлил этади. Унда эски тузум вакилининг тақдир туреди: партия ичига суқилиб кириб олган, кейин фош бўлган шу Ҳошимжоннинг инқирози орқали янги ҳаётнинг мардона қадамини акс эттиради. Алоҳида китоб ҳолида нашр этилган «Тур-

сун» ҳикоясида ҳам қўй терисини ёпинган бўриларни
фош этиш мотиви бор. Бунда ёзувчи диққатини Турсун-
нинг улғайиш жараёнини очишга қаратади. Ёзувчи ўз
қаҳрамонининг руҳий кечинмасини таҳлил этади, унинг
сиёсий ўсишига олиб келган ҳаётий асосларини—типик
шароитни, муҳитни кўрсатади. Муаллиф Турсуннинг оғир
болалик йилларини—бой эшигидаги хўрланишларни жу-
да ёрқин тасвирлайди. Бой ўғли Мусожон Турсунни
мазах, ҳақорат қилади, кейинча Турсун вояга етгач,
у билан тўқнашади: ўзини камбағал фарзанди қилиб
кўрсатиб, комсомолга кириб, кооператив мудир бўлиб
олган Мусажоннинг юзидан пардани олиб ташлайди.
Янги ҳаёт бойнинг қароли — Турсуннинг отаси Нурмат-
ни ҳам янги турмушнинг фаол ҳимоячисига айланти-
ради. Янги ҳаёт душманлари уни ўлдириб кетишади.
Совет тузуми Турсуннинг бошини силайди, илғор одам
қилиб вояга етказади. Ёзувчи Турсун характерини ти-
ник чизади, унинг тақдирини ифодалаб турувчи нозик
нуқталарни беради.

«Турсун ҳар жиҳатдан эски Турсун эмас. Олимбой
уйида бола кўтариб юрадиган лаванг, кўзи ёшли Тур-
сун жиддий, серҳаракат киши бўлган. Бироқ ҳалигача
ундаги камгаплик сақланиб қолган. Отасининг, онаси-
нинг бу ёш бола экан вақтида ўлиб кетиши унга ўз
таъсирини яхшигина бағишлаган. Унинг сўзларига, ҳа-
ракатларига жуда диққат қилган киши бунни топиб
олади. Аммо унча-мунча киши бу ингичка нуқтани кў-
ролмайди».

Ҳикояда Боту комсомолларнинг қайноқ завқ-шав-
қини, сурурини ифодалаш мақсадида қўшиқлар ҳам
беради. Ундаги:

Биз тўлқинмиз, тошамиз,
Тоғ, денгизлар ошамиз.
Еру кўкни титратар,
Бизнинг «Яша, яша»миз.
Эски дунё кучлари
Йўлимизни тўсолмас.
Чирик уруғ-пуруғлар
Янги ерда ўсолмас,—

«каби мисралардаги фикр, ғоя романтика ҳамда қатъ

ийлик, ишонч, революцион руҳ Ботунинг комсомоллар ҳақидаги ўнлаб шеърларидаги ҳоким фазилатдир.

Юқоридаги еikki ҳикояда душман вакилининг об-разини қизиш принципи муносабати билан Ботунинг сиёсий ва эстетик қарашидаги муҳим бир нуқтага эътибор бермоқ керак. У қатор ҳикоя ва мафкуравий курашга бағишланган шеър, мақолаларида инсонни (хоҳ ижодкор, хоҳ хизматчи бўлсин) қайси синфдан чиққан-лигигагина қараб эмас, балки энг аввало қайси синф-нинг манфаатини ҳимоя қилишига қараб баҳолаш по-зициясида туради (Ҳошимжон, Мусажонлар эски тузумнинг ашаддий ҳимоячилари). Ёзувчи «Пролетар адабиёти тўғрисида бир неча сўз» мақоласида пролетар адабиёти нимадан иборат деган савол муносабати билан шундай дейди:

«Бир тўда кишиларнинг фикрича, пролетар синфи-нинг болалари томонидангина вужудга келтирилган на-фис адабиёт пролетариатнинг нафис адабиёти бўлади, бу жуда ҳам тўғри эмас. Агар қўлининг қадағи йўқол-маган пролетариатдан бошқаларнинг пролетар синфи манфаати учунгина хизмат қилдирган асарлари ҳам пролетариат адабиётига кирмаса пролетариат адабиёти-нинг тараққийси қандай бўлиши мумкин.

Пролетариат нафис адабиёти пролетариат мада-ниятининг бир муҳим соҳаси бўлгандан кейин пролета-риат адабиёти учун мажбур бўлган қонун пролетариат маданиятининг бошқа ҳалқалари учун ҳам мажбурий бўлиши керак. Пролетариат адабиётини тузгувчилар ёлғиз «қўли қадоқ» пролетариатгина шарт бўлса, пр-летариат маданияти силсиласининг бошқа ҳалқаларини яратувчиларнинг ҳаёти ҳам нукул пролетариатдан бў-лиши шартдир. Тарих очиқ кўрсатадиги, ҳол худди шундай эмас. Пролетариат илмининг асосини қурган Карл Маркс ва Фридрих Энгельс буржуазиядан чиқ-қан, пролетариат синфининг доҳийси Ленин «қўли қа-доқ» ишчи бўлмаган. Албатта, бу сўзлардан зиёилилар-гина ҳар нарсани ярата олади, деган маъно чиқариш ярамайди. Ўз синфидан бутунлай айрилиб, ўзга синф мафкурасига берилган кишилар ўзлари чиққан синф зарари ва ўзга синф фойдаси учун катта ишлар қила оладилар. Буржуазиядан айрилган зиёилилар пролета-риат ишига зўр ёрдам бера олганлар ва бера олади-лар».

Бу фикрлар адабиётда инсон концепциясини қандай талқин қилиш жиҳатидан ҳам, ўзбек классик адабиёти-

дан ва эски зиёлилардан фойдаланиш жиҳатдан ҳам, айниқса пролетариат маданияти тўғрисидаги ленинча таълимотни кенг тарғиб этиш нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Боту болаларга аталган ҳикоялар ҳам ёзди. Улар ихчам, нишиқ ва қизиқарли воқеа асосига қурилган. «Бола нима деяётганини тингла», «Болалар «ёлғони», «Менинг китобим», «Болалар билан тўғри сўзлашинг», «Болалар билан қўпол гапиришманг» каби ҳикоялари гарчанд болалар ҳаётидан олиб ёзилган бўлса-да, аслида улар ота-оналарига қаратилган. Булар Ботунинг болалар дунёси, психологияси ва характерини тегиз билишидан гувоҳлик беради. У болалар тарбиясига жуда эҳтиёткорлик билан, катта меҳр-муҳаббат билан қараш кераклигини уқтиради. Муаллиф ҳар бир ҳикояда ўткир саҳнавий воқеа яратиб, болалар билан катталарни бевосита тўқнаштиради ва шу жараёнда уларда ҳосил бўлган коллизия, кечинмаларни чизади. «Бола нима деяётганини тингла» ҳикоясида Эрик отаси Юсуфга борда кўрган нарсалари, қандай дам олганини сўзлайди, отаси бунга эътибор бермай газета ўқиш билан банд бўлади, ҳатто «халақит бермай бошқа хонага кир!» дейди. Бола ич-ичидан хафа бўлиб ўкинади... «Болалар билан қўпол гапиришманг» ҳикоясида Петянинг ойиси доим дўқ қилиб, бақириб сўзлайди. Петя ҳам онасининг бу қилиқларини ўрганиб олади ва мактабда болаларга, айниқса ўзидан кичикларга бақириб юради, партасига теккан болалар билан жанжаллашади (ойиси ҳам унга нарсаларга тегма деб кун бермасди). Шу туфайли болалар уни ёқтиришмайди. Ёзувчи Петя характеригаги бу иллатнинг келиб чиқиш илдизини жуда асосли кўрсатади.

Боту ўзбек адабиёти, фольклори намуналарининг рус ва қардош халқлар китобхонлари қўлига етиб боришини ҳам орзу қиларди. Ҳатто у ўзбек, туркман ва қозоқ мақол, топинишмоқларини тўплаб, рус тилига таржима қилган. Гарчанд буларнинг ҳаммаси сақланиб қолмаган бўлса-да (шу жумладан қатор ҳикоялари, поэмалари, романининг ёзилган қисми), мавжуд мақоллар ва айниқса табиат ҳодисалари, осмон, ҳайвонот дунёси, мева-чевалар тўғрисидаги эллика яқин топинишмоқлар Ботунинг синчковлиги, халқ ижодига бўлган катта муҳаббати ва ишчанлигидан далолат беради.

Ушбу мисраларда айтилган:

Бир замон тип-тинч қолишни йўлларимда билмадим,
Бўш умид, бўш дард билан кўнглимни ҳеч бир тилма-
дим.

Мен одамдан соф куч излаб ғавғолардан қочмадим,
Истагимнинг душмани бўлганга раҳмат сочмадим, —

каби фикр ва туйғулар чиндан ҳам ҳар доим Ботунинг
ҳаётий ва эстетик программаси эди. У ўзининг қайноқ
ижтимоий фаолияти ва жўшқин ижоди орқали мамла-
катимизда янги, социалистик ҳаётнинг барпо бўлишига
ўзининг салмоқли улушини қўшди, унинг мардона ҳаёт
йўли ва сурурли шеърляти коммунистик жамият кура-
ётган халқимизга мадад, илҳом бахш этади.

Қўлингиздаги мажмуага Боту шеърлари, ҳикоя ва
адабий-танқидий мақолаларидан намуналар киритил-
ди. Бироқ мана шу асарларнинг ўзи ҳам Боту дунёқа-
рашининг етуклиги, бадиий асарларининг ғоявий-эстетик
мукамаллигига ҳамда шоирнинг бутун онгли ҳаётини
коммунистик идеаллар учун бахш этганлигига бизни
тўла ишонтиради.

Сўз охирида Ботунинг адабий меросини йиғишда
лутфан кўмак берган ўртоқларга, жумладан Ўзбекистон
ССР Фанлар академияси қўлёзмалар институти ходим-
ларига ва Боту ҳақидаги ўз хотиралари билан ўртоқ-
лашган Ботунинг ёру биродарларига чуқур миннатдор-
чилигимизни изҳор этамиз.

САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ,
филология фанлари доктори,
Ҳамза мукофоти лауреати.

ШЕЪРЛАР



Қиш куни ўтиб ёз куни келди,
Ер юзин олган қорлар туганди.
Ҳар ким эгнидан пахталик тушди,
Юпқа кийимлар боқинг кийилган.
Чечак очилди боғларда бу кун.
Булбул чиқарар ёқимли бир ун.
Бутун оғочлар чиқарди япроқ,
Улуғ тагрининг қудратига боқ.
Қушлар сайрашур оғочга қўниб,
Ҳар кимни кўрсанг юрар шодланиб.
Ғир-ғир шамоллар юзга урарлар,
Қўнғилга қандай шодлик берарлар.
Қиш ўтди эмди, эй туронликлар,
Битсун ялқовлик, туркистонликлар.

1919, 24 июль

Гўзал қуёш ўртукдан
Чиқиб юзин кўрсатди.
Жилмайиб у юксакдан
Ерга ёғдулар сочди.
Ер юзин қоплаб турган
Оппоқ, ялтироқ қорлар
Иссиқда туролмасдан
Эридилар, оқдилар...


Эричқоқлик кўрпасин
Ёпиб ётган табиат
Ёш боладак суюниб,
Эркаланиб тебраниди.
Қуёшнинг нур қўллари
Унинг бошин силагач,
Эрка, нозли табиат
Гўзал қуёшга қараб
Нозик жилмайиш билан,
Ювошгина қўзғалди.

Нурли қуёш ўртулгач,
Бу бояқиш оғочлар
Йўқсул ўксузлар каби
Яп-яланғоч бўлмишди.
Совуқларга чидолмай
Ҳушсиз бўлиб қолмишди.

Чиқиб қуёш ўртукдан
Ҳар томонга нур сочгач,
Унинг нурлари билан
Бу оғочлар эмланди.
Турли чечаклар билан
Безанди, гўзалланди.

Сувлар юксак тоғлардан
Ҳайқиришиб, қувлашиб,
Йўлларида учраган
Тўсиқларни ағдариб,
Тубанларга тушалар.
Тубан тушгач, тубанда
Бўлғонлардек сусланиб,
Ялқовланиб қолалар.
Қалъалардан, боғлардан
Узун-узун йўл топиб,
Явош-явош сўзлашиб
Алла қайга боралар.

1921, 14 апрель



Эски турмуш, эски уй
Еш кўнгилни қийнагай.
Эски чолғу, эски куй,
Еш юракни тирнагай.
Эски қонун, эски йўл
Ешни олға элтмагай.

Янги турмуш излаган
Кўп тўсиққа учрагай.
Юксалишни истаган
Қаршиликдан қўрқмагай.

Еш билак, кучли билак
Ҳормасин ҳам толмасин.
Еш тилак, нурли тилак
Порласин, ҳеч сўнмасин.
Еш юрак — ўтли юрак
Ҳеч умидсиз бўлмасин!

1921, 18 сентябрь

(Хайринисо Мажидхон қизига)

Қора турмуш чангалидан қутулиб,
Эрк чечаги тақа олган кучли қиз.
Эски одат санамларин парчалаб,
Эрк — тангрига сажда қилган руҳли қиз.

Йўлинг тўғри, ортга боқма, кета бер,
Илгарилаш ашуласин айта бер!

Тўғри йўлинг нурли, узун, улуғдир,
Улуғ йўлнинг тармоқлари чексиздир.
Тармоқли йўл тажрибасиз, соф садо,
Кўзлар узун хатар билан тўлиқдир.

Ишонаман сенинг кўзинг — ўткир кўз,
Миянг кучли... керак эмас бошқа сўз.

Тор қафасдан қочиб кўкда ўйнаган,
Эркинликнинг қучоғида дам олган
Гўзал қушнинг овчилари кўп бўлгай,
Пайт келса қуш тубанларга тортилгай.

Бу ҳақиқат, учар экан қараб уч,
Эҳтиётсиз юксалишдан умид пуч.

Сенга қарши, бугун, кўкка юксалган
Лаънат, қарғиш «ҳеч»дан чиққан «ҳеч»гина,
Келгусида йўлларингга тўшалган
Раҳмат, олқиш қаршисида кичкина,

Илгарила! Йўл сўнгида ёруғлик,
Югуришга зарар этмас оруғлик.

1922

(Ўртоғим Саидаҳмадга)

Юксакда ойнинг турганин кўриб
Кўкка юлдузлар тўлганин кўриб,
Сеҳрли туннинг кулганин кўриб,
Овунмайман-де, тонг отсин дейман.

Зулмат қўшини енгилиб қочгач,
Қуёш жилмайиб юзини очгач,
Кўкдан табиат гўзаллик сочгач,
Яна туролмай кеч бўлсин, дейман.

Кеч келса тунни, тун бўлса тонгни,
Хоқон бўлмоғин истаб тураман.
Тўзимсизликка топширдим онгни,
Чунки, азизим, сени кутаман.

1922, 16 май

Кечаси ойсиз, кундузи кунсиз,
Евузликларга чидаган унсиз,
Ўлкадан келган азамат йигит,
Тўсиқ учратмай тилагингга ет!

Маҳкум ўлкада ўсган оғочлар
Қайғу мунггина бошларин эгган.
Унда ҳовлиққан катта ариқлар
Кўрқинчдан телба тахтига етган.

Мудрашдан озод ўйноқи кўзлар
Ҳар пучмоғинда сир кўрмай қолмас,
Оёқ остида топталган ўтлар
Излаган тусин берами олмас?!

Бизни ўстирган ўлка доғларин
Қуруқ кўз ёши арта олғайми?
Тенгсизман деган зулмат тоғларин,
Бўғиқ фарёдлар йиқа олғайми?

Ўлкамиздаги йиғлоқи эрлар
Чақалоқ каби йиғлай берсинлар.
Соф юракларин қоронғуликда,
Умидсизлик-ла тиглай берсинлар!

Турмуш денгизин шамол қўзғатса,
Сен ҳам кўзингга ёш тўлдирмағил!

Мунгли нағмалар дардни уйғотса,
Умидсизлардек фарёд қилмағил!

Жанг майдонида жавлон этгали,
Отланганларнинг олдинги сафи
Сен билан тўлиб гуркуллаб турсин,
Умид кўзлари елни-да кўрсин.

1922, 26 июль

Йўқсул элда дард кўлайтган, онг камайтган хон билан,
Сўнгги майдон қурғоли ҳам унга зўр гўр қозғоли,
Эзгу байроқ боқ-да тутдик: жангимизни ёзғоли
Эй муаррих, ушла ёзғич, бизни эсла шон билан!

Кўнглимиз тўқ, чайқалиш йўқ, бизнинг сон оз бўлса-да,
Тебранишни тўхтатиш йўқ, йўлга тўсқин тўлса-да,
Зўр денгиздек тўлқин урган ғайратимиз олдида,
Эски хоннинг тахти титрар қанча олий бўлса-да.

Биз умидли эр йигитлар, ёшли кўзга қаршимиз,
Ҳар томондан тўлқин урган бизнинг ўткир товшимиз,
«Ёш юраклар бизнинг сафга, қўрқоқ ўртоқ қоч нари!
Дунёмизга орқа бер-да, онгни йўлла «йўқ» сари!»

1922

Тур, ўғлим, иш вақти, тонг отди,
 Кун баланд ерларга нур отди.
 Жимжитлик қўрғони бузилди,
 Тебраниш тузуги тузулди.

Қўрпанинг қучоғин суймакдан,
 Ҳеч унум, ҳеч лаззат кўрмайсан.
 Қўз юмиб тонг юзин кўрмакдан,
 Қочиш-ла бахтли ҳам бўлмайсан.

Тонг гўзал, кўк тиниқ, ғубор йўқ,
 Тонг ели ҳид сочиб эсмоқда.
 «Ишлашсиз бўлмагай дунё тўқ»—
 Сўзлари ҳар ёқдан келмоқда.

Қушлар ҳам инларин тарк этди,
 Яшашга йўл излаб кетишди.
 Жонлилар барчаси ишлашга—
 Лаззатли яшашга киришди.

Қўшнилар кўпдандир турдилар,
 Оёқга кўн этик кийдилар,
 Этакни белбоққа урдилар,
 Кетмонни елкага қўйдилар.

Яшашнинг ингичка таноби
Кетмонлар тебратган қўлларда.
Ёш-қари кўзларнинг қараши
Уроқлар из солган йўлларда.

Уроқнинг оқ юзин занг босса
Эл кўнгли мотамга ўралгай.
Кетмоннинг қироғи қайрилса
Ўт ёнган кўзларга ёш тўлгай.

1922, 27 июль

БИЗНИНГ БАЙРАМ

Рўза байрамида:

— Қалай, ўртоқ эсонмисиз?

— Бургутдек!

— Жуда яхши...

Енгил бўлинг булутдек.

— Кўринмайсиз?

— Кўринамиз; бироқ йўлдош эрларга,
Боролмаймиз ундай-бундай ерларга.

— Ҳа... Ишларингиз, кучингиз?

Иўл қалай?

— Сизнинг соғлиқ?

— Яхшилиқнинг тахтида.

Бугун байрам...

Байрам билан қутлайман.

— Кўп қуллуқлар!

Мен ҳам сизни йўқлайман.

Бизнинг байрам ишимизнинг бахтида.

Ишимизни қуёш нури ўйнатса,

Бошимизни билим кучи уйғотса,

Бўлғусидир бизнинг учун чин байрам.

— Бу байрам-чи?

— Бу-да элга зўр байрам...

Бироқ ҳозир от солдирган биз учун

Бундай байрам—ўйинлардан чиройлик,

Байрамдаги бўш ишлардан унумлик.

«Тилак» борким, борлиғимиз у учун

Бу тилакнинг гўзаллигин кўрганлар,
Унга дилни банди қилиб берганлар.
Ундан бошқа ҳеч нарсага қаралмас,
Қаралса-да, тузуккина кўролмас.
Шунинг учун бу байрамда бизлар ҳам
Ўзгалар-ла ўйнамаймиз, кулмаймиз:
Етишган кун кўзлаб қўйган ўринга,
Суюнч, ўйин, кулгини тинч қўймаймиз.

1923, 18 май

Яна йиғи: ўликларга сажда қилиш бошланди,
 Яна умид юрагига ништар учи ташланди.
 Тўрт томондан кўтарилган сирлар тўла товушлар,
 Бу куйларни тўхтатишга кўмак керак эрлардан.
 Олам қули юраклардан титраб чиққан бу додлар
 Ўқликларга ботар экан, қолдирадир қарғишлар.
 Бу йиғилар, бу сиғилар басталанган куйлардан
 Ёғиб турган ҳасрат, нафрат кўнгилларни чуқурлар,
 Тин кечанинг нашъасига мунг, қайғулар бағишлар.
 Қачонгача байрамларда йиғи билан қаршилаш,
 Қачонгача эски, бузуқ йўлдан чиқмай ҳарсиллаш?!

1923, 23 шоль

Еш юрак қийналса-да,
Ҳеч умидсиз бўлмағай.
Йўлида ўт бўлса-да,
Ортга ҳеч бир қайтмағай.

1923

I

Тўхтамайман,
Тўхтамайман,
Тўхтамайман ҳеч!
Гапга солма!
Вақтни олма!
Мендан олдин
Утмасин ҳеч!

Кетдигим йўл,
Кенг,
Узун:
Эр йигитга
Ўнг,
Сўл
Чип-чиройлик
Шод бутун.
Еғду сўнган,
Ешга тўлган
Кўзга бўлса
Тим қоронғу,
Даҳшат ўрни.
Менга бўлса
Арш йўли...
Арш йўли: эрлар учун... зўрлар учун...
Тоғни талқон қилғудек кучлар учун...
Бу йўлда

Қўрган сари
Югуриш ортар.
Тилак отли куч
Илгари тортар.
Илгари! Илгари Илгарида нур!
Эрк, умид буйруғи: илгарига юр!

II

Тўхтамайман ҳеч!
Қувалаб етмасин кеч!
Телба дарёлар
Иўлимда бўлса,
Кечиксиз ериндан
Кечиниб ўтаман.
Ўйноқи денгиз
Тўсқинлик қилса,
Тўлқинларини
Янчиб ўтаман.
Тоғлар кўкрагин
Босиб ошаман.

Лавалар каби

Қайнаб тошаман.
Тошаман: ошаман... ўтаман... кетаман.
Тез кунда тилагим юртига етаман.
Болалик чоғимда
Қиблани менга
Янглиш кўрсатган
Эй, азаматлар!
Ешлик чоғимда
Йиғини менга
Уялмай ўргатган
Йиғлоқи зотлар!
Эсизким, эсиз
Эмди нағмангиз
Бўшлиқда битгай!

Бўшлиққа кетгай!
Эй!..
Эй!..
Илгарилашга
Ундаган эрлар!
Сизга—
Ҳурматлар,
Гўзал чечаклар!
Умид буйруғин ижро этаман,
Тилак юртига тезда этаман.

1923, 21 сентябрь

(Тушунчамиз ёвларга)

Кечаги қайнашлар пасайган бўлса-да,
Кечаги ҳужумлар сусайган бўлса-да,
Кечаги наъралар камайган бўлса-да,
Биз борлиқ бағрида қарши куч, унутма!

Ҳайбатли майдонда биз жавлон қилганда,
Қиличлар ўйнатиб ҳарён от сурганда,
Қаршидан майдонга қаҳрамон сўрганда,
«Сичқондан жой сўрган» эски куч, унутма!

Эй қурғур, эски куч, нималар қилмадинг?!
Панага бекидинг, бироқ тинч турмадинг,
Шатранждан хабарсиз бўлсанг-да жиммадинг
Эмди жим, тўлқинни, ёзуғни унутма!..

1923, 5 октябрь

Юракда умидлар, амаллар
Тўзимсиз қирғғни босаркан,
Нега мен чақмоқдек югурмай?!
Эскиган, чириган тамаллар
Йўқликка эгри йўл ясаркан,
Нега мен ундан юз ўгурмай?!

Қўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,
Ёш йўллар, ёш гуллар излайман.
Орқага тортганга ҳадям тош,
Ҳар чоқ мен илгари ундайман.

1923, 11 октябрь

Дунё дўнажак жанната инсон-ла инондим.

Т. Фикрат.

Жаннат бу — гўзал, жозибали от,
Кўпдан бери ер устида хоқон:
Хоқонга бўйин товласа бир зот,
«Мажнун» қиличи остида қолган.

Утмиш изи—тарихга кўз урсанг,
Қон томғали бетларда кўрилгай:
«Бунлар, нега бундай?» дея сўрсак,
«Дин, жаннат учундир!»-да дейилгай.

«Кимлар бу жаҳон роҳатин отса»,
Жаннатдан ўрин ваъда қилинган.
«Жаннат тенги йўқ тангрининг боғи,—
Йўқлик унда йўқ...» талқин этилган.

Жаннатнинг ўйи онғни бўғовлар,
Йўқсул дилини ишқига боғлар.
Меҳнатда юрак — бағрини доғлар,
Дунёда зулм вақтини чоғлар.

Жаннат сўзи жон талвасасинда
Сирлар тўла жозибга бўлгай.
Йўқликдаги «тилсим» тилагинда
Йўқсул юзининг нурлари сўнгай.

1923, октябрь

Тонг отди, жаҳон зулмати битди,
Мунгли кеча мунг дарди-ла ўтди.
Ҳар ён югуриш фурсати битди,
Ўнг, сўлни ҳаёт тўлқини тутди.

Тонг нурини тўрт кўз ила кутган,
Учмоқ, яшамоқ, ишқини тутган
Қушлар-да суюнч шеърини куйлаб,
Турмушдаги истакни улуғлаб

Тарк этди бутун тор, қора инни,
Ўйнади, учди... қарғади тунни.
«Мунгли кечанинг мунгли чоғинда»
«Бир қоп-қора ҳайкал тусин олган»

«Тоғ гавдали» уйларда оқарди...
Елғиз кечанинг ёт қучоғинда
Дардлар ила ўртоқ бўлиб олган
Шоирдаги кайфлар-да йўқолди...

Борлиққа гўзаллик бературган,
Дунёга умид бахш этатурган
Инсон-да туриб ишга йўл олди,
Соғлиқдан узоқларгина қолди.

Мазлум кечанинг мунглари қурсин,
Кундуздаги борлиқ юзи кулсин.

Кундуз... ҳамма ер нурга қўмилган,
Ўнг, сўл... ҳаммаёқ ишга берилган.

Инсон кучи тоғларни эзишда,
Инсон қўли жаннат-да тузишда.
Кундуздаги руҳни севаман мен,
Кундуздаги ишда бўламан мен.

1923, 29 октябрь

(Ленин учун)

Йўқсул эллар дунёсининг кенг кўкинда порлаган
Нурли ойга маҳвият бағрин очиб, йўқ айлади.
Барча мазлум, ерлиларни зўр курашга чорлаган
Шонли байроқ соқчисиндан бизнинг дунё ажради.
Келгусида ер юзин жаннат қилиш истаклари
Кўкрагинда тўлқин урган ишчилар кўз ёшлади.
Зулм ўқи тешган юракнинг тинчимас оғриқлари
Эрк учун кулган улуғ юзларда ўйнай бошлади.
Ерлиларнинг раҳбари Ленин йўқолган бўлса-да,
Ул кўтарган шонли байроқ мангу тургай дунёда.

1924, январь

Ғайратим тұлқини пасаймак билмас,
Қонларим юриши сусликни сұймас,
Амалим қуёши ёғдусиз қолмас,
Чунки мен умидга бўлганман банда.

Йиқилган уйларда сирли ўт кўрдим,
Бузилган ерлардан кўп нарса туйдим,
Қайғулар тубинда суюнчлар сездим,
Умидсиз қарашдан нафрат-ла бездим,
Чунки мен отига¹ қилганман сажда.

Келгуси бахтини очолмас йиғи,
Йўлларга ёғдулар сочолмас сиғи,
Аламни камайтмас бу йиғи-сиғи,
Шунинг-чун суймайман ким кийса жанда.

1924, 21 июль

¹ Оти — келгуси, истиқбол.

(Маориф ишчиларининг беш йиллик байрами
муносабати билан)

Фотиҳа керакмас ўлмаган эрларга,
Улик деб борилмас мозорсиз ерларга,
Тебраниш куч бергай тинчимас шерларга,
Умидлар эшигин истаклар, оча кўр!

Илгари сурилиш барчанинг тилаги,
Бу йўлда куч бермас дардсизлар юраги,
Тўсқуни бузолмас кучсизлар билаги,
Кўкдан нур тилашдан йигитлар, қоча кўр!

Ўнг-сўлда тенги йўқ умидли уриниш,
Йўқликка жўнашда нафратли суриниш,
Суюнчлар манбаи бу гўзал кўриниш,
Йўлларга нурларни, нурчилар соча кўр!

1924, 13 август

КЕЛ, БИРГА КУЛАЙЛИК

(«Соз»ли дўстимга)

Тонг ердан қўзгала олмас,
Уй янглиғ кўкка учолмас,
Иўқ аршда жавлон этолмас,
Кел эмди, бирга юрайлик!
Кел эмди, бирга кулайлик!

Борлиқнинг чангини сўкма,
Оғули кўз ёши тўкма!
Еш гулни ергача букма!
Кел эмди, яшнаб ўсайлик!
Кел эмди, бирга кулайлик!

Кўп кунлар бошдаги кучни
Сезгингнинг олдига тўкдинг,
Қайғулар олдида чўкдинг,
Кел эмди, эрлик этайлик!
Кел эмди, бирга кулайлик!

Зўр созчи, сўзга қулоқ сол!
Созингни ўзгачароқ чал!
Кўнглингни нурга кўмиб ол!
Кел эмди, сўлга кетмайлик!
Кел эмди, бирга кулайлик!

1924, август

I

Ешлар,
Илдам, илдам!
Утмасин дам!
Утса,
Тошлар
Бошга ёғгай,
Евлар
Чечак тоққай.
Кулиб-кулиб,
Қош ўйнатиб,
Бизга боққай
Кўкраги,
Билаги
Кучли ёшлар!
Юраги,
Тилаги
Эркин ёшлар!
Кўзларингиз чақнасун!
Ғайратингиз қайнасун!
У...
Ана у...
Туманлар ичинда
Ўралиб турган,
Қатталиқ, улуғлиқ
Майдонида

Яккалик даъвосин
Қилмоқда бўлган.
Тоғлардан буюк,
Иш — юк,
Арслон юракли,
Толмас билакли
Бизни кутади.
Қишилиқ дунёси
Қуёш,
Нур истар.
Қишилиқ
Қўқармақ,
Унмақ истар,
Қуёш булутдан
Қутулмоқ истар,
Нур билан дунёни
Безамоқ истар.
Эркаловчига
Толпиниб,
Жилмайиб
Юксалмақ истар.
Истакнинг борлиқда
Жавлон қилиши
Ешлардан,
Еш кучлардан
Тебраниш истар.
Бизнинг давримиз
Нозиклик,
Уйғунлик
Эмчагидан
Сут эмиб ўсган.
Бизнинг вақтимиз
Тезлик,
Чопқирлик
Битигиндан
Суралар ёдлаган.

Бунлар
Эсимизнинг энг тўрида
Турсун!
Тебраниш олдида
Ойна бўлсун.
Келгусида, эй жавобгар ёшлар,
Ёғмасун бошга лаънат-ла тошлар!

1924, 24 сентябрь

I

Еш қиз юзини,
Қора кўзини
Қўролмадим мен.
Ширин сўзини,
Тингланг ўзини,
Англолмадим мен.

— Синглим нега сен.
Паранжида сен? —
Қўрқиб дедим мен.
— Эркинликка сен
Қачон чиқасан? —
Ўйлаб сўрдим мен.

Гапирмади қиз,
Қолдирмади из
Кўнгил бетинда.
Деёлмадим, сиз
Юринг чимматсиз
Эркиннг кетинда.

Кўчдим тузумга,
Дедим ўзимга:
«Гапурма, ишла!

Ғам бермай юзга.
Еш олмай кўзга
Дудоқни тишла!»

Қиз тутқун ўсган,
Қиз онгин тўсган
Эски, кир кучлар:
Шунинг-чун парда,
Яшар кўнгилда,
Пайламас учлар.

Янги куч енгар,
Қиз сўзни тинглар.
Ишондим бунга,
Йиғлади кўплар.
«Хаёл»—дедилар,
Мен ёндим бунга.

II

Кўп кунлар ўтди,
Янги куч тутди
Мазлум қўлидан,
Эрксізлик турди
Одамга юрди,
Олам йўлидан.

Мен қизни кўрдим,
Ҳолини сўрдим.
Қочмади эмди,
Суюнчага тўлдим.
«Хаёл»га кулдим,
Унг-сўлим кулди.

Жилмайди ҳур қиз,
Отдик, деди, биз

Паранжиларни,
Чўқолмаймиз тиз,
Тинчитмаймиз биз
Заҳарчиларни.

Битирди сўзни,
Янги бир йўлни
Қўрсатиб менга,
Ўргатиб менга.

1924, 31 декабрь

Одам одамдир, саждалар ортиқ,
Одам сўзлари, одамга тортиқ.
Бордан туғар куч, бунга бор шоҳид,
Ўйларинг тубсиз, тамалсиз зоҳид!

Истагимдан кўп буюклар жамиятнинг истаги,
Шул сабабдан истасам-да жонланолмас эсдаги.

1924

СҰЗИМИЗ

Югурдик, елдик,
Узоқдан келдик.
Йўқ бизда тислаш,
Йўқ гулни эслаш.

Қўрқмадик сира
Кун бўлса хира.
Чунки биз кучли,
Кучимиз ўчли.

Қайси томондан,
Яхши-ёмондан
Бир дарак келса,
Бизга шак берса;

Кўкракда қалқон,
Эрта-кеч ҳар он.

Қаъбамиз йироқ,
Қўрқмаймиз бироқ.

1924

(Бир қизчанинг альбомига ёзилган)

Тебраниш, югуриш — турмушнинг тузути,
Тўхталиш, йиқилиш — ўлимнинг узути.
Ёш гуллар саодат нурида гулласин.
Тилаксиз, амалсиз юраклар — қаро тош,
Ёш ўйноқ кўзлардан оқмасин дардли ёш.
Гўзаллик, яхшилик барчаси олдинда,
Яхши қиз, тўхтама, қаршилиқ қошинда!

1924, 17 апрель

Фарғонанинг етим-есир, дардли йўқсил ёшлари,
«Юртимизнинг кўп баҳоли, тупроқлари, тошлари —
Бир неча йил қон эмди», деб бўлманг сира умидсиз!
Умидсизлик йўқликларга йўл бошлайдир, учингиз!
Илгарига югурингиз, юксалингиз, учингиз!
Қарши чиқса тоғни янчинг танда бор-кан кучингиз!

Қўрқинчларга мазор каби уя бўлган қишлоқлар,
Чексиз замон бундай ҳолда қолиб кетмас, бу қонун!
Яна бир кун гул боқчалар, тирилганда бутоқлар,
Булбулларнинг нозиккина оёқларин ўлгайлар,
Яна бир кун «йўқлик» кучи сусайгай-да, бу ёқлар
Янги борлиқ нурларида кўкаргайлар, ўсгайлар.

Янги борлиқ, янги турмуш, бутун-бутун янгилик
Туғуладир йўқсул элнинг ҳеч туганмас кучидан.
Эл кучига ишончсизлик, элни кўзга илмаслик
Оздирадир тўғри йўлдан, сақланингиз булардан.

1924, июль

Қўёшдан бурун
Бўш қолар ўрин.
Чунки эрталаб
Юралар ишлаб
Қишлоқ қизлари.
Юзлар тўп-тўлиқ,
Гавдалар улуг.
Чуңқи гулларни,
Ўпиб, буларни
Суяр тонг ели.
Сочлари тарқоқ,
Кўзлари ўйноқ.
Чунки қистайди,
Шуни истайди
Зўр турмуш ели.
Қўйлаги бўздан,
Тез қочар кўздан
Жилмайиб қараб,
Дудоғин ялаб
Эрк безаклари.
Оёққа кирган,
Сўзлашни билган,
Кунда-ёқ сезган,
Нима деб келган
Турмуш сўзлари..

1925, 24 январь

Қўллари букилмас,
Ғамлари тўкилмас,
Қўкраги ёпилмас,

Ҳиммати топилмас
Ишчилар керишди,
Қўлга қўл беришди.

Ўт билан курашган,
Иш билан сўзлашган,
Темирлар юмшатган,

Тошларни ушатган
Зўр кучлар туришди,
Эрк томон юришди.

Қўп йиллар ҳўпланган,
Юракда тўпланган
Ғазаблар қайнади,

Ғайратлар ўйнади.
Болғалар эрлашди,
Ўроқлар эргашди.

Эрк, дегач эзилган,
Куч, дегач кесилган
Шерларнинг қонлари,

Байроқнинг жонлари —
Тўлқинлар кучланди,
Юраклар ўчланди.

Жаннат деб юрганлар,
Эксизлик қучғонлар.
Қўкдан куч қақирди,

Маҳшар деб бақирди.
Нафаслар сиқилди,
Эски «арк» йиқилди.

Тарозу қурилди,
Езуқлар сўрилди.

1925, 27 январь

Қон,

Қон,

Қон!...

Қон сўрайди, қон сўрайди

Қон кучайтган салтанатлар.

Эрк сўрайди, эрк сўрайди

Қонга ботган марҳаматлар...

Нон,

Нон,

Нон!...

Нон тилайди, нон тилайди

Куч сотувчи йўқсул эллар.

Йўл тилайди, йўл тилайди

Қонга қарши ўчли еллар...

1925, январь

ҚЎЗҒАЛИШ

Кучли ел юрди,
Наъралар урди.
Ув,
Ув,
Ув.
Ўтни ўт қувди,
Гулдураш юрди.
Гув,
Гув,
Гув.
Қўни кўз кўрмас,
Дил сепи урмас,
Чунки даҳшатли
Кучлари ўлмас.
Ўлмас,
Ўлмас,
Ўлмас.
Қўзғалиш ерда,
Қўзғалиш,
Қўзғалиш,
Қўзғалиш
Қўзғалиш
Бу «тубан» ерда.
Қўз ёши кўкда,
Қўз ёши,
Қўз ёши,

Кўз ёши
У «улуғ» кўкда.
Кенг, улуғ денгиз
Тўлганиб қолди.
Шод кўнгилларга
Дард олов солди.
Ўнг билан сўлнинг
Тинчлигин олди.
Қўрқинч,
Қўрқинч,
Қўрқинч.
Қўрқинч кўпирди,
Денгиз ўкирди.
Ўкирди,
Ўкирди,
Ўкирди.
Тўлқин қутурди,
Қутурди,
Қутурди,
Қутурди.
Ҳар томон уйғоқ,
Ҳар кўнгул тарқоқ,
Чунки даҳшатда
Ўтга ўт ўртоқ.
Ўнг уйғоқ
Сўл уйғоқ,
Уйғоқ,
Уйғоқ,
Уйғоқ!

1925, 4 февраль

(«Эрк» деган ўзбек
хотин-қизларига бағишлайман)

«Уч, уч!» деманг учолмайман,
Кўкда «эрк»ни қучолмайман.
Тор кўнгилдан титроқ ташлаб,
Суюнчларга кўчолмайман.

«Чиқ, чиқ!» деманг чиқолмайман.
Душман кучин сиқолмайман.
Якка ўзим «кир тузук»ни
Узил-кесил йиқолмайман.

Учиш учун қанот беринг,
Ярамга сиз кўмак беринг.
Тузоқ узинг, қафас узинг,
Қафасчига мазор тузинг!

Йўқолмасин гўзаллигим.
Тугалмасин тугаллигим.
Очинг қизил амал юзин,
Кулолмасин тубанлигим.

1925, 16 февраль

Юртдан, элдан узоқда
Истиқбол деб юраман.
Нечундирким, тузоқда
Элим онгин кўраман.

Узоқ ва ёт йўлларда
Турли мудҳиш кўриниш.
Бу зўр — улуг дунёда
Яшаш учун югуриш.

Фоже ҳоллар юракда
Учмас излар ясайлар.
Истиқбол-чун изларда
Улуг сирлар яшайлар.

Кўрдикларим ҳар бири
Меним учун зўр сабоқ.
Билдикларим ҳар бири
Тузоқ учун бир яроқ.

1925, 2 март

— Унгда юз йўл, сўлда минг йўл,
Нурга бошлар қайси бир йўл? •
Унгда юз қўл, сўлда минг қўл,
Гўрга ташлар қайси бир қўл?

— Мангу сўлмас нурга бошлар
Сўлдан бўлганг энг оғир йўл!
Мангу тўймас гўрга ташлар
Сўлги йўлга тортмаган қўл!

1925, 2 март

Қизим, сени кўргим келди,
Сочларингни ўргим келди.
Кора, зулук кўзларингдан
Юрагингни сўргим келди.

Қизим, сени суйгим келди,
Сўзларингга тўйгим келди.
Сени эзган чурик кучга
Чуқур бир гўр ўйгим келди.

Қизим, сенинг юрагингдан
«Алла» дардин олай дейман.
Сенга кулган келгусига
Бағишлаб най чалай дейман.

Қизим, сенинг аламингга
Бир бўз кафан тўқий дейман.
Эски кунлар арвоҳига
Сўнг фотиҳа ўқий дейман.

Қизим, сенга кенг чамандан
Қизил чечак олиб келдим.
Мен, сен учун «жаннат»имда
Гўзал бир кўшк солиб келдим.

1925, 7 март

(1914 — 1918 жаҳон муҳорабаси)

Тамуғ оғзини очди,
Турмуш лавасин сочди.
Тўзғон каптарлар янглиғ
Тинчлик қўлларга қочди.

Қонлар томирдан тошди,
Фигон кўклардан ошди.
Улим уйқудан қолиб,
Жонлар тўплади, шошди.

Бошлар гавдадан безди,
Бошни туёқлар эзди.
Бошсиз гавдалар исин
Қарға-қузғунлар сизди.

Қон, ўт бирга йўл олди,
Даҳшат ҳар ён от солди.
Чақмоқ тинишдан қолди,
Тузум қўллари толди.

Булбул сайраган, боғда
Бойқуш топмади булоқ.
Чунки, эрк асир чоқда
Йўқлик қўлида уёқ.

Кўкка алаңга сочган
Юртинг эгаси қани?
Кўпми?.. Қанчага етган
Сўнган чироқлар сони?

«Маҳшар» қурилган йиллар,
Сарой нағмаси синди.
Майнинг қайнаши тинди.
Деса, узилсин тиллар...

1925, 9 март.

Кўпми чоқ борлиқ одамга бўйсунар,
Кучли ел бағринда маст бир пар каби?!
Кўпми чоқ ганграб сўкишларга кўнар,
Юксалишнинг туйғуси бир қар каби?!

Мангуликнинг борлиғи — зўр ўзгариш
Кўпми чоқ эркин бу қонунга сочар?!
Ҳар нафас, ҳар тебраниш — минг ўзгариш,
Телбалар ёлғиз бу ҳақ сўздан қочар...

1925, 20 март

Мен ўйлаганни сен ўйламайсан.
Сен куйлаганни мен куйламайман.
Мен сўзлаганни сен сўзламайсан,
Сен кўзлаганни мен кўзламайман.

Сен ўзга банда, мен ўзга бир куч,
Фикринг, хаёлинг йўқликда кезмак.
Нурларга қарши режанг, ишинг пуч,
Ғоямнинг амри ғоянгни эзмак.

Мен «ўз» эмасман... мендан узоқ сен,
Меҳнат йўлида жиндак тузоқ сен...

1925

Йўқсул элда ёш қайнатган ҳар кучга
Тиш-тирноғим билан қарши чиқаман.
Ғазабимнинг тўпонлари ичига
Йўқлик суйган ҳар юракни тикаман...

Йўлда қолган ожизларга кўмак кўп,
Йўлдан озган бузуқларга омон йўқ.
Кафан кийиб гўрга кирган танларга
Мен биламан, эр йигит ҳеч отмас ўқ.

Бироқ йўлда жасад бижғиб ётсинми?
Заҳарини димоғларга отсинми?
Юрагида ўгути бор эр йигит
Заҳарланиб йўқликларга ботсинми?!

Йўлда тўсқин бўлса олиб отаман,
Йўқсулларнинг суюнчига ботаман.

1925

(Капиталистлар мустамлакаларидан келган
ўқувчилар тилидан)

Эрк, умид юлдузин
Бу ёқда кўрдик биз.
Нур тилаб, эрк тилаб,
Бу ерга келдик биз.

Биз ўсган ўлкада
Бузғунлик ўйнайди.
Йўқсуллар, мазлумлар
Кўмак деб йиғлайди.

Кучланиб, эркаланиб
Юртга йўл оламиз.
Зулм-ла курашиб,
Чин турмуш қурамиз.

Йўл беринг, йўл беринг,
Бизга кенг йўл беринг!
Келгуси бахтига
Ҳеч сўлмас гул беринг!

1925

БАЁҚИШЛАР

«Капиталистларнинг мамлакатларида
ишчилар ҳаракати раҳмсиз суратда
бостирилмоқда... Саноқсиз ишчилар
турмаларда, дорларда ва уларнинг
бола-чақалари очлик қучоғида жон
бериб турмоқдалар...»

Хабар

Бола: сиртмоқ... қилич... қон...

Қутқар мени... онажон!..

Она: Қўзим нури...

Бола: Она... ман!..

Она: Қўзларингга мен қурбон!

Бола: Онажоним!..

Она: Ўргулай.

Дардингни бер... мен ўлай!

Бола: Она!..

Она: Нима?

Бола: Синди бут?

Берма мени... бекит... тут!

Она: Қимса сени ололмас,

Онанг сенсиз қололмас..

Бола: Отам дорда... қоч.. жаллод...

Она: Тинчлан қўзим!

Бола: Олов... дод!..

.

Она: Умидимнинг чолғиси,

Сўнг торини бой берди.

Улимларнинг қайғуси

Қанотини кенг керди.

Мен эмди бир якка пар,

Ўйлимда кўз тутулмас.

Мен чинакам самандар,
Қўнғлим ўтдан қутулмас.
Мен телба бир қаландар,
Дардимга чек қўйилмас.

Йўл сўнгида сўнг фарёд,
Кимдан кимга қилай дод?!
Бу ўлуклар сўзини,
Бу мазорми қилар ёд?!

1925, апрель

ҚУРАШ УЧҚУНИ

Булғориянинг София шаҳрида жаҳан-
нам машинаси Ҳукумат кишилари
тўпланган бир жомени қулатди. Ҳу-
кумат мингларча ишчиларни, деҳқон-
ларни, инқилобчиларни ўлим чанга-
лига топширди.

Хабар.

Зулмлар, ўлимлар ёндирган ўтлар,
Аламли учқуннинг зулмига отди.
Қулади бир жоме, кўмилди бутлар,
Жаллодлар мияси жунунга ботди.

Кучайди занжирлар — кишанлар товуши,
Бўш зиндон қолмади... мазорлар тўлди.
Эрк деган эрларнинг чироғи сўнди,
Яшамоқ истаган кўп гуллар сўлди.

Зўрайди яланғоч болалар доди,
Қолдими тўзимнинг кўнглида чидам?!
Учарми йўқлиққа ваҳшатнинг ёди,
Ўтса-да тўлқинли, тўлқинсиз кўп дам?!

Ёв кучи қўзғалди, ёвга ёв керак,
Ов излаган ёвга қарши ов керак...

1925, апрель

(Хитой қулликка қарши қўзғолди)

Шарқнинг шарқинда улур аланга...
Ширин жимирлаш ёпишди танга...

«Шафақ» аразлаб шарққами кўчди?!
Ё ғарб кўкининг рангими ўчди?!
Ё ғарб тўккан қон отдими кўкка
Эрка ундовчи қизил кўланка?!

Ё ўт қучоқлаб кўкками учди
Афсоналарнинг тилсими зўр «сад!»
Ё шарқ кўкини нурларми қучди
Исёнлардан эрк тилагач мадад?!

Шарқнинг шарқинда гўзал аланга...
Ширин жимирлаш ёпишди танга...

1925, 8 апрель

ТИЛАКЛАРИМИЗ ТИЛАГИ

— Коммунизм... синфсиз янги жамиятнинг юқори босқичидир.

Ленин.

Зулмлар ништари юракни тилмасин,
Дор нима, ўқ нима.. ҳеч киши билмасин.
Қон тўкиш кишининг бошига келмасин!..
Бу бизга куч берган тилаклар тилаги.

Эрка йўл бермаган тўғонлар бузилсин,
Нурга ёв парданинг излари узилсин.
Қисқаси, дунёда ёш тузум тузилсин!
Бу — бизга йўл очган тилаклар тилаги...

Аламлар даштида бир жаҳон толмасин,
Чаманлар гулини бир гала олмасин.
Ўнгда ҳам, сўлда ҳам «кул тепа» қолмасин!
Бу — бизни тебратган тилаклар тилаги...

1925

* * *

Гоминданчилар ҳам ишчиларнинг,
деҳқонларнинг қонларини аямай
тўкмоқдалар.

Хабар.

Хитойда қиёмат қурилди.
Қора дор ҳар ёнда тузилди.
Эркинлик гўрларга урилди,
Марҳамат ҳар ердан сурилди.

Саноқсиз мазлумлар йўқолди,
Ҳар йўлда қонли кўп из қолди.
Қутурган ваҳшийлар тўдаси
Мазлумлар устига от солди.

Қон мавжи кучланиб туради,
Тинчликнинг қироғин уради.
Бу зулм инқилоб кемасин
Тез, тўғри зафарга суради.

1925

Синф синфни янчмоқ бўлганда,
Ҳар ёв кўнглига ваҳшат тўлганда,
Гуллар эгасиз қолиб сўлганда,
Қилич сақланиб қинда қолганми?!

Синиқ қалқонлар қонда қолганда,
Қонлар тарихга уя солганда,
Бойқуш дўстини тилга олганда,
Қилич дуодан четда қолганми?!

Умр илдин аямай узган,
Қонлар ичида тўлғониб сузган.
Чаман ерида зўр чўллар тузган
Қилич жаҳонда яна қолсинми?!

Зўрлик тахтини кўтариб юрган,
Қуллар бахтини дўзахга бурган,
Исён кучини парчалаб турган
Қилич учун эрк чалғи чалсинми?!

Қиличга қарши қиличли исён,
Сўнгра жаннатлар яратгай ҳар ён...

1925, 24 июнь

Мен эр йигит, эриниб,
Эркаликка ботмайман!
Ялқов кўзга берилиб,
Кучни йўққа сотмайман!

Қўланкада ясланиб,
Қўёшга ишқ отмайман!
Май ипига боғланиб,
«Хаёлжон!» деб ётмайман.

Қўёш тиғи этимни,
Тилиб-тилиб қорайтди,
Дала ели бетимни
Силаб-силаб сир айтди.

Сирни билдим... мен эмди
Тилсимларни очаман.
Қуриб қолган боғларга
«Кавсар суви» сочаман.

Қўшиғимнинг кўнглида
Тубанликнинг изи йўқ,
Келгусининг йўлида
Амалимнинг кўзи тўқ.

Сўраб хоқон чўлларнинг
Уйинчоғи эмасман.
«Сўнгги йўқлиқ йўлларнинг
Мен бандаси» демасман.

Йўлим оғир... бироқ у
Янги жаннат йўлидир.
Бошқа йўлга бурган қўл
«Томуғчилар» қўлидир,

1925, 29 июнь

Турмуш фазосида қанот силкиб,
Эркин ҳаволар елиб-елпиб,
Ўзни унутган қуш,
Ерга туш! —
Деди заҳарли, қўпол бир товуш.
Қушнинг кучида бошланди совуш.

Ёш қуш қанотларини секин-секин қоқди.
Умид билан йўлга боқди.
Чунки, билди:
Истар ҳар ёз бир қиш,
Истар мукофот ҳар юмуш, ҳар иш.
Қушга ҳам оқ йўл берилмас текин,
Шунинг учун, у демади сира:
«Бездим тилакдан, яшашга нафрат,
Умид сўзига туганмас лаънат,
Учди йўқликка мендаги ҳиммат,
Энди учмоққа менда йўқ қудрат!»

1925, 30 июнь

Мағрур тўлқинли эски денгиз, сен,
Утган кунларнинг тилсиз гувоҳи.
Қўнглим каби кенг қўнглингга сажда
Қилган қарашнинг борми гуноҳи?

Кема эркини елга беришни,
Йўлчи қўнглига алам теришни
Мағрур тўлқинлар қайдан ўрганди?
Қайси асрда қайда кўрганди?

Борми хабаринг турмуш сиридан?
Айтчи бир эртақ сирнинг биридан,
Турли асрда сенга дуч келган
Турли тилакнинг соф ҳам киридан?

Қора бағрингда кўп йил қазилган
Изсиз гўрларнинг борми саноғи?
Отинг тарихга «Қора» ёзилган,
Ёдланмайдими қонлар сабоғи?

Қонлар қизил-ку... сенинг афтингда
Қизил нишонлар нега кўринмас?
Биласанми, айт, қанча қондан сўнг
Қурбон беришга инсон уринмас?

1925, 20 сентябрь

(Эски йўлда, эски куйда ёзилди)

Кучли борлиқ сирли дунё кўнглидан бер бир дарак,
Кўпми ғавғо, кўпми савдо менга бахш айлар фалак.
Қайси тоғда, қайси боғда, қайси чоғда сайр этар,
Эрка кўнгил эркини тун-кун қўруқловчи малак?

Истагимнинг каъбасинда айланар бахт найласам?
Қим сўқар, қим шодланар аршимда жавлон айласам?
Осмонни кўкрагимда, қайнаган куч амрига
Бўйсуниб ёв бахтини чўлларда сарсон айласам?

Мен яшаш майдонида қўрқиб курашданми қочай?
Ёвга ёр бўлган амалга мен ўзим нурми сочай?!
Қанча ғавғо, қанча савдо кулса кулсин, бир кўрай!
Кўнглига кўнглимни қайд этган тилакдан ўргулай!

1925

(В. га)

Жилмайиб нозларга тўлган кўзларингдан айланай,
 Гунча кўнглингдан сочилган сўзларингдан ўргулай.
 Заррача кир қўнмаган ўйларингдан айланай,
 Борлиғимни аллаловчи куйларингдан ўргулай.

Қаъбамиз бир, мен билан сен, бирга учгил ул томон,
 Кенг фазода қарши кучни бирга енгил ҳар замон...

1925

ПАРЧА

Гўзалдир юксалиш — юксалиб кетиш,
Душманлар кўнглини паришон этиш.
Тўсқинлар бағрини парчалаб, эзиб,
Тилакнинг аршига гуриллаб етиш.

1926

— Каъбам қайда? —

Дедим.

Дедилар:

— Узоқ жойда!..

— Қайси йўл тўғри? —

Дедим.

Дедилар:

— Бунга — бу!

— Унга — у!

Ҳар қайсимизга

Ҳар қайси йўл тўғри!

Йўлларни санадим,

Сўлга қарадим.

Умидим сочини

Чидам,

Тўзим

Тароғи билан тарадим.

Қўнглимга

Ғашлик солган

Елғон

Кучларни таладим.

Сўлга кетдим,

Тиконли ерларга етдим.

Тиконларни янчдим,

Ерларга санчдим.
Қўрқмадим,
Қўрқмайман
Қўрқоқ ваҳмлардан,
Тарқоқ тиконлардан!
Қаъбам узоқ,
Йўлларда кўп тузоқ!

Бироқ,
Қолсам-да тоқ,
Шу йўлдан,
Шу йўлдан
Кетаман.
Вақтсиз сўлмасам
Қаъбамга
Бир кун албатта
Етаман!

Ҳар узун йўлда,
Чўлда
Қўлдир чуқурлар,
Буларнинг ваҳми,
Даҳшати
Оз бўлса кимсанинг фаҳми —
Унинг кўнглини
Қўпроқ чуқурлар...
Турмуш кафида,
Борлар сафида
Бўлай десанг,
Азамати эсанг
Қочма сўлдан —
Кенг йўлдан!

Бу йўлнинг
Кенг аламлари соз,

Торликнинг,
Озликнинг
Унумлари оз...
Йўлим
Янги турмуш йўли.

1925, 26 декабрь

Хитой, Ҳиндистон ва бошқа
мустамлакаларда қўзғалганлар ҳам
капиталистларнинг мамлакатларида
ишчиларнинг тўполонлари куч
олмоқда.

Хабар.

Бир тўлқин унда, бир тўлқин бунда,
Минг ўлим, минг дод ҳар сўлғин тунда.
Қўзғолсалар-чи интиқом истаб,
Тўлқинлар бари бирга, бир кунда.

Қачонларгача улуг ўлкалар
«Алла кимларга» мустамлакалар?!
Эркин тонгларнинг эркин шамоли
Мазлум элларни қачон эркалар?!

1926

КАПИТАЛИСТЛАР ВАҲШАТИГА ҚАРШИ

Сенга нафратлар, эй, разил ваҳшат!
Тантананг қондир, дабдабанг даҳшат.
Қонда уйғондинг, қон эмиб ўсдинг,
Ҳар замон нурнинг йўлларин тўсдинг.
Сенда бор «виждон» — бир ёпиқ вулқон.
Қайси бир онда истамас, ул, қон?!

1926

Эски асрлар
Дедилар:
«Хотинлар, қизлар—
Қулсизлар!
Куйламангизлар
Эркин куйларни,
Истамангизлар
Очиқ йўлларни!
Толларда чуқ-чуқ
Дейдурган чумчуқ
Сайраса майли,
Қиё ёки тик
Тоғларда кийик
Уйнаса майли!»
Утган асрлар
Дедилар:
«Ҳақ бор, ҳуқуқ бор.
Зако бор, идрок бор.
Буларнинг бари
Эркаклар ёри.
Хотинлар, қизлар,
Сизларга булар
Нурлар бермайди,
Сизлар учун ҳеч
Эрklar термайди.
Сизга яхшилик, ёмонлик,

Ҳар ерда омонлик
Сирларингиздан...»
Янги гўзал аср турилди:
Нур сочиб кулди.
Деди:
«Эскилик синди,
Эски тил тинди.
Меҳнатга мен
Чинакам эрк кетирдим,
Эй, хотин-қизлар
Озодсизлар!»

1926

Умид ёз, эркин бер тилга,
Бу ёқ эрк ўйнаган ёқдир.
Кулиб бахш эт суюнч дилга,
Тилаклар гуллаган чоқдир.

Чекил буткул чигал ғамдан,
Фиғонлар йўққа ботсинлар.
Кўзингни сақлагил намдан,
Амаллар гуллар отсинлар.

Кўринг эркин гўзал юзни,
Жаҳон кўрсин, замон кўрсин.
Пок истиқбол боқиб юзни,
Узун сочни тараб ўрсин.

Улуғ йўлдан югур олға,
Кўмакчингдир, «ўроқ-болға».

1926

Саҳар пайтида уйғониб қолдим.
Ойдин кечага бир назар солдим.
Оқлик, покликдан зўр илҳом олдим,
Сўнгра чин теран ўйларга толдим.

Чин ўйларимни яратган нарса —
Муҳташам турмуш, муҳтарам турмуш.
Турмушдан кимса қочолмас нари,
Ҳар йўлга турмуш ўз инин қурмиш.

Елғон ўйларнинг ёвиман ҳамон,
Елғон кўзларнинг қараши ёмон.
Ишқим шу кўзга берилган замон,
Тубанлик қўлга менда йўқ омон.

Айтади мағрур борлигим ҳар чоқ,
Ишқинг ўтига чидолмас тузоқ.
Ҳар замон, ҳар чоқ эмассан сан тоқ,
Қетавер, каъбанг бўлса-да узоқ!

1926, 20 февраль

Узоқни кўзлаган азамат йўлчи,
Яроғинг ўткирми, бор синаб кўр-чи!

Узоқ йўл талаби узундан узоқ,
Қўрқма ҳеч, учраса йўлингда тузоқ!
Борлиқда бир борлиқ кўрсатай десанг,
Қўзғолиб, тур, ўйнат чинакам, яроқ.

Отингнинг жилови қўлингда бўлсин!
Умид-ла, ғайрат-ла борлигинг тўлсин!

1926

БИЗ КИМ?

(Қизил ёш инқилобчилар сўзи)

Ойли тунларда,
Сирли кўлларда
Юрмаган бизмиз.
Кузли йўлларда,
Қумли чўлларда
Толмаган бизмиз.

Унгда вулқонлар,
Сўлда ол қонлар
Қайнаган чоқда,
Уйнаган ёқда.
Кўзни очганмиз
Эски кучларга.
Қўнгли пучларга
Қарши бел боғлаб,
Ўзни хўп чоғлаб,
Нафрат отганмиз.
Турли хулёлар,
Гулли рўёлар
Ахтариб юрмай,
«Тангри» деб турмай,
Тўғри кетганмиз,
Бирга, бирликда
Эркака етканмиз.

1926, 16 октябрь

(«Муштум» журнаlining учинчи сониди «Овсар»
нинг «Йигинди гаплари» босилди. Унда мана шу
сўзлар бор. «...Қайси бурчакда ухлаб қолдинг?»—
деб сўрама. Ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи,
маданияти, иқтисоди, шалтойи, болтойи хуллас
барчаси ҳам ухлайди...»)

Эмди сен ҳам алаҳладинг, эй Овсар,
Сенга бўлмиш қон денгизи зўр кавсар.
Емон ерда ётиб қолган экансан,
«Жин тегибди», бўлибдурсан кўру кар.

Ишчи-деҳқон суюнч билан ишлайди,
Бойлар энди бурчакларда қишлайди.
Сен сингари кўнгли қора «овсар»лар
Ғазабланиб, лабларини тишлайди.

Улкамизга бир неча йил ўт берган,
Йўқсулларнинг юрагига ўқ терган
Ўйдошларинг чиндан кафан кийдилар,
Улар гўрда сенга «рахмат» дейдилар.

Афғондаги, Париждаги аҳмоқлар,
Чет элларда тентираган у «тоқлар»
Сени эмди эслайдилар дамба-дам,
Олқайдилар, ўзлайдилар сени ҳам.

Ётлар каби алаҳладинг, эй Овсар,
Эмди чиндан бўлибдурсан кўру кар.

1926

ҚУТЛАЙМАН

(Ер ислоҳатига бағишлаб.)

Эрк ерлари турди,
Эл илгари юрди.
Янги жаҳон қурди,
Мен мақтайин эмди.

Кўклам чоғи келди,
Кўкда булут елди.
Йўқсул дили кулди,
Мен олқайин эмди.

Йўқсулни бу онда,
Яп-янги жаҳонда,
Чин эркили замонда
Мен қутлайин эмди.

Бу янги замонда,
Қопқариш томонга,
Ёв кўзли ёмонга
Нафрат сочай эмди.

Ёш йўлга умрни,
Бахт излари нурни.
Кўнглимдаги дурни
Буткул сочай эмди.

1926, 1 март

КУКЛАМДА

Кўкламда еллар
Эсканда, еллар
Ҳай... ҳай дегайлар,
Кўп ишлагайлар.

Кўкламда кунлар,
Юлдузли тунлар
Ғайрат берарлар,
Илҳом сепарлар.

Кўкламда қушлар
Уйнаб учарлар.
Эркин фазони
Эркин қучарлар.

Кўкламда қуртлар
Индан чиқарлар.
Жонсиз ётишни,
Тинни йиқарлар.

Кўкламда боғлар,
Паст-баланд тоғлар
Қўркамланилар,
Қўз эркалайлар.

Кўкламда йўллар,
Унгла ва сўллар

Ҳаттоки чўллар
Жонли бўларлар.

Қўкламда ишлар
Чекдан ошарлар.
Қўнгилда ишқлар
Қайнаб-тошарлар.

Қўкламда сир кўп,
Таърифга сўз йўқ.
Сиз ҳам денг хўп!
Бўлсин кўнгил тўқ...

1926

Кўкламни кўрдим,
Кўнглим очилди.
Гулларни сўрдим,
Ҳидлар сочилди.

Ҳидлар ҳушимни
Кўкка учирди.
Унгим, тушимни
Иўққа кўчирди.

Кўкламни суйдим,
Ҳислар тирилди.
Шеъримни қуйдим,
Дардлар қирилди.

Ҳисларда тўлқин
Бошланди-кетди.
Шеъримга оқ кун
Ноз тақдим этди.

Кўкламда роҳат
Создан тўкилди.
Кўркам табиат
Нозли букилди.

Қўкламда эркин
Боғларни кездим.
Илҳомли куч-ла,
Ҳордиқни эздим.

1926

КУКЛАМ КЕЛДИ

Яна кўклам кулиб боқди,
Яна ҳар боғ чечак тоқди,
Яна нозлар тўлиб оқди,
Яна ҳар ёқ кийим қоқди.

Яна сувларда тўлқинлар,
Яна туғди гўзал кунлар,
Яна деҳқонда шодликлар,
Яна меҳнатда борлиқлар.

1926

Сочларингни куй билан
Аста-аста тарайман.
Теран, улуг ۇй билан
Кўзларингга қарайман.

Қуюқ-сууюқ кирларнинг
Сочларингда бири йўқ.
Турмушдаги сирларнинг
Кўзларингда изи йўқ.

Сенинг қора кўзларинг
Тўлқинимни аллалар.
Сен, чақалоқ! Кўз очиб,
Кўра олдинг нималар?!

Чин эрк кулган ўлкада,
Кўзим, ўсиб турасан.
Янги, гўзал дунёни,
Албатта, сен қурасан...

1926, 18 февраль

БИРИНЧИ УГУТ

(Ўғлим Эркига)

Иўлингга нурлар сепеди бу икки кўзим,
Чекилма илгарилашдан, суюкли кўзим!
Яшашга тўғри қараб юр, бузулма сира,
Иўлингда эски, бузуқ фикрни қилма кира!

1926

Ойли тун, оппоқ, илиқ қўйнингда озроқ дам олай,
Кучли бир денгиз каби тўлқинни ташлаб тинч қолай.
Бир нафас тинч қолганимда орқа-ўнгга бир қарай,
Кечдигим йўлларда қолган турли изларни санай.

Турли излар кўнглидан тилсимли сирларни сўрай,
Сўнгра турмуш каъбасинда саждаларга бир қарай.
Сўнгра борлиқ боқчасинда қип-қизил гуллар терай
Сўнгра тўлқин амрига фикру хаёлимни берай.

Бир замон тип-тинч қолишни йўлларимда билмадим,
Бўш умид, бўш дард билан кўнглимни ҳеч бир
тилмадим.

Мен одамдан соф куч излаб ровғалардан қочмадим,
Истагимнинг душмани бўлганга раҳмат сочмадим.

1926

(Дўстимга)

Мен ёт эмас! Сен ёт, дея кўрма!
Мастликка мени бот, дея кўрма!
Истак — тилагим жонли, улуғдир,
«Тебранма бир оз, қот», дея кўрма!

Бир кун кўрасан, ёт киши кимдир,
Бир кун биласан ёт киши жимдир...

1926, 19 февраль

ҲАҚИҚАТ

Ҳақиқат нима-ку, ҳақ нима?
Англадим: яшашнинг ўзидир.
Яшашнинг тангриси ҳақ дема!
Бу ҳаёл телбалик сўзидир.

Яшашнинг кучи кўп, ҳақ яшар,
Бунга зўр тебраниш гувоҳдир.
Башарсиз на куч бор, на ҳақ бор,
Бунга шак келтириш «гуноҳ»дир...

1926, 22 февраль

Кенг фазода кўз илғамас ҳар зарра
Айланади ҳар нафасда минг карра.
Ҳар зарранинг борлиғидир айланиш,
Айланишсиз дунёда йўқ жонланиш...

1926, февраль

Қўрганми сендек шоирни асринг,
Маънога манба ҳар назму насринг.
Шеърингда бўлган нозик наволар
Қўп туйғуларни ҳар вақт даволар...

1926, апрель

ПАРЧА

Тонг кулиб суюнчлар сочади,
Сукунат борлиқдан қочади.
Зўр тилак замини — пок меҳнат
Қучоғин кеккайиб очади.

1928

Кўрмадим гулни
Суймаган «дил»ни.
Нозли булбулни
Қарғаган «тил»ни.

Кўрмадим тоғда,
Соф чаман боғда,
Ойли бир чоғда
Ухлаган ҳисни.

Кўрмадим ҳеч бир
Тоғ каби тошни.
«Мен ўчун ёлғиз
Ош» деган бошни...

1926

Эрта тонг чоғи
Уйғотар мени
Ер ҳайдагали
Юмшоқ тонг ели.

Соф кўклам чоғи —
Кўнгилнинг боғи.
Гўзал қирларда
Иўқ қишнинг доғи.

Қуёш юксакдан
Жилмайиб боқар.
Сув баланд жойдан
Шеър айтиб оқар.

Кенг яйловларда
Ишлаб қувнайман.
Қайғу-аламни
Нечун билмайман.

Деҳдон ўғлиман,
Ҳеч чарчамайман.
Ёш кучим билан
Ер ҳайдагайман.

Меҳнат чин дӯстим,
Доим севгайман.
Эркин турмушда
Тинмай ишлайман.

1926

(Ишчилар уюшмасидан бир вақтлар ҳайдалганларга бағишлайман. Мафкура майдонида кураш муносабати билан.)

— Истангиз шу, истамасангиз катта кўча! — дедилар. Ҳали тонг бутунлай ёриб кетмаганлиги учун уйлар, кўчалар, оғочлар юпқа қоронғуликка бурканган эдилар.

Кўзимизни катта очдик.

Катта кўчага боқдик...

У чоқ ҳар бир қарайиб ёҳуд ялтираб кўринган нарсанинг чинакам афтини аниқлашга кўзимизнинг кучи етмаса ҳам қоронғу кечадан «катта кўча»га чиқишни тузик топдик. Йўлимизга сўнмас чироқ ёқдик.

Истасангиз шу!!

Иташ...

Нимани иташ?

Тор кўчаларини? Қоронғу бурчакларини?

Бу қандай дўқ?!

Дўқларидан сира чўчимадик.

Биз ҳам дедик:

«Сиз истаганини биз истамаймиз,

Сиз излаганини биз изламаймиз!»

— Шундайми? — деб кўз олайтирдилар, аччигландилар.

Бизга «катта кўча»ни тўғрилаб жўнашга, улардан ажрашга буйруқ бердилар. Узимиз ҳам катта кўчага кетмакчи эдик! Биз кетдик. Катта кўчада улуг ерларга етдик. Ҳали ҳам ҳормадик, толмадик; кўнгилга умидсизлик солмадик.

Биз илгари борамиз,
«Кўплар» билан бирга улўғ тилакка йўл солāmиз.
Улуғ тилақ — коммунизм.
Орқага бурилиб бир қарадик,
Дўстларни, душманларни орадик,
Бизни нафрат билан ҳайдаганларни ботқоқларда
кўрдик.

Эмди тонг ёриб кетган,
Юпқа қоронғуликлар битган,
Қуёшнинг иссиқ, нозли нурлари бу ергача етган.
Мана шундай чоқда биз «катта кўча»да!
Биз мана шуни излар эдик.
Шунинг учун уларга «сиз истаганини, биз истамай-
миз», дедик.

Уларнинг истаклари нима эди?
— Тонг қоронғулиги: — кўплар ухлаган чоқда «ту-
банлик»га «илоҳи кўйлақлар» кийгизиб уйғоқларни
унга топинтириш.

Шунинг учун тиз чўкиб дедилар:

— Улуғ тангрим, сен соқлиқ бер турка...
Улар энг сўнг йўқлиққа ютилди,
Биз улардан қутулдик, улар биздан қутулди.

Москва, 17 апрель 1926 йил

Ҳар ёнда кураш бор,
Қон тўлқини кучли.
Ҳар танда талаш бор,
Тиғлар заҳар учли.

Қон ошиғи тўқлар¹,
Сўнг дамда-да эзмак
Иўқсулни ва қон кезмак
Истаб отар ўқлар.

Ваҳшат тиғи кўп йил
Қўксин яра этди.
Сўнг Шарқда аланга
Қўқларгача етди.

У шонли аланга
Зўр жарчи эмасми?
Энг сўнгги курашга
Тур, ерли, демасми?

«Зиндонли саройлар»
Бир қанча томонда.
Мағрур бу замонда
Тинч ўтмагай ойлар.

1927

¹ т ў қ л а р — капиталистлар.

ДЕНГИЗ БЎЙИДА

Яна яшайман денгиз бўйида,
Яна суюнчлар тўлган куйида.
Фикрим, умидим нурлар ичида,
Ҳар қайси куннинг эрта-кечида.

Денгизга қараб чуқур ўйлайман,
Тўлқинларини суйиб куйлайман.
Чунки тўлқинда кўзни очганман,
Чунки торлиқдан мангу қочганман.

1927, август

Уйнаб турган, кулиб турган бу бола,
Тиниш билмай ҳар нафасда ўсади,
Олқишлайди уни шаҳар ҳам қалъа.

Тоза кучлар унга кўмак этади,
Қора кучлар тўсолмайди йўлини,
Ўсиб-ўсиб у тилакка этади.

Эсли кимса шак қилолмас ҳеч бунга,
Чунки уни ўстиради янги кун,
Ҳеч куч зарба беролмайди бу кунга...

1927, 16 ноябрь

(С. га бағишлайман)

У севади...

У алангали севгини кўнглида ўстиради, яшатади.

У чиндан севади.

Унинг севгиси тушунчаларни қарорсиз маст қилади.

У севади...

У севгини чинакам севади.

Унинг севгиси хаёлларни эзади, у дам азобдан, дам роҳатдан безади. Бироқ у ҳар дам севги аллаларини сезади... Унинг қулоқлари ҳар вақт эшитган:

— Севгисиз яшаш, яшаш эмасдир...

— Балиқ сувсиз, кўнгил севгисиз яшолмас...

— Севмоқ ва севилмоқ буюк саодат...

У бунга ғуборсиз ишончларини бағишлаган...

Унга севги шеърларини тиконсиз қизил гулларга ўраб берганлар.

У севги шеърларидангина лаззат эмишга ўрганган.

У севади...

У ким?

У, бир қиз!

«Иккини» бирдан бирдек севган бир қиз! Иккиннинг бири, гўзал бир йигит, ўзгаси, эзгу бир иш.

У, гўзал йигитни-да, ташламайди, эзгу ишдан-да олмайди... Мана у нега паришон.

Гўзал йигит айтади:

— Қарашларим кўзларингнинг парвонаси-ку...

— Кел! Қанотлари нозик... унутма!

Қиз унутмайди буни.

Эзгу иш чорлайди буни,

Эзгу иш чорлайди уни.

— Юр кетимдан! Мен ҳам севаман...

Менгина нозик қанотларим устига сени ўтқизиб
юксалтираман, унутма!

Қиз унутмайди буни.

Қизнинг хаёллари бўрон қўйнида эҳтиётсиз ётади.

Қиз ўйларининг қучоғига дам гўзал йигит, дам
эзгу иш ўзини отади.

Қиз буни-да севади, уни-да севади.

Қизнинг саодати айтади:

— Гўзал қиз, илғарила, юксал!

Илғариламай, юксалмай яшаш, яшаш эмасдир.

Кел эзгу иш кетидан кет!

АЛАНГА

Аланга ҳар ёнда
Ўйнайди, учади.
Қарашни ҳар онда
Имлайди, қучади.

Аланга дам олмай
Кенгайиб боради.
Зулматнинг кўксини
Аямай ёради.

Аланга юксакдан
Тўлқинлар отади.
Аланга қўйнига
Кенг фазо ботади.

Эскилик ёнади,
Аланга қонади.

1928

Кичик олой ўйнаб-ўйнаб оқади,
Қўнгилларга севинч гули тоқади.
Унинг тиниқ, совуқ суви, тўлқини
Олой қизи Гулноройга боқади.

Кичик олой шўхлик қилиб юради,
Қиз ишқини ўз йўлига буради.
Тоғ тошларин чирпиратиб, ўйнатиб,
Ирғитади, бир-бирига уради.

Кичик олой кеча-кундуз тинмайди,
Қийқиради, илгарига чопади.
Унинг ўткир товши сира синмайди,
Олой қизи ундан илҳом олади.

Кичик олой бўйларида Гулнорой,
Узун-узун эълонларни ўқийди.
Гулноройнинг оппоқ қўнгли эркака бой,
У тоғларда эркин куйлар тўқийди.

Олой қизи ўйнаб ўсган элидан
Бу кун узоқ ёққа жўнаб кетади.
У кўзлаган эрк булоғи Москвага
Довон ошиб, дарё кечиб етади.

Қичик олой дарёсидек тинмасдан,
У илгари югурмакчи бўлади.
Умидсизлик оловида куймасдан
Унинг кўнгли тилак билан тўлади.

Гулнор Қичик олой каби чопади,
Узоқ ёқда чин эркни у топади.

1928

Ой тұлганда ойдинлик
Бахш этарди гўзаллик.
Япроқлар орасидан
Ерни безарди ҳаллиқ.

Яқинда кўм-кўк япроқ
Совуқдан қўрқиб, титроқ
Билан ерга тушмушди,
Бўлмишди юзи тупроқ.

Ёздан қолмади асар,
Билмам бугун на қилар.
Куз ели ҳар ён юриб,
Совуқдан хабар берар.

Оппоқ қор ўраб олди,
Ҳаммага бир ғам солди.
Оҳ бугунда кенг қирлар
Мендан узоқда қолди.

Яп-яланғоч далалар
Эмди ҳасрат юталар.
Кенг қирлар, гўзал қирлар,
Бўркади оппоқ қорлар.

Кўклам каби кенг қирда
Ғир-ғир шамол юрганда
Қўшни ҳайдаб юардим,
Эрта тонг чоғ бўлганда.

Бир оз сўнг кун чиқарди,
Жаҳонга нур сочарди.
«Ҳорма деҳқон!» деб, менга
Сўзлагандек бўларди.

Чарчашни сезмас эдим,
Қайғуни билмас эдим.
Қўш ҳайдаган чоғимда,
Иш билан йўлдош эдим.

Юмшоқ ел аста ўтар,
Торли манглайим ўпар.
— Сенинг меҳнатинг билан,
Дерди дунё тўқ бўлар.

Ўтди-кетди у кунлар,
Келдими узун тунлар?
Иш чоғи яна келса,
Кўнглимда баҳор кулар.

I

Қизил Масковнинг у кеча-кундузлари иссиқдан ва севинчдан узоқ эдилар. Ҳар тебранишдан бир қайғу томарди...

Қизил Масковнинг у кечалари аччиқ изғирин қучоғида оғир-оғир нафас олиб турадилар. Маст еллар юпун кийинганларни кўчаларда овлаб юрадилар. Кўчаларга электр нур сепарди, қор олмос каби ялтирарди. Кўз қорға кўп қаролмас, оёқ тез илғари боролмас эди.

Қизил Масковнинг у кечаларининг ҳеч бири ўзга кечалари синғари эмасди. Кимса кимсага севинчли сўз демасди. Ҳамманинг бошида оғир мусибат қанот ёзиб турарди. Ҳамманинг кўнглида улуғ муҳаббат мавж урарди.

— Ҳамма — ким?

— Меҳнат қўшини!

Қизил Масковнинг у кеча-кундузларида кўчаларлиқ тўла эдилар.

Қишилар бир марказга бориб қайтардилар.

Завод ишчиси деҳқондан сўрарди:

— Бундай чоқда қасқдан, нега келдинг?

— Узоқдан, қишлоқдан... — деҳқон қайғули жавоб берарди, — сен бу ерга нега келган бўлсанг мен ҳам шунинг учун келдим...

Узундан узоқ қаторларда соатлаб турган кишиларнинг ҳар бири бу ерга не учун келганини яхши биларди:

Ленин жасадини кўрмак учун...

Кишилар шиддатли совуқнинг дағдағасидан қўрқмасдилар... Уларнинг кўнглида Ленинга бўлган муҳаббат ҳамма нарсадан кучли...

Совуқ унинг олдида ҳеч...

Ленин жасади зўр зал ўртасидаги шийпонда ётарди. Лениннинг оқарган бетига қараган ҳар кўз чидолмай ёш отарди.

Зал мотам гуллари билан безалган, чироғларнинг нурли бетлари қора тўрлар билан ўралган эдилар. Музиканинг қайғули товушлари юракларга ларза берардилар... Лениннинг жасади ҳам кишига умидсизлик бахш этмасди. Илгарига интилиш тилаги бир нафас миядан кетмасди.

Фабрика ишчиси деҳқонга қўл бериб айтарди:

— Ленин бошлаган ишни охирига етказмакка сўз берамиз.

— Сўз берамиз!.. — жавоби юксаларди.

II

Қизил Масковнинг у кеча-кундузлари 1924 йил январининг охирги кунлари эдилар.

Қирқ саккиз ой ўтди. Ленин бошлаган иш бузилмади, ёрилмади. Ленин кўрсатган томондан ўзга томонга борилмади.

Яна ойлар ўтади, йиллар ўтади... Ленин йўли билан кетиб пролетариат коммунизмга етади...

— Шубҳа борми?

— Йўқ!

— Йўқ!!

— Йўқ!!!

Самарқанд, январь, 1928 йил

Ўсди «умид учқунлари»,
 Тошди кураш тўлқинлари.
 Биров билар, биров билмас,
 Биров балки кўзга илмас...
 Бироқ тўлқин тошар, тинмас,
 Унинг товуши яшар, синмас.

1929

Мен-да сен каби шўх, сен каби мағрур,
 Мени «менликка» асир эта олмас бу ғурур
 Чунки мен,
 Олганман,
 Бу ғуруримни
 Бу суруримни
 Шонли вулқондан,
 Тенгсиз исёндан.
 Эски дунё қақшаган ондан
 Менинг кўнглимда-да пўртаналар,
 Пўртаналар!
 Чунки пўртана менидир, мен-да пўртанаман,
 Пўртанасиз ўртанаман!
 Юзи сокин, ўзи гунг,
 Сирли кўлларда нетардим,
 Шубҳасиз ундан узоқларга кетардим,
 Мана мен ундан узоқда
 Пўртана ёқда.
 Сенинг чеҳрангда бугун
 Сирли кўллар каби сокин эсса-да,
 Менга озроқ ёшли кўзлар билан боққил деса-да,
 Биладан мен, биладан,
 Кўкрагинг тўла тўлқин,
 Ушга севги бераман.
 Меним ишқим сенга муштоқ тушади,
 Қарашим пўртана излаб юради.
 Сенга боққанча бу ёшлик суюнар,
 Билмадим, балки бировлар куюнар.

1929, 12 июнь

ПОЭМАЛАР



Капиталист:

Азалда ўзимиз юксакдан берилган,
Тиконсиз чечаклар биз учун терилган.
Жаннатлар, саройлар биз учун қурилган,
Малаклар, суюнчлар биз учун туғилган.

Капиталист томонлари:

Тўғри сўз!
Дунёлар суюнчи биз учун!

Йўқсуллар:

Йўқ...
Йўқлар хаёли сиз учун!

Капиталист:

Бизга ҳеч томуғдан, азобдан гапурма,
Чунки, биз булардан ўлжасиз узоқда.
Бизга ҳеч йўқсуллар ишини кўрсатма!
Чунки биз эркинмиз... йўқсуллар тузоқда.

Капиталист томонларидан бири:

Қийналиш учун биз дунёга келганмас!

Йўқсуллардан бири:

Қийналишга келгансиз!

Йўқсуллар:
Бизда иш йўқ эмас.

Ҳаммалари:
Йўқсуллар тузоқда.

Йўқсуллар:
Биз эркдан узоқда.

Йўқсул:
Биз бугун тузоқда: бироқ бу фони хол,
Абадий эрксизлик, йўқсуллик, бўш хаёл.
Йўқликдан қурилган томуғлар, жаннатлар.
Йўқликдан туғилган малаклар, умидлар
Азалда юксакдан эй, ўриң олганлар,
Сиз билан бирликда чурушга борганлар.

Узга бир йўқсул:
Хаёлга, рурурга мангу қул бўлганлар
қаҳримиз ўтида—

Йўқсуллар:
қоврилиб битгайлар!
Капиталист томонларидан бири:
Бу кулги.. бу янглиш.

Йўқсуллар:
Йўқ, тўғри!

Капиталист томонлари:
Йўқ, янглиш.

Капиталист:
Бу кулги, бу янглиш, бунга ҳеч
Шубҳа йўқ, абадий ҳокиммиз.
Бунга-да кўнгил тўқ.

Капиталист томонлари:
Бу тўғри.

Капиталист томонларидан бири:
Бу сира ўзгармас бир қонун!

Йўқсул:
Бу янглиш.
Ўзга бир йўқсул:
Сира йўқ ўзгармас бир қонун!

Капиталист:
Тарихнинг қариган муқаддас бетлари
Биздаги қудратни товушсиз мақтайдир.
Эски бир доҳийнинг¹ эскимас сўзлари биздаги олийлик
фикрини ёқлайдир.

Капиталист томонларидан бири:
Олимлар, зоҳидлар, доҳийлар, шоирлар
Яхшилик эшигин биз учун очганлар.
Қўклардан, жаннатлар беаги малаклар
Дунёга биз учун роҳатлар сочганлар.

Йўқсул:
Сизга қул тарихлар, биз учун қимматсиз!

Йўқсуллардан бири:
Сизни мадҳ айлаган олимлар — уятсиз!

Йўқсул:
Туманли муҳитда адашган доҳийлар
Ҳақиқат маъносин йўқликдан излаган.
Саройлар айшида қутурган шоирлар

¹ Аристотель: «Табиат дунёдаги кишиларни икки тур-
ли яратган. Бири қуулар, иккинчиси ҳокимлар».

Сиз учун куйлашдан бошқани билмаган.

Капиталист:

Онг нури учмаган қоронғу миялар
Улуғлик маъносин ҳеч англай олмайдур.
Тангрининг қудратин тушунган эрларнинг
Муқаддас фикрини сиз каби хўрлайдир.

Йўқсул:

Онгладик, онглаймиз ҳақиқат маъносин.

Ўзга бир йўқсул:

Хўрладик, хўрлаймиз мажнунлар даъвосин!

Йўқсуллар:

Эмди биз топтаймиз золимлар дунёсин!

Капиталист:

Кўрарсиз, шошмангиз, қуфрнинг жазосин.

Йўқсул:

Йўқликда ўқирсиз зулмлар қазосин.

Капиталист томонларидан бири:

Сизларми топтайсиз ҳокимлар дунёсин?

Капиталист:

Биз улуғ, абадий ҳокимлар эмасми?

Дабдаба, тантана бизни зўр демасми?

Биз буюк муҳташам саройлар ясадик,

Улуғлик тахтидан айрилмай яшадик.

Йўқсул:

Саройлар азобин йўқсуллар кўтарган,

Ундаги роҳатда золимлар кўкарган.

Иўқсуллардан бири:

Аламлар манбаи — даҳшатли нодонлар,
Қим учун ясалган?

Капиталист томонлари:

Албатта сиз учун!

Иўқсуллар:

Қулликдан бош тортган эрксевар биз учун?

Иўқсул:

Абадий ҳокимлик — ўтмишининг эртаги отига эрк
сочмоқ —

Иўқсуллар:

Иўқсуллар тилаги.

Капиталист:

Ҳавода, тўлқинли денгизда, ҳар ерда,
Эс кетгач куч билан ҳокимлик қиламиз.

Капиталист томонидан бири:

Иўқсуллар бизга қул бўлмоқ-чун дунёда
Тириклик қилганин кўп яхши биламиз.

Иўқсуллар:

Шошмангиз!

Иўқсуллардан бири:

Иўқсуллар ғазабин кўргайсиз,
Сўнгра сиз ҳақиқат маъносин билгайсиз.

Капиталист:

Ҳар ёғи сув билан ўралган ерларда,
Ииртқишлар сафинда югурган эллар-да
Биздаги табиий қувватга бош эгган,
Ўрмонлар ичида тинимсиз яшаган

Қишилар бизларни кўрганда тиз чўккан.

Капиталист томонлари:

Тўғри бу.

Йўқсуллардан бири:

Зулмингиз дунёни титратди,

Бахтсиз саодат йўлларин булғатди.

Йўқсул:

Жаннатдек шаҳарлар, қўрғонлар, саройлар.

Кўкрагин кўкларга кўтарган бинолар ишимиз мев

Йўқсуллар:

Кучимиз меваси.

Капиталист томонлари:

Биз эса буларнинг, кучларнинг эгаси.

Йўқсул:

Қўлимиз ишлаши, бошимиз ўйлаши —

Яратган нарсанинг эгаси,

Йўқсуллар:

Бизгина!

Йўқсул:

Табиат кучларин итоат эттирган,

Ҳар қайси курашда ботирлик кўрсатган.

Ҳавода қушдан-да ўзишга тиришган,

Денгизда тўлқинни эзишга эришган,

Йўқсуллар:

Бизгина!

Капиталист:

Бу кулги!

Капиталистлардан бири:

Бўлмаса айтинг-чи,

Капиталист томонлари:

Биз нима?

Йўқсул:

Сиз бизнинг гул боғни бузғувчи махлуқлар

Сиз, сиз, сиз кучсиз!

Капиталист томонлари:

Биз кучсиз?

Йўқсул:

Сиз кучсиз!

Йўқсул:

Табиат бойлиги иш суйган биз учун,

Дунёдан тез чоқда йўқолиш сиз учун!

Йўқсуллар:

Келгуси биз учун, йўқсуллар сиз учун.

Капиталист:

Қўрқинч сўз!

Капиталист томонлари:

Тангримиз балодан сақласин!

Йўқсул:

Қўп йиллар найзангиз қийнаган танлардан,

Сиз илиб тўпланган қонларга бўёлган

Муқаддас қип-қизил байроққа қарангиз!

Остига тўпланган элларни кўрингиз!

Йўқсуллардан бири:

У байроқ йўқсуллар жарчиси!

Капиталист томонлари:

Йиқилсун!

Йўқсуллардан бири:

У байроқ йиқилмас!

Йўқсуллар:

У байроқ юксалгай!

Йўқсул:

**У байроқ остига тўпланган йўқсуллар
Тахтларни ва сизга топинган бахтларни,
Сиз билан бирликда йўқликка юборгай!**

1923

I

1

Қутурган дарёнинг бошида
Кекқайган ҳайбатли тоғлар бор.
Тоғларнинг ҳар бужур тошида
Асрлар қолдирган доғлар бор.

Тоғларнинг гердайнб туриши
Назарни жилдирмай тортади.
Назарнинг тоғ томон юриши
Ҳар нафас, ҳар дамда ортади.

Тоғларнинг бошида оппоқ қор
Қуёшга нозланиб боқади.
Бироқ кўп чидолмай эриб қор
Йўллардан дам олмай оқади.

Тоғ йўллар кенгайиб, зўрайиб,
Узоқлар қўйнига ботади.
Йўлларнинг ўнгида, сўлида
Қишлоқлар ясланиб ётади.

2

Қутирган дарёнинг сўлида
Атоқли, эски бир қишлоқ бор.
Сирга бой қишлоқнинг йўлида
Қақраган катта бир тошлоқ бор.

Тоғ қизи бу эски қишлоқда
Туғилган, ўйнаган, яйраган.
У гўзал, бундаги боғларда
Булбулни йиғлатиб сайраган.

Тоғ қизи чиройли, эрка қиз,
Хуснга шайдолар саноқсиз.
Унинг ҳеч тенги йўқ кўзлари
Кўпни тиз чўктирган, яроқсиз.

Тоғ қизи Қумриой қарагач,
Кўнгилда ҳеч ором қолмайди.
У қора сочларин тарагач,
Севгилар ундан кўз олмайди.

Қумрининг куйларин тоғ йўли
Ҳар оқшом қучоқлаб учади.
Қарилар, ёшларнинг ҳислари
Куйларни жон билан қучади.

Ҳам гўзал, ҳам ботир Қумрининг
Манглайин табиат силаган.
Ҳеч ёқда йўқ унинг умрининг,
Заволин кўнгилдан тилаган.

3

Қутирган дарё тинч оқмайди,
Тошларни тошларга уради.
Йиғлаган-кулганга боқмайди,
Илондек тўлганиб юради.

Қумри бу дарёга боққанда
Тўлқинлар ишқига етади.
Кенг тоғлар майсалар тоққанда
Тинчликни у сарсон етади.

Тоғларда кийикдан ўзишни
Тоғ қизи туну кун ўйлайди.
Дарёда балиқдек сузишни
Назарга илмай у сўйлайди.

Унинг соф, чиройли сўзини
Тешажон тўймасдан тинглайди.
Ҳар икки жон олғич кўзини,
Кечалар у ўйлаб ўнтайди.

Тешажон аламли дардини
Ҳеч кимга очмасдан юради.
Қумрини кўрганда кўзидан
Томчи ёш сочмасдан туради.

II

I

Қумриой ўн олти ёз кўрди,
Ун ёзда кўп кунлар тоғ кезди.
Бинафша гулларни соз кўрди,
Қайғули кунларни оз кўрди.

Тоғ қизи гул бўлиб очилди,
Зўр донғи ҳар томон сочилди.
Гул қизни талаблар ўради,
Кўп жойдан кўп бойлар сўради.

Мен қари, қизим ёш, бир оз бор,
Қумрисиз бу қафас бизга тор.
Бойларга яхшилар бўлсин ёр,
Қиз сўраш, албатта, эмас ор.

Деб кулиб, букилиб совчини,
Қумрига кўз солган овчини

Тўғонбой қайтариб юрарди,
Қумрига оқ йўллар қуарди.

Бир нафас кўрмаса Тўғонбой,
Дер эди: Қайдасан Қумриой!
Кўзимнинг нурисан, кел бери,
Ёрисин кўнглимнинг ҳар ери.

Қумрининг касалманд онаси
Яп-якка қизи-чун яшарди.
Қумриой кулганда Норхоннинг
Суюнчи қайнарни, тошарди.

«Беш ўғил, бир қизни, бу Норхон
Қора гўр қўйнига ташлаган.
Оҳ, бола... бола!» — деб ҳар томон
Югуриб кўзларин ёшлаган.
«Белимнинг қуввати Қумриой
Бойларнинг чўриси бўлмайди.

Керакмас зиндонли ую жой,
Мен тирик, Қумригул сўлмайди» —
Деб Норхон кўзларин намларди,
Қақраган кўзларин ёшларди.

Тўғонбой жим тўзум қиларди,
Қайгули хаёлга толарди.
Норхоннинг кўнглини оларди,
Қумрининг бошини силарди.

2

Қутирган дарё ҳеч тинмасдан
Тошларни тошларга урарди.

Унинг зўр шовқини тинмасдан
Жимликни титратиб турарди.

Кундузнинг севгиси қуёшхон
Шошмасдан, жилмайиб ботарди.
Ҳайбатли тоғларнинг бошидан
Оқ қорлар жилвалар отарди.

Тўғонбой айвонда ёнбошлаб,
Кеккайган тоғларга боқарди.
Қўрқинчли даракнинг алами
Унинг кенг кўнглини ёқарди.

3

Тўғоннинг чидами бузилди,
Қайғуси мавж уриб бақирди.
У уйга Норхонни чақирди,
Сирларнинг таноби узилди.

— Қумрининг онаси қулоқ сол!
Ҳозир сен кампир, мен бўлсам чол.
Умримиз тиргаги Қумрининг
Бўйини, тўйини эсга ол!

— Сиз ота, мен она, Қумри қиз,
Сиз мендан яхшироқ биласиз!

— Қумрини сут бериб боққан сен,
Болалар доғида оққан сен,
Қумрининг бўйи ҳам тиккайди,
У эмди ҳар ишни эплайди.

— Қумрини бойларга бермадик,
Бой бўлиб кўкракни кермадик.
Бойларнинг газабин қайнатдик,
Евларнинг тигини қайратдик.
Қишлоқнинг бойлари Қумрига,

Ўзимиз нурийнинг умрига
Олайган кўз билан қарайлар,
Ўқрайиб лабларин ялайлар.
Уларга пул керак, қул керак,
Биздаги жонни ҳам талайлар...

—Йиғламанг! Йиғлаб кўз толганда,
Соч, соқол оқариб қолганда
Кўп замон йиғладим, кулмадим
Бироқ ҳеч юзимни юлмадим.
Эмди мен йиғлашдан безганман,
Эркимни ўзимда сезганман.
Уларнинг дўқидан қўрқмайман,
Истаган йўлидан юрмайман.
Ўттиз йил бойларнинг ишини
Тинимсиз бажардим, кишини
Ўқиздек ишлатиб юрдилар,
Қул қилиб букдилар, урдилар.
У кунлар эсимдан чиққан йўқ,
Мен ҳамон ёрлиман, улар тўқ.
— Кўп кунлар, йиллар кетдилар,
Билмадим, қаерга етдилар.
У қора кунларни эсламанг,
Ярамни заҳар-ла эмламанг.
Эскини йўқликлар ютсинлар,
Аламлар узоқдан ўтсинлар,
Деб Норхон ёш тўкиб юборди,
Тўғонбой паришон турарди.
— Қўй, деди Тўғонбой, йиғлама,
Қасалсан, юракни тиглама.
Бурунлар йиғладик, ёлвордик,
Манглайни саждада минг ёрдик.
Бироқ биз истаган бўлмади,
Кўнглимиз суюнчга тўлмади.
Эмди ҳеч йиғлама, тетик бўл,
Тетиклик дунёда тўғри йўл.

Тўғонбой тўхтаб бош қайирди,
 Кўзларин Норхондан айирди.
 Норхон кўз ёшини енгига
 Артди-да қаради тенгига.
 Жимликни Тўғонбой йўқотди,
 Норхонга маъноли сўз қотди.
 — Қумриой ишидан сўзлайлик,
 Унга бахт топишни ўйлайлик.
 — Сиздан мен илгари юрмайман.
 Сизга мен ҳеч қарши турмайман.
 Биламан, бу садни йиқмайди,
 Бу гапдан ҳеч нарса чиқмайди.
 Бирлашиб тўсқинни бузайлик,
 Тузоқлар илларин узайлик.
 Бошимда яшринган бир ўй бор,
 Қумрига топасиз лойиқ ёр...
 — Кўп шошма, энг аввал жавоб бер.
 Нур Қарвон хотини қандайдир,
 Ширин сўз, ёқимли бир хотин,
 Уни кўп мақтайди хон отин.
 Нур Қарвон энг яқин бир ошном,
 Ёшликда юрганмиз томма-том.
 Шу Нурнинг боласи Тешани
 Сен мендан яхшироқ биласан.
 Қумриой севади ўшани,
 Кўп яхши, сен нима қиласан.
 Тешажон гул каби бир бола,
 Юзлари қип-қизил соз лола..
 Қумрини синглим деб юради,
 Қумрига кўз бўлиб туради.
 Тешага Қумрини берсамиз,
 Сўнгра биз кўкракни керсамиз.
 Қумриой бунга йўқ демасми?
 Қўнгли бир бошқада эмасми?
 Бу қандай янги гап? Қумри қиз
 Финг қилмас бир нарса қилсамиз.

Ўзининг кўнгли ҳам Тешада,
Эслайди ҳар ойдин кечада.
Тешажон бизнинг ҳам боламиз,
Ичкуёв қиламиз, оламиз.
— Бу яхши, бироқ бир тўсқин бор,
У бизга йўл бермай қўяди.
Тез илож топмасак биз агар,
Ҳар йўлда минг ўра ўяди.
— Нима гап, яна ким сўрайди,
Бахтсизлик янами, ўрайди?
Шайтонлар уруғи Шарифжон,
Саноқсиз хотинли чол эшон:
— Эшоннинг совчиси келдими?
Алдамчи ваъдалар бердими?
— Эшоннинг совчиси келган йўқ,
Қаршимда кўкракни керган йўқ.
Бироқ у совчининг совчиси,
Бургут кўз овчининг овчиси
Бу ёқда санғираб юрибди.
Кўпгина тузоқлар қурибди.
Нур Қарвон хўп деса шу кузда
Тўй қилиб тинчланиб оламиз.
Шарифхон эшоннинг кўнглига
Аламнинг чўғларин соламиз.

1

Иван!

Мени албатта унутмагандирсан.

Узоқдан,

Оқ олтин тўла ёқдан,

Ўлкамиз баҳори янглиғ,

Баҳорнинг наҳори янглиғ

Ёқимли салом...

Салом...

Бугун,

Мен учун суюнч овозланган кун...

Кўпдан сўнг —

— Бу туш эмас, ўнг.

Сенинг катта бошингни,

Сийрак қошингни

Газет бетида

Соз дарак кетди.

Кўриб қолдим...

Эски кунларни,

Оғир тунларни

Эсга олдим...

Ҳозир сен

Москвада,

Катта заводда

Яшар экансан,

Эски чекларни бузиб,

«Қора ипларни» узиб,

Тошар экансан...
Заводда,
Меҳнат унумин зўрайтирувда.
Илғор бўлибсан,
Кучга тўлибсан...
Яша, соғ бўл!
Сени қутлашга узатдим қўл!

Бир оз ундан-бундан,
Бирга кулган кунлар,
Ўлкамиз суяунчидан
Ёзай дедим:
Ёв умидига гўр қазай, дедим.

II

Қулоқ сол сўзга,
Мен энди ўзга.
Қулликдан бутунлай қутилдим....
Колхозга тутиндим...
Баҳорнинг тонги
Чиройли юзини очганда,
Юлдузлар уялиб кўкдан
Аста қочганда
Туйғумдан
Тўзим учади,
Кўзларим
Ҳар тарафни қучади...
Кўрпадан қочаман:
Дала елига
Кўкрак очаман
Сурур сочаман...
Севаман тонгни...
Баҳор тонгидек соф онгни.
Тонг — улуг!
У — кучли кундузнинг боши;

Кундузда эса,
Унади ҳаётнинг оши.
Севаман кундузни,
Севаман баҳорни...
Баҳор...
Унда қанча латофат бор...
Баъзан
Баҳорда,
Баҳордаги наҳорда
Эски чоқларни,
У чоқларда бу ёқларни,
Эслаб қўяман...
Қўп йиллар бурун,
Шу қишлоқда,
Изи-да қолмаган мачитда,
Сўл ёқда,
Эски бир уйда
Қаландар куйда,
Ғариб бир чол яшарди.
Унинг дарди,
Баҳорда.
Баҳордаги наҳорда.
Қўпроқ тошарди...
Ёрлиликдан,
Дунёдан
Ҳасрат қиларди!
Шундай деярди:
«Ҳар замон бирдир фалакнинг чархи,
Ҳар замон бирдир умримиз нархи».
Мен у чоқ ёш эдим...
«Фалак чархини»
Англамас ҳавойи бой эдим...
Ўтди хил-хил
Қўп йил...
«Эски кўчалар» бузилиб кетди.
«Қора китоблар» узилиб кетди...

Чолни қон қоқшатиб,
Азоблар ошиб
Ер-сувин олган,
Айш-ишрат-чун зўр сарой солган
Ҳожибой
Бўлди «ёй».
Қолмади унда
Бу кеча кунда
Эски давлатлар,
Эски савлатлар...
Чол тирик бўлса,
Кўрса,
Йиғламас эрди,
Эски куйларни куйламас эрди.

III

Оқ олтин юрти
Ўзгариб кетди,
Зулм қурибди
Топталиб, тарк этди.
Далаларнинг,
Боғларнинг,
Қизларнинг,
Тоғларнинг
Ҳуснида гуллаш,
Гурлаш
Мавж уради.
Севгисини синаб юради.
Гўзал!
Ҳар томон гўзал!
Ҳар томонда ўзгариш,
Ўзга кўриниш.
На қуёш,
На ой
Асрлар кезиб,

Қоронғуликни эзиб
Кулолган бундай уриниш...
Ҳар ўринишда гўзал кўриниш.
Қуёшни
Оқ олтин
Суяди...
Қуёш «оқ олтин» бошига
Нур қуяди.
Қуёш
Зўр эмиш;
Қуёшнинг ўти
Кучли, кўп эмиш.
Айт-чи!
Қуёш —
Борлиғим,
Борлиғинг
Берилган тилакдан,
Зўрми?
Айт-чи!
Қуёш ўти,
Эски дунёга
Қарши керилган
Ўтингдан,
Ўтимдан
Кучлими?
Кўпми?
Йўқ!
Бунга қўнглим тўқ.
Қуёш гўзал:
Қуёш сахий:
У «оқ олтин» бошларини силайди,
У «оқ олтин»нинг униб-ўсувига,
Ёв йўлини тўсувига
Сендан ҳам,
Мендан ҳам
Ғайрат,

Куч
Тилайди...
Сен инон!
Томирда бор экан қизил қон,
Тисланиш,
Вижғиб эсланиш
Менда ҳеч бўлмағай,
Умид сўнмағай...
Биламан,
Сен ҳам
Ҳар дам
Тайёрсан!
Биламан
Сен унда,
Ҳар кунда
Минг ўсиб турасан!
Заводлар қурасан,
Тинмайин ўс!
Завод қолибини кўкрак билан тўс!
Ев тирноғи
Унга ҳеч тегмасин!
Унинг ҳеч ёғи
Евга йўл бермасин!
Электр кўзи ҳар чоқ
Ёниқ қолсин,
Ёт юракларга
Ларзалар солсин!
Зўр заводларга
Қаршилиқларга,
Қаршилиқларга
Ўтни қизғонма!
Турли «дод»ларга сен ҳеч алданма!
Ҳар улуғ йўлда,
Ўнгў сўлда
Тош,
Кесак,

Тикан
Учрамай қолмас,
Шер юракларга
Булар
Қўрқувлар бўлмас.

IV

Сени қучоғида ўстирган
Заводдан
Кеча
Яна бир неча
Трактор олдик.
Трактор учун
Муҳташам сарой солдик.
Бир тўда трактор
Бу йил
Қўп ерни кезиб чиқди.
Эски деворларни
Ирғитиб заводларга,
«Мен»ликни сақлаган доvonларни
Эзиб чиқди.
Ер «меним»дан қутилдик,
Қатта колхоз қурдик
Бошладик зўр иш:
Бирга яшаймиз
Езу қиш.
Бир
Тракторга миниб олиб,
Тракторнинг жиловини
Қўлга олиб,
Илгарига тез борамиз:
Эски дунё юрагини
Қоқ ёрамиз.

Бизнинг дала —

Яна

Қатор-қатор тракторлар сўрайди:

Заводларнинг ўсувига

Суюнч билан қарайди.

Бизнинг колхоз

Ойдан-да соз,

Кўкдан-да соз!

Тракторни

Қанча-қанча

Мақтасам оз.

Колхозимиз тарихини,

Тракторнинг таърифини,

Оқ олтиннинг гуллашини,

Гурлашини

Сўнгра айрим ёзаман.

Бироқ,

Бу ёқ

Ҳамма дарддан

Бутунлай омон эмас,

Унга оғув

Сўлга оғув

Юз бермаган том эмас.

Колхоз қурув бошланганда баъзилар

Унга қарши оғизларин очдилар:

Умидсизлик,

Бемазалик

Сочдилар:

«Пардалилар» бой томонга қочдилар.

Мана эмди,

Колхоз гуллаб ётади,

Ҳар томонга қулочни отади.

Биз бу йўлдан сира озмай кетамиз.

Зўр тилакка албатта биз етамиз.

Биз бу йўлда режалимиз,

Режамиз зўр,

Режамиз кенг!
Режамизга
Ўзгаларнинг режаси
Ҳеч бўлмас тенг!

V

Иван!

Яна бир оз ёзсам зерикмассан,
Зерикув
Сенга мос эмас ҳол-ку.
Чунки сен «ўз» сан,
Сендан
Ёзу қишда,
Ҳар улуғликда
Кенгаш истайман.
Баъзан
Қўларимга ҳам ишонмай қоламан.
Борлиғим суюнч билан тўлади,
Аллақандай маст бўлади.
Қомсомолдек бўлиб кетаман,
Тўлиб кетаман.
Қомсомолларда
Жонли тўлқин бор,
Қомсомолларга
Эски дунё тор,
Менинг ўғлим Пўлат ҳали пионер,
Қомсомол укаси.
У — лава,
У — «Эски»га ёв.
У — Ленинни севади,
У — партияни билади.
У — сенинг ўғлинг билан танишмоқчи,
Жонажон дўст бўлмоқчи.
Унинг бир яҳуд ўртоғи бор,

Бир-бирини ҳеч қилмайдилар хор.
У комсомол қизим билан бирга
Янги мактабга
Ҳар кун эрталаб кетади,
Мени шод этади.
Меним
Комсомол қизим
Паранжини,
Унинг ранжини
Сира кўрмади.
Катта қизимдек
Алам урмади.
Катта қизим бояқинш
Утган қиш,
«Ҳужум» йўлида,
Бойлар қўлида
Кўз юмиб кетди,
Қайғу бахш этди.
Бизнинг кампир
Қариганда қармоққа
Тушиб кетди.
Паранжини
Отиб уриб,
Паранжига
Жони билан қарши туриб,
Актив деган номга етди.
Энди кўрсанг
Кеча демай,
Кундуз демай
Югуради,
Елади.
Аллавақтда ишдан бўшаб келади.
Узи
Қишлоғимиз шўросининг каттаси.
Қўлида бор
Марказнинг ҳам паттаси.

VI

Яхши кунлар
Бирдан,
Алла қайси қирдан
Майин еллардек
Силаб-сийпаб
Келмадилар.
Биз «бу кунлар»ни,
Биз «гуллар»ни
Қон билан олдик,
Анча жон солдик.
Ҳар дамда,
Ҳар қадамда
«Салла»лардан,
«Қора калла»лардан,
Бойлардан,
Бой қўлидаги «ей»лардан
Турли-туман қаршилик
Олдик...
Қўрқмадик,
Қаршиликларни гўрга биз солдик...
Душманга — бугун,
Сўнгги кун...
У ўртаниб,
Ениб
Сўнгги нафасда
Куч йиғиб,
Қаршилик қилади...
Бироқ, у борлигин тилади.

VII

Иван!
Мен
Ҳар ишга қараб,

132

Суюнч билан соқол тараб,
Яша эй, улуг партия дейман,
Ленин йўлидан
Озмаганларни
Мен олқишлайман!

1929, 16 декабрь

ҲИКОЯЛАР



Ҳошимжон бу кун жуда қайғули. Ичига чироқ ёқсанг ёрмайди. Ҳар товуш унинг аччиғини қитиқлайди. Айниқса, кўчада ғириллаб юрган автомобилларнинг ғут-ғутлари унинг асабларига ларза беради.

Ҳукумат автомобилларида юргучиларга қарши турли фикрлар бугун Ҳошимжоннинг миясини эзадилар, қийнайдилар.

— Улардан қай ерим кам? — деб Ҳошимжон тишларини ғижирлатди. Бироқ унинг сўроғига жавоб бера турган, унинг ҳолидан хабар ола турган киши уйда йўқ. Ҳошимжоннинг ёлғиз ўзи тўрт соатдан бери сим кроватда ясланиб ётади. Қош қорайганда бир соат ҳам уйда турмайдиган кишининг шунча вақт уйда қолишига оддий назар солиш тўғри бўлмайди. Зўр алам ўтмаган бўлса Ҳошимжон бундай «ғўшанишин» бўлмасди. «Жаннат гуллари»дан бирини искаб кайфини чоғ қила берарди. Лекин бугун бошига тушган кулфат унинг бўғим-бўғимларини бўшаштириб, эски улфатларни, ўтган роҳатларни эсга тушириб юборди.

— Мен бу мамлакатда қандай яхши ишлар қилмадим? Нега аллакимлар кўтарилиб кета беради, улардан қай ерим кам?

Мана бу сўроқлар Ҳошимжоннинг тушунчасига тинчлик бермайдилар. Дунёда 28 йил яшаб, 28 томчи ёмонлик қилганини Ҳошимжон бу гал ҳам эслаб тополмади. Кўнглига доғ қўнмаган маъсум йигит эканини ўзи яна тасдиқлади. Унинг қадрига ета турган, тушунчаларини англайтурган кишилар бу мамлакатда камдан-кам бўлганлиги кўнглини эзди.

— Уф! Бу қандай замон? Жонингни аямай ишлайсан, ишлайсан, бир кун айбланиб ишдан чиқариласан... Мана мукофот...

Ҳошимжоннинг бу сўзларига сим кроватигина жавоб берди. Унга Ҳошимжон эътибор этмади.

* * *

Ҳошимжон кўп ерда, жуда кўп ишда бўлди. Бироқ бир ерда кўп вақт ишлаб яхши ном чиқариш унга насиб бўлмади. Унинг тўғри-сида гапирганда кишилар «гап десанг қоп-қоп, иш десанг тоғ-тошлардан топ» деб қўл силтайдилар. Ҳошимжон ҳам шундай кишиларнинг ҳаммасидан норози эди. Кишиларнинг Ҳошимжонга ёмон қарашларининг сабабини унинг ўзи файласуфларча таҳлил қиларди. Сирдош ўртоқларидан бўлган Амин-хўжага бир кун шундай деган эди:

— Дўстим, сабабини яхши биламан, агар бир гала товуқ орасига четдан бир хўроз келиб кирса, у ерда кеккайиб юра турган хўроз чидаб туролмайди. Қелган хўрозни ҳайдашга тиришади. Бизнинг маҳкамалардаги кишилар ҳам мана шунга ўхшайдилар. Иш билатурган киши маҳкамаларга кириб қолса

дарров ҳайдашга тиришадилар. Шунинг учун менга ўхшаганлар сарсон бўлиб юрадилар... Улма, гапинг жуда тўғри! Аминхўжа ҳар вақт Ҳошимжоннинг руҳини кўтариб юрарди.

Ҳошимжон жуда онгсиз эмас, у ўз фойдасини жуда яхши билади. Ўз сирдошларига айтадиган фалсафаларини ҳар кимнинг олдида оча бермайди, ким билан гаплашса шунинг кўнглига ёқатурган сўзларни айтишга тиришади. Лекин унинг ўз сўзи билан айтганда «толесизлик қурғур ёмон экан-да».

* * *

Ҳошимжон миллатчилар олдида ўзини миллатчи қилиб кўрсатишга ҳар вақт тиришган, биринчи ва иккинчи учрашишда уларнинг яхши қарашини ўзига тортишга ҳам эришган. Лекин унинг оғзи катталиги, маслаксивлиги уларни ҳам тез кунда қочириб юборган. Ҳошимжон миллатчилар билан сўзлашганда қўлини кўтариб юқори товуш билан айтади:

— Мен руслар, жуҳидлар билан кўп уришаман, сира чиқиша олмайман. Улар ҳар ерда бизнинг ўзбекларнинг йўлини тўсадилар. Ўзлари ҳамма ёқни эгаллаб олмоқчи бўладилар. Уларнинг ҳаммаси миллатчи. Ўрус ва жуҳидлардан коммунист чиқиши мумкин эмас.

Ҳошимжон руҳонийларга ҳам яхши кўришни истайди. Илгарилар дин, қуръон деб бақариб юргучилар қаторида жуда фаол бўлган. У 1920 ва 1921 йиллар — «Янги имло қуръонни бузади, янги имлочилар даҳрийлар» деб гап тарқатиб юрганларнинг бири эди. Ҳошимжоннинг ўзи бир неча жумлани тўғри

ёзишни билмаса ҳам, янги имло нима эканига тушунмаса ҳам қарши чиқа берганди. Айниқса, 1921 йилда араб ҳарфларининг ўрнига лотин ҳарфларини олиш деган хабар чиққанда Ҳошимжон ўзини йўқота турган даражада аччиқланган эди.

* * *

Ҳошимжон инқилоб бўлган йилдан бошлаб то шу вақтларгача анча нарса кўрди. Ўзи кўп шаҳарнинг бойлари танийтурган уйда туғилиб ўсган бўлса ҳам инқилобнинг бошларида жади́д ўртоқларининг кўмаги билан тузук-тузук усталларга эга бўлиб, бақариб юрди.

Ҳошимжон белига наган, тўппонча тақиб юрган вақтида Қобилхон бойнинг чиройли қизини хотинликка олиб, биринчи ёш хотинига жавоб бериб юборди.

Қобилхонбой қизини Ҳошимжонга бериб зиён қилмади. Унинг «сояйи давлати»да Қобилхонбойнинг уй-жой, пул-моли бутун қолди, бойлигига зарар келмади.

Ҳошимжон бу кунларнинг охири борлигига ишонмасдан кўкрак кериб ҳаммани таъзим қилдириб юрарди. Ишлар тузала борган сари Ҳошимжоннинг ҳоли бузила бошлади. Фирқани тозалаяганда темир супурги Ҳошимжонни ҳам ташқари ергитди.

* * *

Ҳошимжоннинг турмуши жуда бошқаланиб кетди. Янги иқтисодий сиёсатнинг таъсири ҳам унга ўз кучини кўрсатди. Эски вақтда

ҳукумат ишларида бирга бўлиб «НЭП бўлгач» қизил савдогарлар қаторига кирган ўртоқлари билан бирликда савдо ишларига ҳам қатнашиб турди. Лекин Ҳошимжон бу ишни очиқдан-очиқ қилишга жасорат этмади. Ўзи ҳукумат ишларида туриб ўртоқлари орқали савдо ишлари билан боғланишни яхши топди. Бундай ишга Ҳошимжон жуда истезоддли эди. Шунинг учун ҳукумат маҳкамаларида у ҳеч нарса қилолмасди. Ҳошимжон уй ҳаётини ҳам ўзгартди. Икки бола билан хотинини ташлаб «жаннат гуллари» билан бўлишга эришди.

— Нега хотинингиз билан ажрашдингиз?

— Сиз ҳам қизиқ экансиз... Мен маданий бир киши, хотиним нодон, эски турмушни истегаучи бўлгандан кейин турмуш қилиш мумкинми?

— Бизнинг ўзбек хотинлари ўқиган билан бир нарса бўлмас экан.

* * *

Ҳошимжон бу кун жуда қайғули. Ичига чироқ ёқсанг ёримайди. Уй ичи қоронғи бўлса ҳам у ўрнидан туриб чироқ ёқмайди. Сим кроватда шипга қараб ёта беради.

— Мумкинми? Уйда киши борми?

Эшикни очиб туриб ижозат сўраган кишини Ҳошимжон таниди.

— Кел... мендан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Ҳа... нима бўлди? Чироғ ёқмайсан. Бу кун кўринмадинг?

Ҳошимжон ўрнидан туриб чироқ ёқди. Аминхўжа унинг қайғули юзига қаради:

— Жуда қайғули кўринасан... Тобинг йўқми?

— Ўртоқ иш ёмон. Кооператив мудирликдан ҳам ҳайдадилар, бўйинга қарз ҳам тушиб турибди.

— Шунга ҳам хафа бўла берасанми? Буйилги қилган фойдадан қарзга берасан, қутиласан. Иш бўлса топилмай турган нарса эмас.

— Улиб бўлдим...

— Ҳозир савдогарчилик ёмон иш эмас, қўй хафа бўлма! Тўғрилаймиз... Уни-буни қўй... Овқат едингми?

— Йўқ.

— Тур, кийимларингни тузат! Мен икки «жаннат гули» билан ваъдалашиб келдим.

Аминхўжа Ҳошимжон сочини таради, галстугини тузатди, пудрани чаплади ва атрни кийимларига сепди.

Эшикни ёпиб туриб Ҳошимжон сўради:

— Қайси «жаннат гуллари?»

Шаҳардан яқинда келган Нина ва Мару-сахонлар...

Кўклам боши. Ҳали ер қуриган эмас. Тепаларда қор излари бор. Кўкламнинг галги келиши Қурбоннинг ҳам юрагида тўлқинлар қўзғотган. Қурбон на кечаси ва кундузи тинчлана олади. У ҳавога қарайди. Ерга қарайди ва шодлигидан калта соқолини бармоқлари билан тез-тез тарайди.

— Қурбон, сен ҳам бу йил белингни кўтариб оласан-да... Қодирнинг бу сўзлари Қурбонга жуда ҳам ёқади. Унинг дудоқларининг таноби қочади.

— Ҳаҳ... замон. Ҳукумат бизники. Бизга ўхшаганларники, дейди Қурбон. Оч-яланғоч юратурган ўтиб кетди оғайни!

Қодир ҳам Қурбоннинг ўзига ўхшаган камбағал деҳқон. Ер ислоҳати вақтида Қодирга.... таноб ер, Қурбонга.. таноб ер берилган. Лекин бояқиш Қурбон шу йилгача олган еридан фойдалана олмаган, бунга сабаб Қурбоннинг ишёқмаслиги ёхуд қўрқоқлиги эмас, бошқа... Қурбон ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, ҳеч ишдан қочмайдиган йигит. Буни қишлоқнинг каттадан-кичигигача яхши билади. Босмачилар Янги қишлоқдан узоқ бўлмаган тоғларда от қўйиб, қишлоққа қўрқинч солиб юрган замонларда ҳам ўз тўғри йўлидан қайт-

маган Қурбон «майда-чуйдалардан таб торт-маслиги»ни бир эмас, минг мартаба айтганини ҳамма эшитган. Қурбоннинг сўзлари қишлоқ бойларининггина кайфларини бузади. Бойлардан, руҳонийлардан бошқа ҳамма қишлоқ Қурбоннинг суҳбатига жуда зўр иштиёқли. Қурбон ҳам ноз қилишни, такаббур бўлишни билмайди. Биров:

— Қурбон, фалон воқеа қандай бўлган эди, — деб қўйса сўроғини рад қилмай тўла жавоб беради.

Кичкина уйнинг шипи қоп-қора. Уй эшиклари ёпиқ. Уйнинг бир четида гувиллаб ёниб турган ўтнинг шуъласи кичик уйни ҳам совуқликдан, қоронғиликдан ҳам қутқармоқчи бўлади. Ўт теварагида ўтирганлар ичида бўлган шаҳарлик уч йигит кўзларини зўрға-зўрға очиб ўлтирардилар. Тўлқинланиб учмоқда бўлган аччиқ тутунлар буларнинг на кўзларига ва на кўнгилларига роҳат беради. Лекин сир бой бермасга тиришадилар. Қурбон воқиллаб туради. Уйдаги тўққиз қишлоқ шаҳардан келган йигитлардан кўпроқ сўз эшитишни истаб тинч ўтиради. Буларнинг кўзлари ҳам ёшланмайди, кўнгиллари ҳам ҳузурсизланмайди. Унча-мунча тутун буларга таъсир қилмайдиган кўрилади.

— Сиз ўрганмагансиз-да... Эшикни очиб қўяйми?

Қурбон жуда зийрак йигит эканини бу ерда ҳам кўрсатди.

— Кеча унча ҳам совуқ эмас, — деди Қодир, — очиб қўя бер!

Эшик очилди. Ташқаридан тоза, ёлқин ҳаво югуриб ичкари кирди. Нафас олиш анча енгиллашди.

Ёниб турган ўтнинг ҳам боши эгилди. Унинг шуъласи эшикдан кирган ой нурлари билан қучоқлашди. Ташқарининг гўзаллиги ҳамманинг қарашини ўзига жалб этди. Қум-ғонга қараб ўтирган деҳқон деди:

— Бу йил ёғин ҳам чакки эмас. Ҳаво жў-нашиб кетса деҳқончилик ёмон бўлмайди.

Бошқа деҳқонлар ҳам бунинг сўзини тас-диқ қилдилар. Қотмагина деҳқон этаги билан ўтни елпиб деди: — Ҳукумат ўзимизники эка-нини энди билдик, пулимиз йўқ эди пулли бўлдик... Мана экишга уруғ, ейишга нон бер-ди. Пул берди.

— Ҳозир ичак узилди вақтида буғдойдан кўпроқ берилса яхши бўлар эди-да. Тиззасига сўяниб ўтирган чолнинг бу сўзига Қурбон дарров жавоб қайтарди. — Ҳукумат ҳар нарса берса камбағалларга беради. Ҳукумат кўзида ҳар қаердаги камбағаллар бирдек. Бир қиш-лоқдаги камбағалга кўп бериб, бошқа бир ёқдагисини оч қолдирмайди. Ҳар кимнинг ҳо-лига қараб беради. Биздан бошқа ҳам ҳуку-матдан пул, буғдой оладиганлар кўп. Кўпчи-ликка бир қадақдан берганда ҳам уҳ-хув... минг-минг қадақ бўлиб кетади. Ҳукумат тар-тиби билан бориға қараб беради-да. Йўқ ердан йўндириб бўлмайди-ку, ахир.

— Тўғри, — деб Қодир сўзга киришди. Бизнинг Қурбон ҳам чакана эмас, кўп нарса билади. Ҳамма гап ўзимизда. Биз яхши иш-ласак, яхши унум олсак ҳамма камбағалларга фойда. Ҳукумат камбағалларнинг турмуши яхши бўлсин дейди. Ҳукумат ўзимизники бўлгандан кейин ҳукумат айтганча ишлаш ўзимиз учун фойдали бўлади. Шундай эмасми мулло ака?

— Шундай...

Шаҳардан келганларнинг ўрта бўйли, соқолсизи бу тўғрида узун сўзлади. Ўтирган деҳқонлар ҳаммаси тингладилар. Гап келиб-келиб фирқа масаласига тақалди:

— ...Шу коммунистлар фирқасининг тўғри йўлбошчилиги остида мана шунча катта ишлар қилинди.

— Биз фирқани жуда яхши кўрамиз, — деди Қодир, — мана шу кичик қишлоғимизнинг ҳаммаси камбағал деҳқонлар бўлиб, буларнинг ярмичаси фирқалидир. Комсомол ячейкасининг саркотиби Турсун қўшиб қўйди: — Комсомоллар фирқалилардан ҳам кўп.

Қодир:

— Комсомоллар жуда ўткур-да, — деди.

Турсун тишларининг оқини кўрсатиб гапга кирди:

Комсомолларимиз орасида ёмон кишилар йўқ. Бугун биттаси бир оз ёмонлик қилиб қолган экан тоза бопладик... Бундан кейин сира ёмонлик қилмасликка сўз бериб зўрға қутулди. Бизнинг комсомолларнинг жуда кўпи саводли. Янаги йилга биргина саводсизни қўймаймиз.

Шаҳардан келганларнинг каттаси деди:

— Комсомол деган шундай бўлади. Ишлаш керак.

Чол деҳқон:

— Булар қип-қизил ўт... ўт..., — деб қўйди.

— Бу саккизинчи мартда ҳам хўп ишлашди-да, — деди Зайнаб хола, — шу қишлоқда очилмаган хотин-қиз қолмади.. Булар кўп ҳаракат билан ўйин қилишиб бердилар.

Шаҳарли йигитларнинг энг кичиги сўради:

— Саккизинчи март қишлоғингизда қандай ўтди?

— Болам, қандай ўтарди. Бизнинг қишлоқда яхши ўтмай, ана у бойлар кўп қишлоқда яхши ўтармиди?!

Зайнаб холанинг сўзини Қурбон қувватлайди.

— Жуда ҳам яхши ўтди. Мана шу ҳовлига йиғилган хотин-қизлар уч юздан ортиқ эди.

— Биргина хотин паранжи ёпиниб келгани йўқ, айланай болаларим.

Шаҳардан келган чиройли йигит сўради:

— Саккизинчи мартдан кейин хотин-қизларнинг яна паранжи ёпиниб олганлари йўқми?

— Йўқ. Бизнинг хотин-қизларимиз бойларнинг хотин-қизларига ўхшамайдилар. Улар ҳам «Ҳужум»га тушуниб қолишган.

Қотма деҳқоннинг бу сўзини ҳаммалари тасдиқладилар.

Шаҳардан келган йигит:

— Хотин-қизларингиз орасида қандай иш олиб борасиз?

— Муаллимимиз жуда яхши йигит-да, — деди Қурбон. Хотин-қизлар учун ҳам курс очганмиз. Барака топгур муаллим эрталаб болаларимизни, кундуз куни хотин-қизларимизни, кечқурун фирқалиларимизни ўқитади.

— Муаллимдан жуда розимиз, — деди Қодир. Бизга у жуда кўп нарсани ўргатди. Бир нарса билмай қолсак дарров сўраймиз. Йўқ демасдан жавоб беради. Қурбон ўртоғи Қодирнинг сўзига қўшимча қилди:

— Фирқалилар орасида худо тўғрисида муаллим у яхши гапириб юриб, охир худосизлар тўғараги тузди. Ҳозир фирқалиларнинг ҳеч бири намоз ўқимайди, худони танймайди...

Яқинда бир фирқалимиз масжидга кирган экан, орқа ёқасидан тортиб масжиддан чиқардик. Тавба қилиб, бундан кейин бундай ишларни қилмасликка сўз бериб, фирқа сафида қолди.

Кеча ярмига яқинлашиб қолган эди. Деҳқонлар уйларига қайтишга ҳаракат қилиб қолдилар. Уйдагиларнинг ҳаммалари ҳовлига чиқдилар. Шаҳардан келганлар билан хайрлашиб олти деҳқон уйларига қайтди. Қурбон, Қодир, Турсун меҳмонлар билан қолдилар. Ойдин кеча жуда чиройли эди. Шу ердан икки юз газча нарида бўлган кўлнинг суви милтиллаб турарди. Уч томонда буюк кўргон каби қорайиб турган тоғларнинг оқ бошлари ой нурларида жилваландилар.

Кўкда заррача булут йўқ эди. Қурбон бошидан ўтган воқеалардан бирини айтиб берди.

— Мана шу яқин тоғнинг этагидаги қишлоқ эски... кўрбоши чиққан қишлоқ. У кўрбошига бу Янги қишлоқдан мен, Қодир ва олти йигит қарши ишлаганмиз. Уларнинг дарақларини ҳукуматга етказиб турганмиз. Уша вақтда бир кун бу қишлоқдан ўн беш чақирим узоқдаги қишлоққа мен, Қодир, Тўғон жўнадик. Худди беш чақирим юрганимиздан кейин отлиқ кишилар кўриниб қолди. Улар тўппатўғри бизга от солишди. Бизни ўраб олиб кимлигимизни, қаерга боришимизни сўрадилар. Тўғоннинг тили тутилиб қолибди, ҳеч нарса деялмади. Мен жавоб бердим. «...қишлоғига борамиз, деҳқонлармиз». Улар дўқ қилиб сўқдилар. Кейин бири бизга хўмрайиб қараб деди: «Оқ туя кўрдингизми?» Мен йўқ дедим.

Қодир Қурбоннинг гапини бўлди:

— Қурбонни босмачилар, бойлар жуда

ёмон кўрадилар. Ҳали ҳам ёмон кўрадилар. Ҳозирги қамалаб ётган бултурги домламиз ҳам... босмачига қариндош эди. Шунинг учун муттаҳам бояқиш Қурбоннинг бўйнига бўлмағур тухматларни тақиб, анча вақт сарсон қилди. Охири ҳақиқат юзага чиқди. Қурбон оқланди, домланинг ўзи қамалиб кетди. Мана энди бу йил ер ислоҳотида олган ерини Қурбон ҳам тинчгина ишлай олади.

1928

Янги дунё куриш курашида борлиқ
кўрсатувчи ёш қаҳрамонларга —
пионерларга бағишлайман.

Боту.

Толлар баргак чиқарган эдилар. Ёш қизлар майда ўрилган сочларини тол гуллари билан беааб севиначардилар.

Ҳали қош қорайган эмасди.

Зайнаб хола билан Жаннат опа ўз эшикларининг олдида чўққайиб ўтириб Меҳри отиннинг бултурги сумалаги тўғрисида сўзлашар ва унинг очкўзлигини эслашар эдилар. Шу тор кўчанинг ёш ўғил болалари бўлса толдан отлар қилиб кўча чангитар ва Зайнаб хола билан Жаннат опанинг гапини гапга қовуштирмас эдилар. Бу хотинларнинг болаларга қараб «нарига бориб шовқин қилинлар», деб ялинишлари, уришишлари буларга сира таъсир қилмасди. Болалар тор кўчанинг у бошидан бу бошига, бу бошидан у бошига чопишардилар ва чарчаганларини сезмасдилар.

Меҳри опанинг эшигидан ўн қадам наридаги муюлишда деворга орқа бериб Турсун турарди ва болаларнинг ўйинларини томоша қиларди. Турсун ҳам шу чопишиб турган болалар тенги бола бўлганлиги учун тол отга миниб шулар билан бирга кўча чангитгиси ва шовқин солгиси келарди. Бироқ бундай қилиш Турсун учун мумкин эмасди. Бугун ҳам ҳар

кунги сингари хўжайиннинг икки яшар боласини опичиб юарди. Болани ерга тушириб ўйинга киришса, Олимбой хўжайиннинг хотини Шарофат холадан балога қоларди. Бир кун бой боласини ёнига ўтқизиб болалар билан ошиқ ўйнаб турганини Шарофат хола кўриб қолиб Турсуннинг қулоқларини қип-қизил қилган, сира ёмонлик қилмаса ҳам Турсун Шарофат холанинг қарғишини ҳар кун эшитарди.

Болалар Турсуннинг яккалигини билибми, унга қўпол ҳазиллар билан азоб берардилар. Қўп вақт у кўз ёшларини енгига ёхуд этагига артиб хўжайиннинг уйига қайтарди. Кўчадаги болаларга қарши туришга кучи етмагандан кейин бояқиш Турсун нима қила олади ахир? Хўжайин уйда ҳам дардини эшитиб овитадиган киши йўқ. Шунинг учун ҳамма дардини баъзи вақтлар Меҳри опанинг эри Тошпўлат акага йиғлаб-йиғлаб арз қилади ва юрагини бўшатиб олади.

Акбаржон бойнинг боласи Мусажон қўлидаги тол қамчи билан Турсуннинг яланғоч оёғига бир уриб кўча болалари орасида машхур нарсани айтиб қочади:

Турсун, Турсун,
Афтинг қурсун!
Сени тезроқ
Худо урсин!

Мусажоннинг ёнидаги болалар ҳам бурунларини Турсунга қийшайтириб юқоридаги сўзларни қайтардилар ва шовқин билан Меҳри опанинг олдидан чопишиб ўтдилар.

Турсуннинг кўнгли жуда бузилди, кўзлари ёшланди. Агар биров унинг отини-оғзига олса

йиғлаб юбориши аниқ эди. Ёшли кўзлари билан Меҳри опага қаради. Бу қараш кимсасиз, хорланган боланинг теваракдан мадад излашидан бошқа нарса эмасди. Меҳри опа буни англади ва Турсунни қўриқлаб, болаларни уришди:

— Тинч ўйнасангизлар ўласизми? Текканга тегиб, тегмаганга кесак отасиз... Турсун бояқиш сизларга нима ёмонлик қилди?..

Турсуннинг кўз ёшлари унинг узун киприкларини букиб юзларига тўкиладир. У дарров енг билан юзини ва кўзларини артиб олди ва хўжайиннинг уйига йўл солди. Меҳри опа унинг кўнглини кўтариш тилагида деди:

— Турсунжон, йиғлама... Тошпўлат аканг келганда ўзим айтиб қўяман... Болалар ундан кейин сенга ҳеч нарса демайдилар...

— Яна нима бало бўла қолди?.. Кўз ёшинг бошингни есин-да... Кечаю кундуз қуриб кеткурнинг боласини кўзидан ёш оқади... Қилган ишинг ўлсин, бир чақалик фойданг йўқ... Бу шумоёқ келгандан бери уйимизнинг баракаси кетди...

Шарофат хола бутун аламини бояқиш Турсундан олди. Турсун шундай қарғишларга кўмилишини билгани сабабли кўз ёшларини тиндириб ҳовлига киришга тиришган бўлса ҳам мумкин қилолмаган эди. Болаларнинг кўчадаги ҳужумидан кейин кўчада турабериш ҳам тузук эмасди. Нима бўлса-да болалар кўзидан узоқлашиш керак эди.

Шарофат холанинг бу галги қарғиши Турсунга жуда қаттиқ таъсир қилди. Томдан йиқилиб тушган кишининг устига чиқиб тепиш унга қандай алам берса, бу қарғиш ҳам Тур-

сунга ундан кам алам бермади; ўпкасини ту-
тиб ололмади, ўкраб юборди.

Турсуннинг ўрнида ҳар қандай киши бўл-
ганда ҳам шундай йиғлаб юборарди. Ун яшар
Турсун ҳали дунёда нима кўра олган?! Бун-
дай болалар ота-оналарининг муҳаббатига
ғарқ бўлиб ўсадилар. Мана, Акбаржон бой-
нинг боласи Мусажон ўн бирга кирган, Тур-
суннинг кўз олдида ҳар кун у осмонга сакрай-
ди; ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини
тортиб олади, агар Мусажон бир бола билан
урушиб қолса, Акбаржон бой кўчани бошига
кўтаради. Мусажоннинг онаси бўлса унинг
кўйлагини йиртган боланинг уйигача па-
ранжини қийшиқ ёпиниб бориб, юмдала-
шади.

Турсунга ён босиб кўчада шовқин кўтар-
гувчи у ёқда турсин, унинг ҳолини сўровчи
ҳам Олимбой уйида топилмайди. Шарофат
хола аҳволи ҳамма вақт бирдек, оз нарсани
баҳона қилиб, Турсунни қарғайди, уради. Бу
гал Турсун кўчадан келганда Шарофат хола
келинини уришиб турарди. Келин ҳам ҳақи-
қатда Турсун сингари гуноҳсиз эди. У палов
ёғини яхши қизитаман деб ёғни ёндириб
юборгани учун Шарофат холанинг феъли ай-
ниганди.

Шарофат хола эрига кечқурун Турсунни
ёмонлади:

— Бу шумоёқ Турсунни олиб келиб нима
қилардингиз? Бу ҳам бошимга битган бир
бало бўлди. Ҳар кун ўн маҳал кўчадаги бола-
лар билан ёқалашиб ёқа йиртиб келади... бо-
лага ҳам тузуккина қарамайди. Бир кун эмас,
бир кун болани майиб қилиб қўймаса яхши
эди... Турсуннинг феъли-хуйи худди онасига

ухшайди. Бунинг ўрнига тузукроқ, каттароқ бола олиб берсангиз бекорга ош емайди.

— Каттароқ бола текин ишламайди-да... Турсуннинг қулоғини ўзим чўзиб қўяман...

Турсуннинг қулоғини Олимбой хуфтон номозиغا чиқиб кетиш олдида чўзиб қўйди. Бояқиш Турсун чурук кўрпага ўралиб, овозини нариги айвонда ўтирган Шарофат холага эшиттирмасликка тиришиб, кўз ёшларини кир ёстиғига оқизди. Унинг бу ҳолидан ҳеч ким хабардор эмасди.

Турсун кир, чурук кўрпа қучоғида гужмайиб ётиб, бундан икки йил бурун ўлиб кетган онасининг эркалашларини эслади.

Турсун якка ўғил бўлгани сабабли ота ва онаси бутун борлиғини унинг учун сарф қилишга тайёр эдилар. Турсунга қизамиқ чиққанда унинг онаси кечаларни уйқусиз ўтказган ва кўзларини бир неча марта ёшлаган. Лекин, биргина боласининг «катта йигит» бўлишини кўриш унга насиб бўлмаган. Қаттиқ қишда ўн бир кун иситмалаб ётиб, сўнгра ўлган...

Турсуннинг отаси бўлса тирик. Шарофат холаларнинг даласида коранда. Турсун ҳам шу далада туғилган. Далада отаси ёлғиз бўлса ҳам, бойнинг сўзига қарши бўлолмай, Турсунни Шарофат холанинг уй ишлари учун ўзидан айришга мажбур бўлган.

Турсун тушида онасини кўрди. Онаси бағрига уни қаттиқ босиб, бошларини силаб деди:

— Сира хафа бўлма болам. Ёмон кунлар ҳам ўтиб кетади. Катта йигит бўласан, уйланасан... кўзларингдан онанг айлансин...

Турсун уйғониб кетди, ёнида кимсани кўрмади. Дарров кўзларини чирт юмди. Бироқ

суюкли она қайтадан уни эркаламади. У кўзларини катта очиб теваракка қаради.

Қоронғилик секин-секин юпқаланмоқда, ёруғлик ҳар томонни ўз қучоғига олмоқда эди. Хўрозларнинг чиройлик товушлари жимжитликда тўлқинланиб йўқолардилар. Кўкдаги юлдузларнинг хира бўлиб қолганлари ҳам юзларига парда олардилар.

Турсун ҳаммадан илгари ўриндан туриб Тошпўлат аканинг уйига чопди:

—Жон Тошпўлат ака!.. Турсун йиғлаб юборди ва сўзини айта олмади.

—Йиғлама, болам! Нима гапинг бор? Меҳри опанг ҳамма нарсани менга айтиб берди,— деди Тошпўлат ва Турсуннинг бошини силади.

— Мен... бу ер...да турмайман.

— Хўп, ўғлим! Мен бугун далага бораман, отангга айтаман. Албатта ўзи келиб сени олиб кетади.

II

— Бу йил бахтимиз кулган йил экан ўғлим, пахтага қара!.. Нурмат аканинг кўзларига ҳар пахта гули аллақандай бўлиб кўринарди. Ҳар навданинг жилвасидан у буюк лаззат оларди. Қуёш уфқдан тубан тушиб кетса ҳам Нурмат аканинг қўрғонга қайтгиси келмасди. У ўз меҳнатининг мевасини кўриб тенгсиз севинчларни кўнглига соларди.

Чиндан ҳам Нурмат акаларнинг бахти кулган эди.

Отаси Нурмат аканинг сўзларини Турсун таг-туғи билан англаб олмаса ҳам, лабларининг танобини қочирди ва икки қўли билан

отасининг сўл қўлини ушлаб эркаланди. Бу эркаланиш Нурмат аканинг шодлигини кўпайтирди.

— Пахталарни нима қиласиз, ота?

Турсуннинг бу ғуборсиз сўроғи Нурмат акага севинчли кулги бағишлади. У ўғлининг бошини силаб жавоб қайтарди:

— Пахталарни ҳукуматнинг заводига олиб бориб бераман. Ундан кейин сени уйлантириб қўяман, ўғлим, майлими?

— Боринг-э... уйланмайман! Турсун уялди, кўзларидан ёш оқизишга озгина қолди.

— Ўғлим... уялма! Ҳазилни биласан-ку...

Ота-бола етаклашиб қўрғонга етганларида кўкда қуёш излари ҳам қолмаган эди. Кенг даланинг чиройлик тинчлигини чигирткаларнинг чириллашлари ўз қучоқларига олиб турарди.

Нурмат ака ариқ суви билан оёқларини, сўнгра юз, қўлларини ювди ва қўрғонга кириб кетди.

Нурмат ака, Турсун яшайдиган бу қўрғон бурун Олимбойнинг эски қўрғони эди. Олимбой камбағал қўшнилари Мажид, Қосим чўтир, Тош қораларнинг ерларини ўз қўлига киргизгандан сўнг даранглатиб катта янги қўрғон солган ва бу эски қўрғонни кичик укаси Карим баччага берган эди. Бироқ, Карим бачча бу қўрғонда кўп вақт яшамаган. Бу томондаги қишлоқларда босмачилар кўча чангитиб, бош кесиб, камбағалларни қон қақшатиб юрганларида Карим бачча ҳам Ҳамдам қўрбошининг ўнг ёғида жийрон от миниб юрган ва улар орасида ўлиб кетган.

Нурмат акага бу қўрғон ер ислоҳоти вақтида ҳозир пахтани гуллатиб қўйган ери би-

лан бирга берилган. Олимбойнинг бутун ери ерсиз камбағал деҳқонларга ва шулар қаторида Нурмат акага ҳам бўлиб берилгандан сўнг Нурмат аканинг кўзи катта очилган. То шу ер ислохотигача ҳукуматдан чўчиб юришининг янглишлигини ва Олимбой ва бошқа шундай кишиларнинг гаплари камбағалларнинг кўзларини боғлаш эканини у англаб олган. Нурмат ака дарров шаҳарга бориб, Олимбойнинг қўлидан Турсунни айириб келган ва шу кундан бошлаб Олимбой ва шунга ўхшаганларга қарши жуда катта курашчи бўлиб қолган.

Нурмат ака ҳозир қишлоқнинг энг олдинги серҳаракатларидан саналади. Ҳеч бир мажлис унинг иштирокисиз ўтмайди. Қишлоқда хотин-қизлар озодлиги йўлида унинг югургани, ҳатто шаҳардаги тегишли идораларнинг кўпига ҳам маълум бўлган. У янаги йил ўртак бўларлик колхоз тузиш фикрига тушиб юради.

Нурмат аканинг бу ҳаракатлари бойларнинг, муллаларнинг ғижинини келтириб юрганини унинг ўзи ҳам сезарди.

— Қани, Турсун, мактабинг тузукми? Қизил бўйинбоғинг ҳам эскиб қолибди.

Нурмат ака бу сўроқни Турсуннинг ўғай онаси дастурхон йиғиштириб бўлгандан кейин унга берди. Нурмат ака якка ўғли Турсунни жуда яхши кўрарди ва ҳар кун кечқурун у билан узоқ гаплашиб ўлтирарди. Шунинг учун Турсун қишлоқдаги ўз тенгларига қараганда жуда кўп нарсга биларди. Отасидан эшитган сўзларини эски вақтда Олимбой қандай ёлғонлар билан бошқаларнинг ерларини тортиб олганлигини, камбағалларни қон қақ-

шатганини ва босмачилар вақтидаги кулфатларни Турсун аллақандай жиддийлик билан ўртоқларига айтиб берарди. Ўртоқлари ҳам кўзларини бўзрайтириб қўрқинч ичида унга қулоқ солардилар.

— Бошқа яхши бўйинбоғ олиб беринг...

Нурмат ака кулиб деди:

— Пахта пишгандан кейин.

Турсун эркаланди.

— Жон ота, эртага олиб беринг.

— Бозор борганимда олиб келаман. Мен домлангдан сўрайман, агар ёмон ўқисанг ҳеч нарсга сенга олиб келмайман.

Бир оздан сўнг Нурмат ака гузарга бориб, қўшчи ранси билан гаплашиб келмак учун кетди. Турсун дарс тайёрлаш учун кичик чироқни олдига қўйди ва ерга кўкрак бериб ётиб хат ёзишга киришди.

* * *

Дарров келаман, деб чиқиб кетган Нурмат акадан дарак бўлмагани Турсуннинг ўғай онасини қўрқитди. Қўшчиларнинг уйларида чироқларнинг дарахт бошларига бериб турган нурлари аллақачон йўқолган эди. Хўрозлар ҳам бир мартадан қичқириб бўлган эдилар.

Турсун ширин уйқуда ётарди.

Турсуннинг ўғай онаси тик этса эшикка қараб ўлтирарди.

Эшик жуда қаттиқ тақиллади. Кўп кишиларнинг қоришиқ товушлари эшитилди. Хотин эшик томон югурди.

Ун бир еридан пичоқ еб ҳушсиз ётган Нурмат акани айвонга ётқиздилар. Онасининг до-

ди Турсунни ўрнидан турғузди. Нурмат акани кўтариб келган кишилардан бири Турсунни бағрига қаттиқ босиб овитишга киришди:

— Йиғлама ўғлим! Ҳеч нарса бўлмади... Отанг тузалиб кетади.

Бироқ бу сўз ростга чиқмади. Уч кундан кейин Нурмат ака кўзини дам-бадам очиб юммади.

* * *

Нурмат акага пичоқ урганларнинг икkitаси беш кундан кейин тutilди. Учинчисининг — Олимбой жиянининг бошқа шаҳарга қочиb кетгани билинди. Олимбой ҳам бошқалар билан бирга қамоққа олинди.

Тергов Нурмат аканинг ўлдирилиши сиёсий тусда эканини аниқлади.

Турсун бир неча ойдан сўнг шаҳардаги ётиб ўқийдиган бир мактабга жўнатилды. Унинг юрагидан бойларга қарши ўчмас душманлик жой олди.

* * *

Турсун катта йигит бўлиб қолди. Бироқ ҳали ҳам қизил бўйинбоғини ташлаган эмас. Бундан беш йил бурун у оддий пионер эди. Ҳозир бўлса комсомол, пионерлар раҳбари.

Турсуннинг мана бундай катта йигит бўлишини на онаси ва на отаси кўра олди. Унинг бешигини тебратиb ўтириб ширин-ширин хаёлларга ғарқ бўлатурган она ҳозир Турсунни кўрса суюнчидан балки эсини йўқотарди.

Турсун ҳар жиҳатдан эски Турсун эмас. Олимбой уйда бола кўтариб юрадиган ла-

ванд, кўзи ёшли Турсун жиддий, серҳаракат киши бўлган. Бироқ ҳалигача ундаги камгаплик сақланиб келган. Отасининг, онасининг бу ёш бола экан вақтида ўлиб кетиши унга ўз таъсирини яхшигина бағишлаган. Унинг сўзларига, ҳаракатларига жуда диққат қилган киши бунни топиб олади. Аммо унча-мунча киши бу ингичка нуқтани кўролмайди.

Турсун ишчанликда ўртоқларининг олдида турганини ҳар ерда сўзлайдилар. Чиндан-да, у тутганини қўймайди. Шунинг учун унга умид кўзлари севиниб қарайди.

Турсуннинг соғлиги ҳам жойида, у бадан тарбиясига катта аҳамият беради ва тартибли суратда бу билан машғул бўлади. Ҳар кун эрталаб қуёшдан бурун ўрнидан туради, юзқўлларини яхшилаб ювади. Бадан тарбия муаллими кўрсатган ҳаракатларни диққат ва севги билан бажаради. У бадан тарбия тўғрагининг энг фаол аъзоларидан саналади. Кўпгина пионерлар, комсомоллар Турсунга ўхшаган қип-қизил юзли, йўғон билакли, келишган гавдали соғлом бўлишни истасалар ҳам, бундай бўлолмайдилар. Чунки булар Турсун сингари тартибли суратда севги билан бадан тарбия ишига киришмайдилар.

Кўкламнинг келиши Турсун раҳбарлик қиладиган пионерларни ҳам кенг далага чорлади. Булар бугун Н. қишлоғига чиқишга ва у ердаги комсомол, пионерлар билан бирга экин кампанияси байрами ясашга ошиғич тайёрлик кўрадилар.

Шаҳардан қишлоққа оққан пионерларни қарши олишга тўпланган қишлоқ комсомолларининг, пионерларининг қоралари кўрингач, биринчиларнинг оёқ олишлари жонланди.

Уларда пионер марши ўқиш ҳаваси туғилди.
Турсун бошлади, бошқалар қўшилдилар:

Ҳар чоқ тайёр, тайёرمىз,
Евни гўрга жойлаймиз.
Эркин жаҳон қўйнида
Умид тўла қайнаймиз.

Биз тўлқинмиз, тошамиз,
Тоғ, денгизлар ошамиз,
Ер ва кўкни титратар
Бизнинг «яша, яша»миз.

Эски дунё кучлари,
Иўлимизни тўсолмас.
Чирик уруғ-пуруғлар
Янги ерда ўсолмас.

Қизил бўйин боғимиз
Бизни таниқ қилади.
Бизга улуг фирқамиз
Иўлни аниқ қилади.

Ҳар чоқ тайёр, тайёرمىз,
Евни гўрга жойлаймиз.
Янги дунё қуришга
Тоза кучлар сайлаймиз.

Қишлоқ комсомоллари, пионерлари булар-
ни жуда катта тантана, севинч билан қарши
олдилар. Шаҳар ва қишлоқнинг ёш курашчи-
лари ҳамманинг диққатини ўзларига жалб
этдилар. Ҳар томондан йиғилган қишлоқлик-
лар аллақандай эътибор билан буларнинг
ҳаракатларига қарардилар ва сўзларига қу-
лоқ солардилар.

Турсун йиқилган деворнинг устига чиқиб ўткир товуш билан:

— Тайёр бўл! — деди.

— Ҳарчоқ тайёрмиз!

Кўпчилик оғзидан айтилган бу жавоб дала ҳавосинигина титратиб қўя қолмади. Бу ерга тўпланган қишлоқ халқининг юракларини ҳам титратди. Бироқ юраклар бир турли титрамадилар. Кўп юраклар шодлик билан титрасалар, бир қанча қора юраклар қайғу-алам билан титрадилар.

Йиғинни очган қишлоқ комсомол ячейкаси масъул котиби Турсундан кейин қишлоқ пионерларидан Қўзига сўз берди. Буларнинг ҳаммалари қисқа, ширин сўзлаб тилакларини англатдилар. Шаҳар билан қишлоқни яқинлаштиришда пионерлар ҳам ўз вазифаларини бажармоқчилар. Экин кампаниясини яхши этишга булар ҳам ўз кўмакларини бермоқчилар.

Йиғиндан сўнг қизил чойхонада овқат ейилди, сўнгра ўйин қилинди. Қишлоқ камбағалларига кўп нарсалар кўрсатилди, кўп фойдали сўзлар айтилди.

Қишлоқ комсомоллари орасида Мусажоннинг бўлиши Турсунни ҳайратга солди. У комсомол ячейкасининг масъул котибидан сўради:

— Ана у боланинг оти Мусажон эмасми?

— Мусажон Бобожонов.

— Нима дедингиз?

Ячейка масъул котиби ҳайрон бўлиб Турсунга қаради:

— Мусажон Бобожонов! Нега бундай ажабландингиз?

— Мусажон Олимбойнинг шаҳар маҳалласидаги Акбаржонбой деган машҳур бойнинг

Уғли эканини мен яхши биламан. Бу бола мен Олимбойнинг уйида хизмат қилиб юрган-имда менга тинчлик бермасди ҳар вақт:

Турсун, Турсун,
Афтинг курсун!
Сени тезроқ,
Худо урсин!

деб урарди.

Турсуннинг бу сўзлари ячейка масъул котибини жуда ҳайронликка солди:

— Уртоқ Турсун! Чиндан Мусажонни яхши танийсизми? У анкетасида камбағал қосиб боласиман деб ёзган-ку. Ҳозир бизнинг ячейкада маданий-маориф ишларини олиб боради. Шаҳардан бу ердаги кооперативга мудир ўринбосари бўлиб келган.

— Яхши танийман! Бу ерга чақиринг!

Ячейка масъул котиби Мусажонни чақирди. Мусажон ранги ўчган ҳолда келиб, Турсун билан кўришди.

— Қани ўтиринг, Мусажон ака! Қалайсиз, эсон-омон бормисиз?

Мусажоннинг лаблари қалтираб, жавоб беришга имконият бермасди. Ўзини куч билан эплаб жавоб берди:

— Раҳмат... ўзингиз қалайсиз? Жуда дараксиз бўлиб кетдингиз...

— Ҳа, юрибмиз. Дунё кенг экан. Ҳар ким ҳар ерда... Отангиз Акбаржон акам қаёқдалар?

Бу сўроқ Мусажоннинг юрагини эзиб юборди. Қандай жавоб беришини билмади.

— Билмадим... бир... неча йилдан бери... кўрганим йўқ... алоқани узганман...

— Нега?

— У киши эски фикрли...

Ячейка масъул котиби деди:

— Ун беш кун бурун отам касал эмиш деб шаҳарга бориб келган эдингиз-ку?!

Мусажон бутунлай ўзини йўқотди. Сирнинг очилиши унга ҳам аниқ бўлди.

Турсун Мусажон тўғрисида тўғри маълумотларни ячейкага ёзиб қолдирди. Ячейка масъул котиби тез кунда ишни текшириб комсомолдан ҳайдашни Турсунга ваъда қилди.

Шаҳардан борган пионерлар бу қишлоқда бир кун тунадилар. Булар шаҳарга қараб йўл олганларида ҳали қуёш юзини очган эмасди.

Қишлоқ комсомол ячейкасининг масъул котибидан Турсун олган хатда шундай нарса ҳам ёзилган:

«...Мусажон тўғрисида сизнинг гапингиз тўғри чиқди. У муттаҳам ҳалигача қонхўр отаси билан яширин савдогарчилик қилар экан. Кооперативда ҳам хиёрати бор экан. Комсомолдан чиқардик. Иши судга берилди...»

Турсун бу хатни жавобсиз қолдирмади. Жавоб хатида шаҳар комсомол райкомига масъул котиб бўлиб сайланганини ҳам ёзди.

МАҚОЛАЛАР



**ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИНИНГ
ОКтябрь ИНҚИЛОБИДАН
СУНГГИ ДАВРИГА БИР ҚАРАШ**

Октябрь арафасида ўзбек адабиёти

Жадидлик ҳаракати Октябрь инқилобининг арафасида ўзига йўлни анча кенгайтириб олган эди. Ҳозирги Ўзбекистон жумҳуриятининг катта-катта шаҳарларида жадидлар ташкилотлари ўз борлиқларини кўрсатиб ишлашга жасорат қилиш даражасига эришган эдилар. Миллий сармоянинг талабларини тартибга солиб майдонга отиш учун имконият анча кенгайган эди.

Бу вақтда ўзбек адабиёти шу талабларнинг «таржимони» бўлиб борлиқ кўрсатиб турди. Жадидлар мактаблари сиёсий, ижтимоий, маданий жабҳаларда курашувчилар тайёрлаб чиқаришни буюк галдаги вазифаларидан санаганларида жадидлар адабиётининг бисмиллоси шунга бағишланди. Бу табиий ҳол.

Феодализм талабларини куйлайдирган ва унинг мавжудиётини мақтайдирган «мадраса адабиёти»нинг мавқеини олиш, унга зарба бериш вазифаси бўйнида бўлган «жадидлар адабиёти» ҳар жиҳатдан ўзини тузуклашга мажбур эди. Бироқ бу йўлда у катта хизмат кўрсата олмади. Гўзал, чуқур маъноли асарлар майдонга отолмади. Лекин, миллий сармоя тилакларини тарқатишда катта ташвиқотчи бўлиб ишлади.

Октябрь инқилобининг арафасида мавжуд «жадидлар адабиёти» ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан «мадраса адабиёти» билан бир қаторда туролмади. Бу адабиёт усмонли ва татар адабиётининг изидан кетишга ҳар вақт уринди. Уларнинг таъсирига бутунлай ютилиб кетишдан сира қўрқмади, балки унга томон борди.

Илгарилари қўрқиб-писиб «миллатнинг жаҳолатидан» зорланса, сўнгги вақтларида очикдан-очик миллат ва ватан тароналарини юксалтира бошлади. «Ватан, ватан!... дея тан-дан жудо ўлур руҳим...» каби шеърлар кўпайиб тарқала борди. Албатта, бу ҳол миллий бойларнинг ўсиши, кучланишига қаттиқ боғланади. Умуман, «жадидлар адабиёти», «мадраса адабиёти» ўтирган ўринда чиқиб ўлтириш даражасига етолмади.

Октябрь инқилобининг бошларида ўзбек адабиёти

Октябрь инқилоби жадидларнинг самимий муҳаббатларига эриша олмаслиги табиий эди. Шунинг учун «жадидлар адабиёти» Октябрь инқилобини яхши қарши олмади.

«Санъат жамият ҳодисасидир» (Плеханов), албатта, бу ҳодиса бирдан лўп этиб тап-тайёр ҳолда чиқиб қолмайди. Октябрь инқилоби ҳокимиятни пролетариат қўлига ўтказиш билан «жадидлар адабиёти» бирдан йўқолиб пролетариат адабиёти туғилмади. Октябрь инқилобидан миллий бойлар ўз тилакларини вужудга чиқариш учун фойдаланишга уринганларида «жадидлар адабиёти» шу йўлда ҳаракат қилди. «Усмонли турклари» Туркистонга ке-

либ, жадидлар билан қўл-қўлга бериб ҳаракат бошлаганларида бу «жадидлар адабиёти» яна ҳам ўз афтини очиқроқ кўрсатди, илгаридан ҳам усмонли адабиётига яқинлашди. Ҳатто, тил, ифодаларда усмонлилар таъсири кўрилди. Гоясининг илдиз отиши учун бу адабиёт жиддий ишлади. Бу даврда татар адабиётининг таъсири йўқолиб кета бошлади. Мактаб болаларининг миясига Ватан, миллат заҳарлари қуйила берди.

«Миллат йўлидир, ҳақ йўлидир дутдигимиз йўл, ҳақ яша, эй севгил миллат, яша, вор ўл» каби шеърлар мактаб болаларининг, бир тўда йигитларнинг оғизларида тўлқин урди. Ҳар вақт адабиёт миллат, ватан деди, синф, синфий кураш тўғрисида ёзиш ўрнига синфий курашга қарши нарсалар майдонга чиқди. Бу даврда «жадид адабиёти» яна ҳам тубанлашиб кетди. Ўз отини ёзишни кечагина ўрганганлар ҳам адабиёт майдонида жавлон қилишга отландилар. Бунинг натижасида саноксиз бемаза шеърлар, ҳикоялар, сахна асарлари кўриниб, йўқолдилар. Буларда узоқ борлиқ кўрсатиб туришга қудрат сира йўқ эди.

Бу адабиёт кенг меҳнаткашлар оммасининг ичига сингиш у ёқда турсин, унинг ёнига ҳам яқинлашмади. Кенг меҳнаткашлар оммаси бу шеърларга «афандимлар ашуласи» деб масхара назари билан қаради.

«Жадидлар адабиёти» у вақтдаги миллатчилиқ талабларига ҳам жавоб беришдан ожиз бўлди.

Юқорида айтилганча, меҳнаткашлар оммасининг четда қолиши миллий бойлар тилагининг вужудга чиқаришда энг катта тўсқин

эди. Шунинг учун адабиётда ҳам янги йўл олиш мажбурияти борлиқ кўрсатди.

«Чиғатой гурунги» жаидлар адабиётининг йўлини бузуқ топди ва оммага яқинлашиб учун чоралар излади. Ҳақиқатан, ўзбек адабиётида анча янгиликлар вужудга келтирди. Бу айниқса, тил, услуб, шакл масалаларида бўлди. Лекин, мазмун масаласида узоқ кетмади. «Миллат, ватан» сўзларининг ўрнига «улус, юрт» сўзлари ишлатилди ва «эй севишли миллат, яша, вор ўл» ўрнига «турк эли, эй буюк эл, кўзинг оч!» шарқийлари тарқатилди.

Умуман, «Чиғатой гурунги» тарбиясида етишган янги ўзбек адабиёти миллатчиликни талқин этишдан узоқлашмади. «Чиғатой гурунги»нинг катта хизматларидан бири ёш қалам эгаларини тўплаб тарбия қилишидир. «Чиғатой гурунги»нинг ҳаракатлари усмонлилар таъсирида бўлган жаидлар томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Бунга сабаб «Чиғатой гурунги»нинг «Ўзбек миллати деб қичқириши бўлди». «Чиғатой гурунги» ҳам синфий айирмага қарамади, деди. Буни у вақтда майдонга чиққан асарларидан очиқ кўриш мумкин.

Бу асарларнинг аксариятида маънавиюнлик ғояси талқин қилинади. Ҳар асарда «модда руҳнинг маҳсулоти» каби кўрсатилади. Ишқ масаласида маънавиюнликнинг учига чиқилади. Энг гўзал асарлар деб ишқ, кўнгул, руҳ тўғрисида ёзилган нарсалар танилади.

«Чиғатой гурунги» теварагига тўпланган қалам аҳллари орасида 1922 йилдан бошлаб икки тўдага айрилиш кўринади. Бир тўда эски миллатчилик йўлини кенгайтириб илгарилашда давом этса, иккинчи тўда «йўқсул эл» кўп-

чилигига томон ҳаракат қилади. Бу сўнгги оқим кишилари орасида «йўқсул эл»чилик ҳаракати 22-йилдан бурун ҳам оз-моз кўриниб туради. Бироқ бунинг айрим шакл олиб, миллатчилик куйчиларига қарши ҳаракати кейинроқ борлик кўрсатади. Орада бир қанча адабий тўқинишлар вужудга келади. Шуниси қизиқки, ўшал даврдаги шўро матбуоти бу икки оқим курашига баробар қучоқ очиб туради.

Бу икки оқим «Чигатой гурунги» ичидан чиқиб, атрофларига бир қанча янги кучларни жалб эта бошлади. Бироқ, янги адабий кучларнинг ўсиши тартибли, яхши ҳолда бўлмайти.

Миллатчи ёзувчилар тўдаси босмачилик ҳаракатини турли шаклда мақтаб куйлашга ва босмачиларга шундай қилиб кўмак этишга кирадилар. Иккинчи тўда бунга қарши курашини давом эттириб, пролетариат мафкурасига яқинлаша борди. Бу икки тўда орасида мутараддир қолганлар ҳам бор эди. Булар кўп вақт ҳалиги миллатчилар тўдасига томон оқардилар, лекин миллатчилар тўдаси каби фаол суратда, мунтазам ишламасдилар.

Сўнгги чоқларда ўзбек адабиёти

Босмачилик тор-мор келтириб, иқтисодий ҳолат мамлакатимизда ўз йўлига кира бошлагач, миллатчи ёзувчилар кучсизланишга юз тутдилар. Лекин, булар осонлик билан тезгина йўл бўшатмадилар. Мафкура майдонидаги курашда уларга анчагина махсус зарбалар беришга тўғри келди. Уларнинг бир қанчалари — аксариятлари «жанда» кийиб адабиёт

соҳасидан ўзларини четга биров олдилар. Лекин, вақти келганда, яхши суратда бўлса ҳам, куйлаб қўядилар.

Мафкура жиҳатидан соғлом адабиёт сўнги вақтда куч олди. Янги-янги умидли кучлар ўзларининг ширин нарсалари билан адабиётимиз соҳасини безашга эришдилар. Лекин, ҳалигача чин маъноси билан пролетариат адабиётимиз вужудга чиққани йўқ. Пролетариат мафкураси билан суғоришган асарлар анча бўлиб қолган бўлса ҳам, қатъий бир шаклга кирган пролетариат адабиёти бизда бор деёлмаймиз.

Бизнинг янги адабиётимиз мазмун жиҳатидан ҳали ёш, шакл жиҳатидан бўлса, излаш—тажриба давридадир.

1928

Ўзбек нафис адабиёти ҳали ҳам асосли, системали танқидларни яхшигина сезгани ва унинг таъсирида муҳим бир тўда қадамларни босгани йўқ. Тузук, мафкура майдонидаги кураш адабиётимиз соҳасини ўтиб кетмайди, бу мумкин бўлмаган нарса. Лекин нафис санъат ва адабиётнинг кўпгина хусусиятлари тўғрисида оғизга оларлик бир нарса майдонга чиқмади.

Ўзбек адабиётининг кечган йўлига, ҳозирги ҳолига ва истиқболига назар солса, тоғ-тоғ ишлар қилиш лозимлиги очикдан-очик кўринадди. Ҳали Октябрь инқилобига қадар бўлган ўзбек адабиёти текширилгани, Октябрдан бошлаб шу чоққача қандай йўллар билан кетилгани ва бундан сўнг қандай йўллар билан кетиш кераклиги очик белгилангани йўқ. Мафкура жиҳатидан соғлом адабиёт бўлиши керак дейиш албатта, адабиёт масаласининг мажмуини ҳал қилмайди.

Ўзбек адабиётининг бу ҳоли ўз-ўзини танқид масаласига зўр аҳамият беришни талаб қилади. Албатта, танқид иш нуқтаи-назаридан бўлиши, камчиликларга, янглишларга қарши қўйилган ва тўғри йўл кўрсата турган бўлиши керак. Аммо, кўп вақт бизда танқид масала-

сида бу муҳим нарсă эсдăн чиқарилади. Мунаққидларимизнинг баъзилари танқид қилмоқчи бўлган нарсаларини текширмасдан сўзга кирадиладар. Албатта, бундай танқиднинг фойдасидан зарари кўп. Чунки, айниқса, илмий танқидлар таҳлилни, қаноат ҳосил қилишни талаб қиладилар. Бу сўздан ҳар бир мунаққид адиб ва шоир бўлсин деган маъно чиқмайди.

Ўзбек адабиёти соҳасида кўрилган танқидлар кўп вақт бир томонли бўлиш қусурига эга бўладилар. Бир адиб, бир шоир текшириларкан, унинг ҳамма нарсалари яхши элақдан ўтказилмайди. Замон ва макон масаласи баъзи чоқлар эсдан чиқарилади. Бундай танқидлардаги камчиликларни тўлдириш лозим бўлса, бу қилинмайди. Матбуотда кўрилган бир танқид ўзи якка қолиб, тез унутилишига маҳкум бўлади.

Мана бу ҳол бизда, ўз-ўзини танқид масаласи тегишли мавқега эга эмаслигини кўрсатади.

Адабиётимизнинг порлоқ истиқболи бу соҳада ҳам ўз-ўзини танқид масаласига жиддий аҳамият беришни талаб қиладди. Бундай ҳаракатни бошлаш ва системали равишда илгарига суриш лозим.

Янги дунё қурув учун синфий кураш қайнаган замонда, чинакам ғайратли, тажрибали самимий курашчилар жуда керак чоғда бундай курашчиларнинг биринчиларидан бўлиб орамиздан майдонга отилган ва ўз борлигини дўст ва душманга яхши кўрсата олган ўртоғимиз Мирмуҳсин Шермуҳаммедов орамиздан йўқолди. Бу на қадар оғир, қайғули йўқотув бўлса ҳам, бизнинг буюк гоа йўлидаги ҳаракатимизга, ишимизга бузғунлик беролмайди. Янги-янги курашчилар етилиб турадилар ва улар Мирмуҳсиннинг қилган ишларидан, тажрибаларидан кенг суратда фойдаланиб социализм қурувга бор кучларини беражаклар.

Ўртоқ Мирмуҳсин Шермуҳаммедовнинг оммага танилиши «муқаваси қалин мулла»га қарши буюк жасорат билан ҳужум қилганидан бошланади. Ҳақиқатан 1917 йил бошларида бойларнинг, муллаларнинг қўли узун бир вақтда динга, миллатчиликка қарши исён қилувчи оддий бир ҳаракат сабаб бўлмайди. Буни пролетариатнинг синфий душманлари яхши онгладилар. Ўртоқ Мирмуҳсинни тошбўрон этув учун бутун кучларини сафарбар қиладилар. Бу воқеа бизим тарихимизнинг инқилобий ҳаракатлар саҳифасидан катта

Ўрин олуви керакдир. Ҳозир «муқаваси қалин шарх муллалар»нинг уяси мадрасаларнинг зараридан, бойларнинг, уламоларнинг зулмидан озод ўзбек меҳнаткашлари бу воқеани албатта унутмаяжаклар. Улар меҳнаткашларни оғуловчи, социализм қурув ишига тўқинлик қилувчи дин билан охирига етказажаклар.

Ўртоқ Мирмуҳсинни тошбўрон қилиб мажаклаш тилагига эриша олмай қолган душманлар — пролетариат душманлари Мирмуҳсинни бу ҳаракатлари билан тўғри йўлдан оздира олмадилар, курашдан уни тўхтата олмадилар.

У Туркистондан ички Россияга кетиб ўз сўзича «бир қўлда қалам, бир қўлда милтиқ билан душманларга қарши» курашини давом қилдирди. Оқларга қарши урушларда қизил қаҳрамонлар сафида зўр фаолият кўрсатгани ҳаммага маълум. Оренбург фронтида қизил аскарларнинг ғалабаси билан илҳомланган, ғайратланган қизил аскар Мирмуҳсин ўз суюнчини, ўз умидини бошқалар билан ўртоқлашади. Ушал вақтда ёзган бир хатида тез кунда Туркистонни душманлардан, Ҳиндистонни ҳам инглиз империалистларидан қутқарув учун ҳаракат бошлаяжакларини аллақандай энтузиазм билан баён қилади. Мирмуҳсин бутун дунё меҳнаткашларининг озодликка чиқувига қаттиқ ишонганлиги ва шу йўлда қонли курашдан қайтмасликка аҳд қилганлиги юқоридаги сўзларидан очиқ билиниб туради.

Чинакам байналмилалчи, коммунист Мирмуҳсин собиқ Туркистонга қайтгандан сўнг яна ғайрат билан курашини, ишини давом қилдиради. У давомли суратда ўзбек қизил матбуотининг юксалиши, ўсиши учун хизмат

қилди. Унинг имзоси газета бетларида кам кўринса ҳам унинг ўзи газеталаримиз идораларида доимий эди.

Ўртоқ Мирмуҳсин ўз соҳасида буюк соф бир куч эди. Ўзбек ёзувчилари, мухбирлари ҳозир жумҳуриятимизнинг ҳар еридан етишиб социализм қурув йўлида буюк ғайрат билан ишламоқдалар. Буларнинг бу ҳаракатларини кўрган Мирмуҳсин суюнади. Чунки, унинг ўзи ўзбек ишчи-деҳқон мухбирларининг биринчиларидан эди. Ишчи-деҳқон мухбирлари ҳормай-толмай ишловлари билан Мирмуҳсинни ёддан чиқармаган, ҳурматлаган бўладилар. Мирмуҳсин ўртоқ энг сўнгги вақтда «Батрак» газетасининг масъул муҳаррири бўлиб ишларди.

Ўртоқ Мирмуҳсин 1901 йилда Тошкентда камбағал бир оилада туғилиб, 1929 йилнинг 2 августида кутилмаган ўлим билан юқори аботдан ерга йиқилиб орамиздан йўқолди.

1929

Алангали йилларнинг оташин шоири (Салоҳиддин Мамажонов)	3
--	---

Шеърлар

Ёз куни	31
Қўклам	32
Ёшлар учун	34
Қичкина армуғоним	35
Сени кутаман	37
Шокир Сулаймоннинг альбомига	38
Бизнинг товуш	40
Уйғотиш	41
Бизнинг байрам	43
Арафа кечаси	45
Парча	46
Ёш юрак тўлқини	47
Унутма бизни	50
Умид сўзлари	51
Жаннат	52
Менинг кундузим	53
Марсия	55
Тўлқиним	53
Севинч куйлари	57
Кел, бирга қулайлик	58
Ўгут	59

Паранжи	62
Исён	65
Сўзимиз	66
Ўгутим	67
Фарғона ёшларига	68
Қишлоқ қизлари	69
Чин инқилоб	70
Золимлар ўлкаларида	72
Қўзғалиш	73
Тутқун сўзи	75
Йўлчи сўзи	76
Йўл изловчига	77
Эрк сўзи	78
Ўтган кунлар	79
Н. Наримонов ўлди	81
Жавобим	82
Яна сизга	83
Қизил Москвада	84
Баёқишлар	85
Кураш учқуни	87
Исён алангаси	88
.Тилакларимиз тилаги	89
«Хитойда қиёмат...»	90
Қилич	92
Йигит сўзи	93
Ярали қуш	95
Қора денгизга	96
«Қучли борлиқ...»	97
Ашула	98
Парча	99
Ғоя йўлида	100
«Бир тўлқин...»	103
Капиталистлар ваҳшатига қарши	104
Қулликка қарши	105
Озод қизга	107

Саҳарда	108
Иўлчи сенга	109
Биз ким?	110
Кўзи юмиқ, орзи очикқа	111
Қутлайман	112
Қўкламда	113
Қўклам таронаси	115
Қўклам келди	117
Уғлим Эрклига	118
Биринчи ўгут	119
Ойдин кечада	120
Мен ёт эмас	121
Ҳақиқат	122
Парча	123
Навойига	124
Парча	125
«Кўрмадим гулни...»	126
Деҳқон ўғли	127
Қатта кўча	129
Кураш	131
Денгиз бўйида	132
Янги кун боласи	133
Севган қиз	134
Аланга	136
Олой қизи	137
Қўшчи	139
Қайғули кунлар эсдалиги	141
«Усди...»	143
Қаспий денгизига	144

Поэмалар

Синфлар кураши	147
Тоғ қизи	155
Биринчи хат	163

Ҳикоялар

Ҳошимжон	177
Янги қишлоқ	183
Турсун	190

Мақолалар

Ўзбек адабиётининг Октябрь инқилобидан сўнгги даврига бир қараш	207
Октябрь арафасида ўзбек адабиёти	207
Октябрь инқилобининг бошларида ўзбек адабиёти	208
Сўнгги чоқларда ўзбек адабиёти	211
Нафис адабиёт соҳасида ўз-ўзини танқид	213
Қатта йўқотув	215

На узбекском языке

Боту (Махмуд Хаднев)

ЛЕТНИЙ ДЕНЬ

Стихи, поэмы, рассказы и статьи

Редактор *А. Шаропов*

Рассом *А. Бобров*

Расмлар редактори *И. Қириакиди*

Техн. редактор *Н. Жўраева*

Корректор *М. Абдусаломова*

ИБ № 928

Босмхонага берилди 20. 02. 80. Босишга рухсат этилди. 15. 10. 80.
Р 09170. Формати 70×90^{1/32}. Босмахона қоғози 1. Адабий гарни-
тура. Юқори босма. Шартли босма л. 8,19. Нашр л. 6,9+0,2 вкл.
Тиражи 10000. Заказ № 151. Баҳоси 90 т. Рафур Фулом номи-
даги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129, Навоий
кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия
ишлаб чиқариш бirlашмасининг 2-босмахонасида босилди.
Янгийул шаҳар, Самарқанд кўчаси, 44.